

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХАЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



## МУСИҚА ТАЪЛИМИ

Мусиқа таълим фанларининг  
инновацион тараққиёти ва стратегиялари

МОДУЛИ БҮЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЬАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“МУСИҚА ТАЪЛИМИ” Йўналиши**

**“МУСИҚА ТАЪЛИМИ ФАНЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН  
ТАРАҚҚИЁТИ ВА СТРАТЕГИЯЛАРИ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2019**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** **Қ.Б.Панжиев** – Мусиқий таълим кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари номзоди.

**Ш.Н.Рахимов** - Мусиқий таълим кафедраси доценти.

**А.Х.Тригулова** - Мусиқий таълим кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.

**Тақризчилар:** Ponter de Parij №10 университети PhD доктори (Париж) Силвайн Рой

Б.Азимов - Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ чолғулари” кафедраси доценти, п.ф.н..

**Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг 2019 йил 30 августдаги 1/3.5- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>14</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>20</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b><u>1476</u></b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b><u>16564</u></b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b><u>17069</u></b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b><u>17170</u></b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР** **Кириш**

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносаб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иктисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижаот ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд тараққиёти замонавий жамият қиёфасини белгилаб бермоқда. Замонавий жамиятнинг энг муҳим характерли жиҳати унинг барча соҳаларида глобаллашувнинг кўзга ташланаётганлигидир. Глобаллашув ўз-ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан кўлга киритиш, уларни қайта ишлаш ва амалиётга самарали татбиқ қилишни тақозо этади. Бу тарзда ҳаракатланиш имкониятига ўз соҳасининг билимдони бўлган, қасбий

малакаларни юқори даражада эгаллай олган, бой тажриба ва маҳоратга эга кадрларгина эга бўладилар. Шундай экан, олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш жараёнида даврнинг мазкур талабини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, педагогларда касбий компетентлик сифатлари ва креатив қобилият моҳияти билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Малака ошириш тизимида “Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” ўқув модулининг ўқитилаётганлиги педагог кадрларни замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, техник ва дидактик имкониятларидан хабардор бўлишлари, таълим амалиётида ўқитишнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш, компетентлик сифатлари ва креативлик қобилиягини изчил ривожлантириб бориш кўникма-малакаларини ҳосил қилиш учун шароит яратиб қолмай, касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди.

Айни вақтда “Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” модули олий таълим пеагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчилар томонидан ўзлаштирилаётган касбий билим, кўникма, малака ва компетентлик сифатларини янада ривожлантириш, кенг кўламли илмий-тадқиқотларни олиб бориш, кучли рақобат мавжуд бўлган меҳнат бозорида ўз ўринларини сақлаб қолишиларига ёрдам беради.

Ўқув модули доирасида тингловчилар Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари фанининг тараққиёт тенденциялари ва инновацияларининг моҳияти, назарий асослари, самарали шакл, метод ва воситалари билан танишади, касбий фаолиятда педагогик технологияларни самарали, мақсадли қўллаш малакаларига эга бўлади, таълим жараёнини оқилона лойиҳалаштиришга доир тажрибаларини янада бойитади. Шунингдек, тингловчилар педагогик инновацияларни асослаш, яратиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш йўлларидан хабардор бўлади, инновацион характерга эга муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш малакаларини муваффақиятли ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг фаолликларини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” **модулининг мақсади:** таълим тизимининг ислоҳ қилиниши туфайли унинг мазмунини тубдан янгилашга ва таълим жараёнини замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш ҳамда сифат самарадорлигини кўтариш зарур бўлиб қолди.

Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари фанларини ўқитишида билим заҳираларини яратиш жаҳон амалиёти савиясида ташкил этиш, кадрлар тайёрлашда ўқитишининг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш, педагогик таълим олувчи шахсда мустақил фикрловчи, билимларни мустақил равишида қидирудви, ахборотлар тўпловчи ва улардан фойдалана олувчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини орттириш, педагогик тафаккурини кенгайтириш каби зарур назарий ва амалий билим, малака ва кўникмаларини тингловчиларда шакллантириш лозим бўлади.

“Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” **модулининг вазифалари:**

- замонавий фан ютуқларини амалиётга тадбиқ эта олиши, муаммони ечишга ижодий ёндашиши;
- мутахассислигининг илмий муаммоларини ечишда мустақил қарорлар қабул қила олиши, ҳамда ундан касбий фаолиятида фойдалана билиши;
- фазовий, образли-сиймоли, мантиқий тасаввур ва тафаккурни ривожлантириши;
- мустақиллик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик ва бошқа хислатларга эга бўлиши;
- илмий тадқиқот натижаларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ва ҳисботлар тузишни;
- касбий масалаларни ечишда автоматлаштирилган ва компьютерлаштирилган моделлаш методларини эгаллаши;
- илмий асосларда илмий жамоани бошқара олиши;
- ўқитишининг замонавий педагогик технологиялари ва методларини эгаллаши лозим.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **tinglovchi:**

- мусиқа таълимининг назарий асослари, фоялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойилларини;
- Машғулот турлари (лекция, амалий машғулотлар ва бошқалар) ни ўтказиш ва назорат қилишнинг фаол шаклларини;
- мусиқа таълими фанлари интеграциясини;
- ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим олувчиларнинг диққатини жалб қилиш ва машғулот самарадорлигини тўла ошириш методларини;
- талабалар билимини, кўнкима ва малакасини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини;
- ўзбек мусиқа мероси қатламлари, халқ мусиқаси, оғзаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти, мақом санъати, уларнинг қадимий тарихи ва фалсафий илдизларини;
- ўқитиш сифати ва кадрларнинг касбий тайёргарлигига таъсир этувчи факторларни;
- педагогик муроқот асосларини;
- илмий тадқиқот ишининг асосий тушунчалари ва методлари кабиларга оид **билимларга эга бўлиши**.
- Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари;
- мусиқа таълими фанларини ўқитишида инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш;
- фанини ўқитишида ўқув ва билим олиш фаолиятини оширишни ташкил этиш;
- Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари модулини ўқитишида тингловчиларнинг билими ва мустақил таълимини бошқариш ҳамда назорат қилишнинг ташкилий ва ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқиши;
- мусиқа дарсларида интерфаол методлардан самарали фойдаланиш;
- “Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари”дан топшириқлар, тарқатма карточкалар ва моделлар, кўргазмали электрон слайдлар каби ўқитиш воситалари (ўқув-методик матеариллар)ни ишлаб чиқиши;
- мусиқа таълим фанларини ўқитишининг дидактик таъминотини яратиш;

- методология ва замонавий методологик ёндашувларни танқидий таҳлил ва таснифлаш;
- ўқув-методик тарбия жараёнини лойихалаш ва амалга ошириш;
- “Янги педагогик технологиялар, уларни Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари модулини ўқитишида кўллаш кабиларга доир **кўникмаларини эгаллаши**.
- мусиқа таълими фанларини ўқитишида ўқув ахборотини қайта ишлаш, дидактик ўйинлар, муаммоли вазият ва кейс-стади топшириқларини ишлаб чиқиши;
- Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари фанини инновацион таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиши;
- мусиқа таълими фанларини ўқитишида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- мусиқа таълими фанларидан дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш;
- мусиқа таълими фанларини ўқитишида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиши ва оммалаштириш;
- талабаларларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг назоратида қийинчилик даражаси турлича бўлган адаптив тест топшириқларидан фойдаланиш малакаларига эга бўлиши зарур.
- мусиқа таълими фанларининг ютуқлари ва инновацияларидан касбий-педагогик фаолиятда кўллай олиш;
- иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш;
- педагогик инновацион фаолиятни самарали амалга ошириш;
- таълим жараёнининг инновацион характер касб этишини таъминлаш;
- инновацион таълим технологиялари (инновацион таълим технологиилари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар ва ассесмент технологиялари)га асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиши;
- тингловчиларни изланишли-ижодий фаолиятга йўналтириш компетенцияларни эгаллаши лозим.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” модулинин ўқитиш жараёнида:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билим боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” модули бўйича машғулотлар ўқув режадаги “Таълимда илғор хорижий тажрибалар”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш”, “Виртуал таълим технологияси”, “Касбий фаолиятни моделлаштириш технологияси”, “Педагогик такт ва техника”, “Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари”, “Креатив педагогика асослари” субмодуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар “Мусиқий таълим фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари”ни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллаш малакалари, педагогик компетентлик сифатлари ва креатив қобилиятга эга бўлади.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўкув юкламаси, соат				
		Хаммаси	Аудитория ўкув юкламаси		Жумладан	Мустақил таълим
			Жами	Назарий	Амалий	
1.	Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялар, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари. Методология ва замонавий методологик ёндашувларни танқидий таҳлил ва таснифлаш.	2	2	2	-	-
2.	Мусиқа таълими фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳа тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари. Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари. Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар.	4	4	2	2	
3.	Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари.	4	4	2	2	
4.	Ўзбек мусиқа мероси қатламлари, халқ мусиқаси, оғзаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти, мақом санъати, уларнинг қадимий тарихи ва фалсафий илдизлари.	4	4	2	2	
5.	Мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўкув-услубий адабиётлар яратиш, “устоз-шогирд” мактаблари.	4	4	2	2	
<b>Жами:</b>		<b>18</b>	<b>18</b>	<b>10</b>	<b>8</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу:** Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялар, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари. Методология ва замонавий методологик ёндашувларни танқидий таҳлил ва таснифлаш.

Олий педагогик таълимда мусиқий таълим фанлари ўқитувчиларининг ижодий қобилияtlарини шакллантириш. Мусиқий тушунчалар. Ўзбекистонда мусиқий фанларнинг тараққиёт йўналишлари. Ўзбек халақ мусиқасининг ривожланиш тенденциялари, анъанавийлик ва замонавийлик, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва ўзаро таъсири. Анъанавийлини замонавийлашувчи ҳамда унинг омаллашувидаги салбий холатлар.

**2-мавзу:** Мусиқа таълими фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳа тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари. Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари. Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар.

Мусиқий фанларнинг пайдо бўлиши ва ўқитилиши. Мусиқий фанларнинг ривожланиш тарихи. Мустақиллик даври мусиқий фанларнинг ривожланиши. Мусиқа таълими фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳа тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари. Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари. Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар.

**3-мавзу:** Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари.

Узлуксиз таълим тизимида мусиқий фанларини ўқитиша инновациялар. Мусиқий фанларини ўқитиша қўлланиладиган инновацион технологиялар.

**4-мавзу:** Ўзбек мусиқа мероси қатламлари, халқ мусиқаси, оғзаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти, мақом санъати, уларнинг қадимий тарихи ва фалсафий илдизлари.

Илк мусиқий тафаккур, мусиқий-назарий мероснинг шаклланиш жараёнлари, Халақ мусиқа анъаналари, оғизаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти. Ўн икки мақом тизиди, шашмақом, Фарғона-Тошкент чор мақоми, Хоразм мақмолари, достон ва суворалар. Ўзбек халқ

чолғуларининг келиб чиқиши тарихи, шаклланиш жараёнлари, таснифи ва такмоиллашув жараёнлари.

**5-мавзу:** Мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, “устоз-шогирд” мактаблари.

Мусиқа таълими ва санъатида илмий тадқиқот йўналишларида илмий-назарий ишларни ташкил этилиши, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, “устоз-шогирд” анъаналари ва мактабларининг бардавомлиги ҳамда уларни мусиқий меросни сақлаш ва келажак авлодга етказищдаги ўрни ва аҳамияти

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу:** Мусиқа таълими фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳа тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари. Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари. Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар.

Профессионал ва ҳаваскор ижрочилик. Чолғу ижрочилигига “устоз-шогирд” тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши хусусида хорижий адабиётлар (тахлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари). Мумтоз мусиқани ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши. Таълим тизимида чолғу ижрочилигини ўргатиш борасида илгор маҳаллий ва хорижий тажрибалар.

**2-мавзу:** Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари.

Узлуксиз таълим тизимида мусиқий фанларини ўқитища инновациялар. Мусиқий фанларини ўқитища қўлланиладиган инновацион технологиялар. Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари.

**3-мавзу:** Ўзбек мусиқа мероси қатламлари, ҳалқ мусиқаси, оғзаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти, мақом санъати, уларнинг қадимий тарихи ва фалсафий илдизлари.

Илк мусиқий тафаккур, мусиқий-назарий мероснинг шаклланиш жараёнлари, Ҳалақ мусиқа анъаналари, оғизаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти. Ўн икки мақом тизиди, шашмақом, Фарғона-Тошкент чор мақоми, Хоразм мақмолари, достон ва суворалар.

Ўзбек халқ чолғуларининг келиб чиқиш тарихи, шаклланиш жараёнлари, таснифи ва такмоиллашув жараёнлари.

**4-мавзу:** Мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, “устоз-шогирд” мактаблари.

Мусиқа таълими ва санъатида илмий тадқиқот йўналишларида илмий-назарий ишларни ташкил этилиши, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, “устоз-шогирд” анъаналари ва мактабларининг бардавомлиги ҳамда уларни мусиқий меросни сақлаш ва келажак авлодга етказищдаги ўрни ва аҳамияти

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (loyihalap echimi boyicha daliillar va asosli argumentlarni taqdim qiliish, eshitish va muammolap echiminini topish қобилиягини ривожлантириш).

## **П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“Ассесмент” методи**

#### **Методнинг мақсади:**

мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий қўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий қўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

#### **Тест**

Янги Вена мактабига ким раҳбарлик қилган?

- А. Арнольд Шёнберг
- В. Шостакович
- С. Чайковский
- Д. Верди

#### **Қиёсий таҳлил**

- Опера-симфония оркестрида ва халқ чолғулари оркестрида дирижёрлик қилишининг фарқлари?

#### **Тушунча таҳлили**

- “Интерпретация” сўзини изоҳланг.

#### **Амалий қўникма**

- Мусиқа санъатида таниқли маҳаллий ва хорижий ижодкорларнинг асарлари билан танишиш, таҳлил эта олиш

## “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Ниманатижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### Намуна.

**Фикр:** “Бастакорлик санъатида “Авангардизм” оқими ва унинг замонавий мусиқага таъсири”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

## **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- педагог машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>	<b>3-матн</b>
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт яқунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

## **Венн диаграммаси методи**

### **Методнинг мақсади:**

Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниqlаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалалиб, қўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: Опера**



### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурухли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлик изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Kanon	Юнон. canon – меъёр, қоида	
Intonatsiya	Лот. intono – қаттиқ талаффуз этаман	
Basso ostinato	Итал. basso ostinato – таянч бас.	
Geterofoniya	Юнон. heteros – бошқа, phone товуш, овоз; бир овозли куйни биргаликда ижро қилганда, импровизация туфайли вақти-вақти билан юзага келадиган оҳангдошларнинг пайдо бўлиши	
Auftakt	Нем. auf-устида, лот. Tactus – тегиш; қўл билан ишора қилмоқ, бирламчи огоҳлантирувчи қўл кўтариш ҳаракати	
Vokaliz	Французча vocalize, лот. Vocalis – унли товуш.	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

## **“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (ингл. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишиланган қисқа пресс-конференция.

### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**1-мавзу: Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялар, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари. Мусиқий тушунчалар. Методология ва замонавий методологик ёндашувларни танқидий таҳлил ва таснифлаш.**

#### **Режа**

- 1.Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялар, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари.**
- 2. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари. Мусиқий тиушунчалар.**
- 3. Методология ва замонавий методологик ёндашувларни танқидий таҳлил ва таснифлаш.**

**Таянч тушунчалар:** Мусиқа инновация, тараққиёт тенденция, назарий асос, ғоя, гипотеза, қонунийт, тамойил, мусиқий тушунчалар, санъат мутахассислиги, санъат функциялари, санъат турлари, санъат жанрлари.

#### **1.Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялар, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари.**

Ўзбек миллий-маданий мероси кўхна ва бой ҳамда ранг-баранг эканлиги барчага маълум. Ана шу миллий маданий мерос халқимизнинг ажралмас, ўзлигини англатувчи қадрият сифатида ахолининг ижод сарчашмалари асосида пайдо бўлган бўлиб, жуда олис даврларга бориб тақалади. Айниқса унда халқ оғзаки ижоди анъаналарининг юзага келиши, даврлар оша гуллаб яшнаши бадиий тафаккур тараққиётининг дастлабки босқичларидан тортиб, миллий-маънавий маданият ривожининг турли даврларида ҳам ўзининг юксак намуналарини кўриш мумкин. Мамлакатимиз худудидан топилган турли археологик ашёлар халқ мусиқа ижодининг илдизларини жуда чуқур эканлигидан далолат беради. Энг қадимги қулдорлик давлатлари Хоразм, Суғдиёна, Юнон-Бактрия, Кушон подшолиги даврларда ўзбек миллий маданиятини тез ривожланганлигини кўриш мумкин<sup>1</sup>. Бунда халқ оғзаки ижодининг дастлабки куртакларида аждодларимизнинг табиат ҳақидаги қадимий тасаввурлари, уларнинг табиатдаги ёвуз кучларига қарши курашлари ифода этилган бўлса, кейинчалик у инсонларнинг маънавий-ижтимоий эҳтиёжларини қондириш воситасига айлана борди. Вақтлар ўтиши билан қадимий халқ оғзаки ижоди касбий кўриниш шаклларини ўзида ифода эта бошлади. Бухоро

<sup>1</sup> М.Кояма, Т.Хаяси, Б.Турғунов, Ж.Илёсов. Далварзинтепа шаҳристони. Сока университети. 1996. 188-191 б.

амирлиги ва Кўқон, Хива хонликларининг ҳар бирида ўзига хос оғзаки ижоднинг турли шакллари ва юксак намуналари пайдо бўлди. Айниқса, байрамона қўшиқлар, оммавий халқ томоша санъати, дорбозлик, қўғирчоқбозлик усулидаги қўшиқ ва мусиқа асарлари яратилди. Шу билан бирга қўшиқчилик санъатида касбий ижрочиликнинг ашула, катта ашула каби жанрлари пайдо бўлди ва ривожланди. Кейинги даврларга келиб халқ мусиқа ижодининг миллий анъанавий яккахон қўшиқ ижрочилиги ривожланди. Айниқса, айтим жанрида профессионал ижрочилик маҳорати ўсида ва турли маҳорат мактабларига асос солинди. Қўшиқчилик санъатида лирик жанри катта нуфузга эга бўлди<sup>2</sup>. Анъанавий қўшиқларнинг янгидан-янги истеъдодли ижрочилиари етишиб чиқди. Албатта, давр, замон тараққиётида бу жараён янгиланиб, ўзгариб туриши табиий ҳол эканлигини кўрсатиб келмоқда. 1960 йилларда ўзбек мусиқа санъати ижрочилигида эстрада тушунчалик пайдо бўлди<sup>3</sup>. Ушбу ижрочилик жанри қисқа давр ичида еттидан етмиш ёшгача бўлган ахолининг аксарият қисмини қамраб олди. Маълум даражада ўзини оқлаб ҳам улгурди. Бироқ, бугунги глобаллашув жараёнида эстрада ниқоби остида оммавий маданият кириб келди ва олдимиизга келажак ворислари ҳисобланган ёшларимизни тарбиялаш масаласи ўта муҳим масала сифатида гавдаланди.

Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, уларни маънан етук шахс этиб тарбиялаш доимий равишда куннинг энг долзарб ва муҳим масалаларидан ҳисобланиб келган. Ёшларнинг ўз қизиқишилари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия бериш, келажакда шу соҳани малакали кадри бўлиб етишишларида оиласда ота-онанинг, таълим муассасаларининг педагог-ўқитувчиларнинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Ўсиб келаётган ёш авлод, келажак ворисларимиз ҳисобланган болалар тарбиясида ҳар жиҳатдан кўра эҳтиёткорлик билан ёндашишимиз зарур. Бу эса осонлик билан ёки оз фурсатда ҳал этиладиган масала эмас. Ўқувчи ёшларнинг маънавий онгни юксалтириш, дунёқарашини ўстиришда мусиқий тарбиянинг турли усулларидан фойдаланиш биз кутаётган натижаларни беради. Ота-боболаримиздан бизгача сайқал топиб этиб келган миллий мусиқа санъатимиз намуналарини эшитиб улгайган ҳар қандай инсон унинг нақадар мафтункор, сержило ва маънодор эканлигини ҳис қилиши табиий. Мусиқашунос олимлар тасниф этган ўзбек халқ мусиқа мероси – халқ мусиқаси ва унинг таркибида оиласвий, мавсумий маросим ва меҳнат қўшиқларини эшитмай катта бўлган кишини топиш мумкин эмас ёки “Дилхирож”, “Муножот”, “Тановор” каби ҳар бир инсон қалби, онги ва шууририга кириб борган нодир санъат дурдоналаримизни тингламаган, ундаги миллий оҳангдан барҳаманд бўлмаган, ўзбекона руҳият, миллий шукух, ўзбек менталитетига хос бўлган қадриялар уфуриб турган нафасни сезмаган кишини топиш мушкул. Шундай экан кундалик хаётимизни ҳам

<sup>2</sup> Иброҳимов О.А. «Ўзбек халқ мусиқа ижоди» (методик тавсиялар I қисм), Тошкент, 1994 й. – 62 б.

<sup>3</sup> Каҳхаров Н.В. Вокал асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент. Иқтисод-молия. 2008. 314 б.

музиқасиз тасаввур қилишимиз қийин. Байрам шодиёналари, тўй ҳашамлар, таваллуд аёмлари ҳаётимизнинг унутилмас дақиқаларида чиройли куй қўшиқлар, ёқимли тароналар ҳамроҳимиз бўлади. Севимли бўлган куй-оҳангларни тинглаганданда кайфиятимиз кўтарилади, ҳаёт ташвишларидан узоқлашгандек, ғам андуҳлар аригандек туюлади. Бу эса мусиқанинг бошқа санъат турларидан ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамиятини нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Давр ва замона тараққиёти мусиқа ижрочилигига турли жанр ва йўналишарини пайдо бўлишига олиб келмоқда<sup>4</sup>. Бироқ, ачинарли жиҳати шундаки мусиқанинг замонавий эстрада номи остида ижро этилаётган айрим қўшиқлар ёшларимизнинг дидсиз, гўзалликни ҳис қилмайдиган руҳда шаклланишига олиб келмоқда. Минг афсуски ёшлар тилидан тушмай келаётган ҳар хил маза-матрасиз, бачкана, маъно-мазмунга эга бўлмаган айрим эстрада қўшиқларига “санъат асари” сифатида қаралмоқда. XX асрнинг охирги йилларида хориж мусиқасида жадал ривожланган реп, рок каби жанрларига эргашиб кетган ёшларнинг онгини заҳарлаётганлиги бутун дунёда долзарб масала сифатида қараб, уни ечимларини излашга харакат қилинган эди. Бироқ, бугун мана шундай хавф ўзбек мусиқа санъати теграсида ҳам бўй кўрсатди. Хусусий студияларда ёзилиб, тижорат мақсадида телевидениеда намойиш қилинаётган ёки радио орқали мунтазам эшитирилиб келинаётган баъзи эстрада қўшиқларидан ёқимсиз товушли садолар ёки шовқинли факат электрон чолғуларда берилган ритмлардан иборат бўлган оҳангларда, “кўча” ҳамда “шева” сўзлар ишлатилиб, устиларига масҳарабозларча кийиниб, айниқса йигитлар тор, йиртиқ шим, турли хил бехаё расмлари бўлган майкалар, қизлар эса яrim яланғоч кийимлар, тор ва калта юпка кийиб кино-телевединие тилида айтганда “клип”ларда кўриниши умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллажлари ўқувчиларини ахлоқий фазилатларини бузилишига сабаб бўлмоқда. Энг ачинарлиси мазмунсиз қўшиқлар матни учун ишланган клипларда мазмунсиз бачканаликлар кўзга ташланади. Афсуски, нодир миллий мусиқа санъатини ҳали тушуниб етмаган ўқувчи-ёшларимиз ана шу юқорида тилган олинган “оммавий эстрада” орқасидан қувиб, уни тарғиб қилмоқда.

Санъаткор инсон ўз ижод намунасини халқа намойиш қилишдан аввал ижод маҳсули устида пухта ишлаши, қолаверса шу асар орқали кишиларга маънавий, руҳий озуқа бера олиши керак. Тўғри бугунги кунда ўзбек эстрада қўшиқчилик ижодиётида ижод қилаётган эстрада хонандалари талайгина. Бугун ёшлар қандай мусиқа тингламоқда? Албатта уларнинг кўпчилиги замонавий эстраданинг ихлосмандлари. Бироқ ўша “хит” бўлаётган қўшиқлар бизнинг маънавий қадриятларимизга, миллий анъаналаримизга қанчалик мос келади?. Гарча юқорида таъкидлаб ўтган бўлсакда, мазкур масалани мусиқий

<sup>4</sup> Панжиев К. Сурхондарё вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиёти. Диссертация. 2010 й. 150 б.

психология нуқтаи назаридан таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз. Қўшиқ матнининг ўзи кишини таажжублантиради, баъзи шеърларда қофияга ҳам ишлатилмаганилиги, мавзуларни бир хиллиги яъни севги муҳаббат, йигит қизга етишиш илинжида ортидан сарсон юргани тақрорланаверган. Муҳаббат дея аталмиш муқаддас туйғуни таърифлашга баъзан сўз тополмай қийналамиз, лекин айрим қўшиқчиларимиз уни шунчаки овунчоқ ёки ҳавас деб билиб, “севаман, ёнаман” деб “нола” қилишдан чарчашибапти. Ахир сўзни ҳам бехудага ишлатиш ярамайди, қулоғимиз остида жаранглайверганидан худди қадрсизлангандек туюлиб қолмоқда. Қолаверса, бир йигит қизнинг ортидан эртаю кеч юргани, қиз эса бошқа бировни севиб қолиши ва шунга ўхшаш намойишларни кўриб, қани ўзбек йигитларига хос мағрурлик, қизларимизга хос ибо-ҳаё дегинг келади. Шунингдек, санъаткор хонандаларимизнинг кийиниш маданиятида ҳам айрим салбий жиҳатларни учратиш мумкин. Баъзи эркак хонандалар хорижга тақлид либосларда, тор ёки ўта кенг шимларда, аёл қизлар эса елкаси очиқ тор кўйлакларда ўзларига ярашмаган қилиқлар билан намоён бўлиши кишининг ғашини келтиради. Чунки деярли аҳолининг барча қатлами иш ва ўқищдан бўш пайти оила даврасида бевосита телевизор томоша қилиш, янгиликлардан ҳабардор бўлиш, маданий хордик чиқариш мақсадида табиийки айни шу вақтда отаоналар қатори болалар, ўқувчи ёшлар ҳам оилада жам бўлади. Экран орқали хунук қилиқлар билан мазмунсиз, маъносиз ашуалар куйлаб чиқаётган хонандаларни кўрган кичик ёшдаги мурғак қалб эгаларининг ўй ҳаёллари ва тасаввур дунёси ўша оннинг ўзидаёқ ўзгариб кетиши ва онгода хаётга инсонларга бўлган муносабатлар ҳақида нотогри таассурот уйғониши табиий. Албатта болалар жуда қизиқувчан ҳилқат ҳисобланади, у бир марта кўриб, қизиқсан нарсасини яна тақрорлашни хоҳлаб қолади. Тинимсиз ва тўхтовсиз куйланаётган енгил-елпи сўзлар эса бола тилига ўрнашиб қолади, бўш вақти беихтиёр уни тақрорлайверади. Бироқ бу билан ўқувчи ёшларнинг мусиқий саводхонлиги, диди, маънавий мағкураси ошаётганидан далолат бермайди. Мазкур масалани ижобий ҳал этишда биринчи навбатда отаоналар, таълим муассасаларида педагог-ўқитувчилар жамоаси, маҳалла, шунингдек, қўни-қўшнилар эътиборли бўлиб, ўқувчи ёшларни бўш вақтларини унумли ва сермазмун ўтказишлари учун уларни банд қилиш керак. Айниқса, уларга китоб ўқиши ёки миллий мусиқа дурдоналарини ўрганишлари учун шароит яратиб бериш лозим. Бу каби ҳаракатлар мусиқа санъатининг ҳақиқий ворисларини беками кўст камол топтиришда ҳаракат қилган бўлмиз.

Санъат илоҳий кучга эга муқаддас тушунчадир<sup>5</sup>. Уни шунчаки ҳавас йўлида ишлатиш санъатни топташ билан баробардир. Бугун бизнинг олдимизда турган асосий вазифа миллий қадриятларимизга мос ва хос бўлган, маънан ва ахлоқан намуна бўла оладиган, эстетик онгимизни юксалтиришга хизмат қиласиган санъат асарларини яратиш, таъбир жоиз бўлса ана шундай яратувчиларни тарбиялаб боришдан иборатдир. Мусиқа

<sup>5</sup> Алавия М. «Ўзбек халқ маросим қўшиқлари» Тошкент, Фан, 1974 й.-221 б.

таълими ўзининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари, тамойиллари ва замонавий концепцияларига эга бўлиб, бугунги кунда фан-техниканинг, айниқса ахборот алмашинувининг мисли кўрилмаган даражада ривожланиши таъсирида мусиқа оламида ҳам турли хил кўринишларнинг пайдо бўлиши, ўқувчи ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиясига маълум даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, эстрада қўшиқлари учун олинаётган мусиқали клиплар, миллий менталитетимизга хос бўлмаган мусиқа асар ижро этишнинг шаклларини, ижрочиларнинг ғарб кийиниши либосларига хос кўринишлари фикримиз мисоли сифатида айтиш мумкин. Кўпгина ёшлар ўзлари сезмаган ҳолда бундай енгил-елпи, ҳеч қандай бадиий сифат, шакл ва мазмунга эга бўлмаган, айниқса, халқимиз руҳиятига мос бўлмаган, бемани тасвиirlар билан безатилган оҳанглар таъсирига тушиб қолаётганлиги ташвишли ҳолдир. Ану шу жараёнда умумтаълим мактабларининг ўрни ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Биз ёшларга ушбу жиҳатларни тушунтирибгина қолмай, уларни халқ қўшиқлари, миллий мусиқа санъатимизнинг юксак намуналари билан қуроллантиришимиз лозим. Токи улар ғарб мусиқаси асирасига айланиб қолмасин.

Мусиқанинг ҳаётбахш жозибаси, қудратли таъсир кучи, айниқса баркамол авлодни тарбиялашдаги бунёдкор кучи ҳақидаги фикрларимизни Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримовнинг куйидаги сўzlари ҳам яққол тасдиқлайди: "... агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам "Шашмақом" сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади"<sup>6</sup>.

## **2. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари. Мусиқий тушунчалар.**

Ўзининг мустақиллигини тобора мустаҳкамлаб бораётган Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий сиёсий ва маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиланишлар ўзининг кўлами ва аҳамияти билан муҳим воқеа сифатида тарихда муҳирланиб қолмоқда. Айниқса, Республикаизни мустақил ҳаёт кечириши, тенглар ичра тенглиги, ўзининг келажагини қуришда илдам қадам ташлаб бораётганлиги бугунги глобаллашув жараёнида ўзининг мустақил ривожланиш йўлидан собит қадам ташлаб, бутун дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Мамлакатимизнинг 130 йил мустабид тузум исканжасидаги ҳаётидан сўнг озод давлат сифатидаги илк фаолиятида кадрлар тайёрлаш масаласига асосий

<sup>6</sup> И.Каримов. "Юксак маънавият енгилмас куч". –Т.: "Маънавият". 2008 й., 143-бет.

эътиборини қаратди. 1992 йилда мустақил давлат сифатида “Таълим тўғрисида”ги биринчи Қонун қабул қилинди<sup>7</sup>. Мазкур қонун Ўзбекистонда илгари эришилган ютуқларни сақлаб қолиш баробарида, эски тизимдан янгисига ўтишда кўприк вазифасини ўтаган бўлса, 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги Қонунларни амалга киритилиши МДҲ Республикалари орасида биринчилардан бўлиб, таълим тизими ва унинг мазмун - моҳиятини бозор муносабатлари шароитидан келиб чиқсан ҳолда мутлоқо янгича дунёқараш ва талабни, қолаверса, янги босқични бошлаб берди. Мазкур қонун ғоявий мавкуравий жиҳатдан миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан жуда қадрлидир.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад, юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат. Айнан ана шу мақсадга эришиш учун мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов раҳбарлигига янги даврда яшайдиган, янгича фикрлайдиган, янги ишлаб чиқариш, ижтимоий шароитларда фаолият кўрсатадиган, замонавий касбий маҳоратга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашнинг “Ўзбек модели” ҳаётга тадбиқ этилди.

Республикамида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамият қурилмоқда. Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирchan механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқатворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи қучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти этиб белгиланган<sup>8</sup> лиги фикримиз далилидир.

<sup>7</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод орзузи. Тошкент. 2009. 128-129 б.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда.

Бугунги кунда мамлакатимиз барча соҳаларда кенг ислоҳотлар майдонига айланиб бормоқда. Мазкур ислоҳатлар заминида замон ва тараққиёт талабига тўла жавоб берадиган малакали кадрлар ва уларни тайёрлаш масаласи турибди. Бу ўринда олий таълим тизимида 2012 йилдан 6 та билим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлашнинг кенг йўлга қўйилиши бугунги кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини сифат ва самарадорлигини таъминлашда пойдевор замин яратди.

Бугунги кунда олий таълим тизимида ўқув-услубий фаолиятни ташкил этиш ва уларни самарадорлигини ошириш масаласи энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўқув ва услугубий фаолиятни ташкил этиш ва бу фаолиятни самарали олиб бориш ишларини янада такомиллаштириш ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Мусиқий тушунчалар.

Инсон руҳий олами, нозик ҳис – тўйғулари, ички кечинмалари унинг ижтимоий фаолиятини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Юксак руҳий кўтаринкилиқ, ажиб ҳис-туйғулар ички кечинмаларини мутаносиблаштиришда жозибали мусиқанинг сехри таъсири беқиёс улкандир.

Аждодларимиз асрлар давомида мусиқанинг қудратига таҳсинлар ўқиганлар, ўз муносабатларида, меҳнат фаолиятларида, ҳаётда ундан баҳраманд бўлганлар. Эзгу ниятларини амалга оширганлар.

Эндиликда мусиқанинг жозибали, хуснкор кўлами, унинг мавқеи янада кенгайди, жамиятда тутган ўрни мустаҳкамланди. Мусиқа мамлакатимизда катта тарбиявий имкониятларга эга бўлган мустақил соҳадир. Ўқув тарбия жараённида мусиқа ёш авлодга ахлоқий-эстетик тарбия беришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади, таълим жараёнининг бир қадар жадаллашуви самарадорлиги унга боғлиқ.

Мусиқавий жиҳатдан саводхонликка эга бўлишнинг аниқ мақсад ҳамда вазифалари мавжуд. Бу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда мавжуд илмий ва услугубий ёндашув муайян йўналишни белгилайди. Мусиқани ўзлаштириш, тинглаш, ижро этиш ва ундан ҳаётда манфаатдор бўлиш инсоний маданийлик билан уйғуналашиб кетади.

Халқимиз яратган дурдоналарнинг бири ҳисобланган мусиқа ҳар соҳада, чунончи, таълим – тарбияда, меҳнатда ва ижтимоий муносабатда маълум даражада ўз ифодасини топади. Мурғак гўдақдан тортиб то нуроний қарияларгача, санъат неъматларидан баҳраманд бўлади, эртанги куннинг янада порлок бўлиши учун курашади.

Шундай экан, мусиқа онгли фаолият, самарали меҳнат, самимий муносабат ҳамда мўътадил кайфият гарови бўла олади. Мусиқа кундалиқ

ҳаётимизга қанчалик сингиб борса, ҳаётимиз шунчалик завқли ва мазмунли ўтади.

Мустақиллик йилларида анъанавий қўшиқлар ва унинг тарихи, илдизини ўрганар эканмиз энг аввало “анъана”, анъанавийлик”, “қўшиқ”, “ашула”, “катта ашула” “анъанавий қўшиқ” тушунчаларига изоҳ бериб ўтишни жоиз деб билдиқ.

Анъана тушунчаси “Ўзбек тилининг изоҳли лугатида”<sup>9</sup> “наслдан наслга ўтувчи қоида”, яъни, ҳаётда қарор топган ва топаётган урф-одат, удум ва бошқа амалларни анъана тарзда тақрорланиб келиши деб эътироф этилади. Анъанавийлик эса ўз-ўзидан ушбу жараённи доимий равишда, йиллар мобайнида ўзига хос шаклда тақрорланиб келиши демакдир. Шу нуқтаи назардан биз тадқиқ этаётган анъанавий қўшиқлар ҳам ҳаётда, кундалик турмуш тарзимизда қарор топган ва топаётган урф-одат, удум ва бошқа амалларни авлоддан-авлодга йиллар мобайнида ўтиб клиши ва бу жараённи доимий равишда тақрорланишидир. Яна ҳам ойдироқ айтадиган бўлсак, анъана – авлоддан-авлодга ўтиб борадиган, одамлар ва кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, доимий ўтказиладиган ижтимоий ахлоқ муносабатларнинг умумлашган норма ва принципларидир. Шу ўринда қўшиқ<sup>10</sup> тушунчаси кенг қўлланилган. Адабиётларда қўрсатилишича, қўшиқ атамаси “шлок”, “такшут”, “ир” (йир), “куг” каби номлар билан қадимдан аталиб келган. Дастролаб, Маҳмуд Кошғарийнинг асарларида “қошуғ” - қўшиқ, қасида, шеър тарзида аталиб, сўзнинг маъносини шарҳлашдаги тўртлик маъносида ишлатилади. Анъанавий қўшиқлар ҳақида гап кетганда бу иборага мутахассислар фикрига таяниб хулоса чиқариш лозим бўлади. Атоқли мусиқашунос олим Р.Юнусов қўшиқ ҳақида таъриф бериб, мусиқий атама, иборалардан фойдаланиш амалиётида тегишли нуқсонлар борлиги ҳақида фикр билдириб шундай дейди – “кундалик муомилада тез-тез учрайдиган “қўшиқ” билан “ашула”ни фарқламаслик, фарқлай олмаслик кўзга яққол ташланади<sup>11</sup>. Дарҳақиқат ушбу фикрлар айни ҳақиқат. Қўшиқ атамаси ҳақида маълумот бериб ўтдик. Ашула бу бир оз қўшиққа нисбатан мураккаб жанр. Қўшиқни кундалик ҳаётимиздаги турли тоифадаги одамлар ижро этишлари мумкин. Бироқ, ашула ижрочиси маълум тайёргарликдан ўтган бўлиши ёки устоз сабоқларини олган бўлиши лозим.

Тадқиқотимизнинг ўзига хос ўрганишили лозим бўлган жиҳати сифатида шуни ҳам аълоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб топдик. Жумладан,

<sup>9</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 107 б.

<sup>10</sup> “Қўшиқ” сўзи мусиқашуносликда қабул килинган икки хил маъно (1-сўз ва кўйнинг бирлашувидан ҳосил бўлган айтим намуналари, 2-банд шаклли айтим жанри).

<sup>11</sup> Р.Юнусов. Анъанавий ўзбек мусиқа асослари”. Маърузалар матни. Тошкент. 2000 й., 4 б.

бугунги кунда ижтимоий ҳаётимиизда кўп учрайдиган “анъанавий хонандалик”, “анъанавий қўшиқ”, “анъанавий ашулачилик”, “анъанавий мумтоз мусиқа” ибораларига ойдинлик киритиб, тадқиқот давомида қўллашимиз учун осон бўладиган атамани тавсиф этсак. Яъни, аслида қандай юритишимиз лозимлиги хусусида ҳам тадқиқот доирасида ўз фирмумулоҳазаларни баён этамиз.

Юқорида “қўшиқ”, “ашула” ибораларга мутахассислар томонидан келтириб ўтилган таърифларни баён этдик. Қўшиқ жанрини ҳеч қандай мусиқий тайёргарлиги бўлмаган, оддий касб эгаси бўлган, мусиқа ва санъатга қизиқиши бўлган фуқаролар ихтиёрий равишда ижро эта олади. Чунки, қўшиқ ижро қилиш учун маҳсус тайёргарик шарт эмас. Маълум ритмга таянилган ҳолда кичик диапазонда куйлаш мумкин. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, ашула жанрини ижро этиш учун маълум қўникма ва малака талаб этилади. Ашула жанридаги асарларнинг жуда кўпчилиги асосан аruz вазндан шеърий мисралардан ташкил топади ва албатта ашулани авж пардаларда куйлаш шарт бўлади. Бу ўринда мусиқашунос олим Р.Юнусовнинг фикриларига таянамиз: - “ўзбек анъанавий мусиқасига хос ички қонуниятларнинг энг муҳим қирраларидан бири – авж масаласидир. Уни илмий жиҳатдан тўғри идрок этиб олиш кўп чалкашликларни олдини олади<sup>12</sup>. Авж атамаси хусусида атоқли олим И.Акбаров ўзининг “Музика луғати” китобида шундай таъриф беради<sup>13</sup>. Авж арабча бўлиб “чўққи, мусиқа баёни ва ривожида энг юқори нуқта” деган маънони англатади деб таъриф беради. Бу ўринда яна мусиқашунос олим Р.Юнусовнинг авж атамаси хусусидаги фикрларига қайтамиз. Ўзбек миллий мусиқачилар истеъмолида бу авж сўзини асосан уч тоифага бўлиб, изоҳлайди. Биринчидан, авж – ҳар қандай мусиқа асарнинг энг баланд, чўққи пардасининг лўнда ифодаси. Бундай кенг маъноли авж атамасидан хонандалик санъатида чекланмаган миқёсда фойдаланишни айтади. Иккинчидан, ўзбек анъанавий мусиқасида ривожланган шаклнинг юқори пардаларидаги маҳсус тузилма тушунилишини ҳамда ҳажмада катта, баланд пардаларда баён этилувчи куй тузилмалари асосан бастакорлик ижодиётининг маҳсули ашала, катта ашула, сувора, мақом жарнларга холслиги ва учинчидан, бир жуфт куй авж сўзини қўшилганлиги ҳолда юритилишини, бунга мисол тариқасида “Зебо пари авж”, “Турк авжи” каби асарларни келтириб ўтади<sup>14</sup>. Демак, ашулада авж пардалар асосий рол ўйнайди. Ушбу тафсилотларни эътиборга олган ҳолда айтиш жоизки тадқиқотимиз мавзуси ҳисобланган анъанавий хонандалик

<sup>12</sup> Юнусов Р. Анъанавий ўзбек мусиқа асослари”. Маърузалар матни. Тошкент. 2000 й., 7 б.

<sup>13</sup> Акбаров И. Музика луғати. Тошкент. 1987 й., 5 б.)

<sup>14</sup> Юнусов Р. Анъанавий ўзбек мусиқа асослари”. Маърузалар матни. Тошкент. 2000 й., 8 б.

масаласини баён этишда фақат ашула, катта ашула ижрочиларини ўрганиш масаласи ётади. Шу ўринда атоқли мусиқашунос олимлар Ф.Карамотли<sup>15</sup> ва О.Иброҳимов<sup>16</sup> тадқиқотларида ўзбек мусиқа меросини икки қатламга ажратган ҳолда тасниф этадилар ва айнан, иккинчи қисм мусиқа анъаналарига анъанавий хонандалик айтимларини ашула, катта ашула деб киритадилар.

Бастакор сўзи тожикча (“баста” - боғланган, “кор” - иш, ишловчи маъноларида) куйни ташкил этадиган унсурларни бир-бирига боғловчи – демакдир; ҳозирда “композитор” (композиция этувчи, куй яратувчи) маъносида ишлатилади.

**Санъат ҳақида тушиунча.** Санъат – ижтимоий онг шакли, инсониятнинг маънавий бойлиги. Кўп қиррали ва оламни бадиий-эстетик англашнинг ўзига хос воситаси. Яратувчилик, англаш ва баҳолаш хусусиятлари. Эстетик аҳамиятга эга бадиий ижод. Ҳодисалар, характерларни образли англаш. Образ – санъатнинг асосий ифода воситаси. Ижодий саралаш. Типиклаштириш. Умумлаштириш. Булар асосида ижодий ғояни, хистайтүғуларни ифодалаш.

**Санъат мутахассислиги.** Бадиий англаш обьекти сифатида. Инсон – шахсий ва ижтимоий манфаатлари бирлиги сифатида. Кишилар, инсон ва табиат, инсон ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар. Ҳам инсон, ҳам воқеликни бадиий-эстетик баҳолаш.

Санъатнинг яхлитлиги ва кўп қирралиги. Композиция ва шакл. Мазмун ва моҳият муштараклиги.

**Санъат функциялари.** Асосий функциялар. Ижтимоий. Маърифий. Тарбиявий. Этик. Коммуникатив. Томошавий. Эстетик. Образли фикрлаш қобилиягини ривожлантириш. Санъатнинг ғоявийлиги ва бадиийлиги. Санъатда тарихийлик ва замонавийлик масалалари.

**Санъат турлари.** Асосий структуравий-таснифий бирлиги. Театр ва кинода сўз, драматик конфликт ва персонажлар хатти-ҳаракати. Мусиқада овоз ва оҳанг. Хореографияда ҳаракат ва ритмика. Тасвирий санъатда: рангтасвирда ранг ва нур; ҳайкалтарошлиқда пластик ечим; графикада чизик, штрих, нур ва соя ва ҳ.к.

**Санъат жанрлари.** Жанр – санъат тури таркибидаги ички бўлиниши ва нисбатан барқарор, шаклланган хислатларига, ифодавий-тасвирий воситаларга эга экани.

Жанрларнинг модификацияси, трансформацияси.

<sup>15</sup> Кароматов Ф. Ўзбек халқи музика мероси (Йигирманчи асрда) 1 том. 1-китоб. Кўшик. Тошкент, 1978.

<sup>16</sup> Иброҳимов О. Ўзбек халқ мусиқа ижоди (методик тавсияновма). Тошкент. 1994 йил. 1-қисм.

Жанрлар. Мавзу бўйича – тарихий, замонавий, психологик, илмий-фантастик ва бошқа. Фоявий-эмоциональ хусусиятлари бўйича – лирик, юмористик ва бошқа.

Тузилмаси, шакли ва ижро усулига кўра бўлиниши. Вокаль-чолғу, камер-симфоник, хор, академик, халқ, эстрада ижрочилиги ва бошқа.

**Санъатда синтез.** Синтез тушунчаси, тарихий илдизлари, табиати. Ички ва ташқи шакллари.

Синтез структураси, компонентлари. Компонент тушунчаси. Ифода воситаларининг уйғунлашуви.

### **3. Методология ва замонавий методологик ёндашувларни танқидий таҳлил ва таснифлаш.**

Кишилик жамиятининг ибтидоий даврида одамлар табиат ином этган тайёр маҳсулотлардан жуда унумли фойдаланишган. Дастрлаб, турли мева ва сабзавотларни истеъмол қилиб кун қўришган бўлсада, кейинчалик гўшт маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжи ортиб борди. Бу яшаш учун кураш одамларга овчилик, кейинчалик эса дехқончилик, чорвочилик, ундан кейин эса ҳунармандчиликнинг турли-туман кўринишларини ривожланишига олиб келди. Мазкур ривожланишлар одамларнинг меҳнат тажрибасини шакллантириди, ривожлантаририди. Охир-оқибат уларнинг кундалик ҳаётига айланиб қолди. Одамлар меҳнат туфайли ўзларининг орзу ва истакларига эришди. Меҳнат фаолияти борган сари мураккаблаша бориб, одамларнинг ақлан ривожланишига олиб келди. Энди улар аста-секин шахс сифатида шакллана борди. Бора-бора кишилик жамиятининг ривожлантаришни янги-янги қирраларини забт этиб, уларнинг ҳаётига муҳим роль ўйнай бошлади. Инсоният ўзига янги-янги анъана ва амал қилиши лозим бўлган кундалик одатий фаолиятни – тарбияни таркиб топтириди. Бу ўз ўрнида меҳнат туфайли юзага келди. Меҳнат эса одамларнинг тарбиясига таъсир кўрсатиб, тарбияни ҳаётый зарурият қилиб қўйди. Одамларнинг бу меҳнат кўнилмалари унинг ёш авлодига мерос қолди. Энди тарбия меҳнат фаолиятининг, меҳнат тажрибасининг маҳсулуга бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Одамларнинг ҳаётый тажриба ортиришида яна бир фаолият таълим муҳим роль ўйнай бошлади. У турли билим ва кўнилмаларни таълим жараёнида амалга ошириб, шу тариқа ижтимоий ҳаётда орттирилган тажрибаларни қуи авлодга ўргатиш эҳтиёжини сезди ва ўзини фаравон ҳаёти учун амалга ошириб келди. Тажрибаларнинг тўпланиши натижасида таълим-тарбиянинг дастлабки омиллари вужудга келди. Табиат, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тажрибалар асосида маълум билимлар мажмуи пайдо бўлди ва у кун сайин тўпланиб бойиб борди.

Олдинига бола тарбияси катталар томонидан бевосита меҳнат фаолиятида амалга оширилган бўлса, жамият ривожлана борган сари бундай йўл талабга жавоб бермай қўйди. Энди тарбия билан билимдон, тажрибаси етарли замонасининг донишманд одамлари шуғуллана бошлади. Таълим-тарбия ишлари билан шуғулланувчи тарбиячилар касб-хунар ҳомийлари

сифатида ажралиб чиқа бошладилар. Уларнинг таълим-тарбия борасидаги фаолиятлари ва тўплаган тажрибаларидан ўринли фойдаланишлари педагогика фанининг вужудга келишига олиб келди. Машғулотлар тобора ташкилий шаклларга, кўринишларга эга бўлиб борди. Шу аснода дастлабки мактаб кўринишидаги муассасалар вужудга келди, тараққий этди. Шундай қилиб, педагогика таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмунни, усуслари ҳамда ташкил этиш шакллари ҳақидаги маълумот берувчи фанга айланди.

"Педагогика" атамаси ҳақида кўпгина манбаларда маълумот берилган. Педагогика - қадимги юон тилидан кириб келган бўлиб, бола етакловчи мазмунини билдиради. Эрамиздан олдинг III-I асрларда қадимги Юнонистонда қулдорларнинг боласини овқатлантирадиган, сайд қилдирадиган, мактабга олиб борадиган ва қайтариб эсон-омон олиб келадиган тарбиячи - қуллар "педагог"лар деб аталган.

Кишилик жамиятида таълим ва тарбиянинг роли ва ўрни тобора ошиб боргани сари одамлар онгига бу тушунчага бўлган эҳтиёж ва талаб кун сайин ошиб борди. Натижада бу атама хусусида одамларнинг қарашлари ижобий томонга ўзгарди. Махсус тайёргарлик кўрган ва таълим-тарбия билан шуғулланадиган шахслар "педагог" деб атала бошлади. Кўп вақтлар мобайнида педагогика фан сифатида фақат ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясини ўрганади, деб қараб келинди. Аммо ҳаёт амалиёти тарбиянинг умумий принциплари фақат болалар тарбиясига эмас, балки катта ёшдагилар тарбиясига ҳам тааллуқли эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда педагогикага ёш авлод ва катта ёшдаги одамларга таълим-тарбия бериш қонуниятларини ўрганувчи фан сифатида қаралди. Бу айни ҳақиқат.

Бугунги кунда келиб, педагогика алоҳида фан сифатида тараққий этган бўлиб, ўзининг бир неча мустақил тармоқларига эга бўлади. Жумладан, мактабгача тарбия педагогикаси, умумий таълим педагогикаси, олий таълим педагогикаси, педагогика тарихи, касб педагогикаси, махсус педагогика - дефектология (сурдопедагогика - кар ва соқов болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, тифлопедагогика - кўзи ожиз болаларни ўқитиш, олигофренопедагогика - ақлий ривожланишдан орқада қолган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, логопедия - нутқи яхши ривожланмаган болаларни ўқитиш), Мусиқа педагогикаси - мусиқа соҳаси педагогларини ўқитиш ва касбий қайта тайёрлаш тайёрлаш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда "Мусиқа педагогикаси" фаннинг алоҳида тармоғи сифатида бошқа фанлар билан ҳамкорликда тараққий этиб келмоқда. Мусиқа педагогикаси ўсиб келаётган ёшларга ва мусиқа таълими соҳаси мутахассисларига, катта ва кичик гурухли ансамблларга юксак маънавий, ахлоқий ва эстетик хислатларни, мусиқа ижрочилик маҳоратини шакллантириш, ақлий ва ижодкорлик иқтидор кучларини ривожлантириш, мънавий-руҳий тайёргарлигини амалга оширишнинг педагогик қонуниятларини ўрганувчи фан сифатида тараққий этиб келмоқда.

Мусиқа педагогикасининг обьекти - мусиқа соҳасида малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёнидан иборат. Унинг предмети (мазмуни) сифатида ёш авлодни жисмонан соғлом ва баққуват, маънавий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги жараёнининг педагогик қонуниятларини ўрганишдан иборат.

Бошқа фанлари қатри мусиқа педагогикаси фанининг ҳам ўзига хос асосий тушунчалари мавжуд бўлиб, улар мусиқа педагогикаси тили нуқтаи назаридан қўйидагилар ҳисобланади;

**Таълим** - маҳсус тайёрланган кишилар раҳбарлигига ўқувчи ёшларни мусиқий қобилиятини шакллантириш, ўстириш, ривожлантириш ва руҳан, маънавий ва маърифий хислатларини тарбиялаш учун, келажакда малакали мутахассис кадр сифатида зарур билим, кўникма ва малакалар билан мақсадли ва белгиланган тизим асосида қуроллантириш жараёнидир.

**Тарбия** - илмий дунёқараш, маънавий-маърифий тушунчалар, аҳлоқий муносабатлар, жисмоний ва қасбий хислатлар, борлиққа эстетик муносабат, мусиқий қобилиятни ривожлантириш, мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, бирор бир чолғу асбобда ижрочилик маҳоратини ошириш мақсадида ўқувчи ёшларнинг онги, руҳияти, иродасига мақсадли, белгиланган тизим асосида тўғри педагогик таъсир кўрсатишдир.

**Маълумот** - таълим-тарбия натижасида эгалланган ва тизимга солинган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда юксак савияда шаклланган дунёқарашлар мажмуи бўлиб, мусиқа таълими асосида юксак ижрочилик (куйлаш, чолғу асбобида чалиш) маҳоратини эгаллашдир.

**Ривожланиш** - ўқувчи ёшларнинг ақлий ва мусиқий ижодкорлик имкониятларининг бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусиятлари ва мусиқа хизмат шароитларига мувофиқ мақсадли такомиллашуви жараёнидир.

**Руҳий тайёргарлик** – мусиқа ижроиси ўз олдига қўйган мақсадга эришиш йўлида ўз кучини, иродасини, жасоратини, тафакурини тайёрлаши. Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлида турли шароитларда белгиланган вазифларни адо этиш учун ўзининг доимий ички тайёрлиги ва юксак ҳиссий-иродавий турғунлигини таъминлаш бўйича мақсадли равишда унда руҳий хислатларни шакллантириш жараёнидир.

**Мустақил тарбия** – ўқувчи ёшларнинг мусиқий ижрочилик тайёргарлиги бўйича билим ва кўникмаларини муваффақиятли адо этиши учун зарур бўлган хислатларни ўзида шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан мақсадли, онгли мустақил фаолиятидир. Ёки бошқача қилиб айтганда мустақил таълим бўлажак мутахассис кадрларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари, чуқурлаштиришлари ва такомиллаштиришлари юзасидан мақсадли мустақил иши ёки таълим олишидир.

**Билим** - борлиқ, воқеа ва ҳодисалар, мусиқий ижодкорлик ва ижрочилик қобилияtlари, уларнинг ўзаро алоқа ва муносабатларининг инсон онгига намоён бўлишидир.

**Кўникма** - иш-ҳаракатларнинг пухта эгаллаганлиги, автоматлашган тарзда бажарилишидир.

**Малака** - кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг ўз вазифаларини юксак тарзда бажариши ҳамда уларнинг эгаллаган билим ва кўникмаларидан, иш тажрибаларидан самарали фойдаланишда, шунингдек, янги ва турли шароитларда тўғри ва оқилона қўллай олишидир.

Бугунги кунда мусиқа таълими ва тарбияси соҳасида малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш ва ўқувчи ёшлар ва тарбиячиланувчиларнинг мусиқий-педагогик билимлари даражасига қўйилаётган талаблар тобора ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида Мусиқа педагогикаси фанининг вазифалар доирасини кенгайишига олиб келмоқда.

Шундай қилиб, Мусиқа педагогикаси фани ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- мусиқа педагогикаси жараёнининг моҳияти, хусусиятлари ва қонуниятларини, унинг таркибий қисмлари бўлмиш таълим, тарбия, руҳий ижодкорлик, ижрочилик маҳорати, мустақил ижрочилик маҳоратини ошириш, мустақил таълим олиш жараёнларини ўрганиш;
- жамиятда ва ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар асосида мусиқа фаолиятини ривожланиши ва такомиллашуви, шунингдек, уларнинг ижтимоий бўғиннинг барча жабҳаларига кириб бориш таълим ва тарбия принципларини аниқлаш;
- мусиқа педагогикасининг шаклларини таркиб топтириш, методларини ривожлантириб, замон талаблари асосида такомиллаштириш;
- турли тоифадаги мусиқа ижрочилари билан ҳар хил шароитларда таълим-тарбия жараёнини амалга оширишда таълим ва тарбия принциплари талабларини муваффақиятли амалга ошириш;
- мусиқа жанрларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим ва тарбия методлари тизимини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириб бориш;
- таълим-тарбия ишларини ташкил этиш шаклларини такомиллаштириш, риволантириш, мусиқа ижрочиси ва унинг мусиқа жамоалари орасида таълим ва тарбия даражасини аниқлаш, текшириш ҳамда баҳолашнинг самарали йўлларини тадқиқ қилиш;
- мусиқа педагогик жараённинг ривожини таъминловчи услубий таъминотни яратиш ва уни давр талабидан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириб бориш;
- дидактик тадқиқотларнинг марказий муаммоси сифатида ўқувчи ёшларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, алоҳида олинган мусиқа ижрочи жамоаларнинг юксак профессионал ижрочилик даражасига эга бўлиш йўлларини, усулларини, воситаларини излаш ҳамда амалиётда қўллаш;
- мусиқа ижрочиларининг ўзига хос хусусиятларини, маҳоратини ўрганиш ва таълим-тарбия жараёнида уларни ҳисобга олиш;

- мусиқа ижрочиларнинг мусиқий маҳорат интизомини ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий-ахлоқий камолотга эришиш йўлларини ўргатишни излаб топиш;

- моҳир мусиқа ижрочилари ва мусиқа жамоалар ўртасида мусобақа ташкил этишнинг педагогик шартларини аниқлаш;

- мусиқа ижрочиларини жамоавий бирликда жипслаштириш, унда интизом талабларига хос ўзаро муносабатларни, соғлом руҳий мухит ва ижтимоий фикрни шакллантириш методларини ўрганиш ва уни амалиётда қўллай олиш;

Мусиқа ижодиётида ижрочиларни тарбиялашда уларга раҳбарлик, ўқитувчилик ва устозлик қилиш фаолиятидан келиб чиқиб, мусиқа педагогикаси фани учун қўйидаги асосий вазифалар ҳам муҳим ўрин эгаллайди:

- мусиқа-педагогик жараёнда тарбияланувчиларнинг ўрнини аниқлаш;
- ўқувчи-ёшларда педагогик маданият ва педагогик маҳоратни шакллантириш йўлларини излаб топиш ҳамда уларга таълим ва тарбия бериш мазмунни ва услубларини тушунтириш;

- илгор педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, мусиқа-педагогикси бўйича тадқиқотлар олиб бориш услубларини ишлаб чиқиш.

Ҳар қандай фан ўзининг илмий тадқиқот методларига эга. Бу методлар орқали у ўз мазмунини бойитиб, янгилаб боради. Мусиқа педагогикаси фани ҳам бундан мустасно эмас. У ўз мазмунини бойитиш ва янгилаш мақсадида мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни, унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган методлар билан ўрганади. Шу маънода мусиқа педагогикасининг илмий-тадқиқот методлари дегада мусиқий тарбия ва мусиқа ижодиёти билан мунтазам шуғулланувчи тарбияланувчиларга таълим ва тарбия беришнинг реал жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, методлари, воситалари мажмуи тушунилади.

Бугунги кунда мусиқа педагогикаси фанида қўйидаги илмий-тадқиқот методларидан фойдаланиш тавсия этилади:

**Педагогик кузатиш методи.** Мусиқа педагогикаси фанининг мазкур методи таълим-тарбия жараёнининг амалдаги ҳолати билан танишиш, уларнинг сабаб-оқибатларини билиш, талаба-ёшларнинг билим, кўнкима ва малакаларини эгаллашлари, уларнинг интизоми ва ўзаро муносабатларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли педагогик таъсир кўрсатиш йўлларини белгилаш мақсадида қўлланилади.

Бу метод орқали тадқиқотчи педагогик тажрибанинг муайян бир томони ва ҳодисаларини бирор мақсадда кўзда тутиб идрок этишини ташкил қиласди. Бунда кузатишларнинг даврийлиги ва сони, кузатиш обьекти, вақти, педагогик вазиятларни кузатиш учун белгиланган кўрсатмалар ва бошқа маълумотларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

**Суҳбат методи.** Таълим-тарбия жараёнини яхшилаш ёки яратилган илмий фаразларнинг қанчалик тўғри эканлигини аниқлаш мақсадида суҳбат

методидан фойдаланилади. Суҳбат якка тартибда ёки жамоа иштирокида ўтказилиши мумкин. Суҳбат методидан самарали фойдаланиш учун дастлаб олдиндан режа тузиш ҳамда суҳбат олиб боришнинг вақти, жойи, керакли натижага эришиш учун тегишли саволлар тўпламини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Саволар шундай тузилиши керакки у оддий, содда, тушуниш енгил ва тузилган саволларга тез фурсатда аниқ ва лўнда жавоб олиш мумкин бўлиши лозимлигини талаб қиласди. Суҳбат давомида тадқиқотчининг суҳбат олиб бориш ва уни керакли томонга йўналтира олишни билиши, суҳбатдошининг руҳий ҳолатига қараб суҳбат оҳангини мослаштириши ҳам ғоят муҳимдир. Шундан сўнг суҳбат натижаларини таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш керак бўлади.

Ўқувчи ёшлар билан суҳбат ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиша кўзда тутилган натижаларга эришиш учун тадқиқотчи қуидагиларга аҳамият бериши лозим:

- суҳбатдан кўзланадиган мақсадни аниқ белгилаш;
- суҳбат давомида бериладиган саволларни олдиндан, умумий манзарани кўзда тутган ҳолда белгилаб олиш;
- вақти ва ўтказиш жойини аниқлаш;
- суҳбат иштирокчиларининг сони, мутахассислиги, ёши, қизиқишилари, ижодий, руҳий ва жисмоний, қолаверса, ижтимоий-сиёсий тайёргарликдаги ютуқлари ва камчиликлари, ўқиш, иш, меҳнат ва турмушдаги муаммолари, оиласвий шароити ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- суҳбат учун қулай шароит ва эркин гаплашиш имконини яратиш;
- суҳбат вақтида маҳмадона ва бачканга бўлмаслик;
- суҳбатдошининг кайфиятини ва руҳий ҳолатини ҳисобга олиш;
- суҳбат натижаларини зудлик билан таҳлил қилиш, қиёслаш, тегишли хулоса чиқариш, лозим бўлса педагогик жараёнга қўшимчалар, тузатишлар киритиши.

**Мусиқа ижроисининг амалий фаолиятини ўрганиш методи.** Бу методнинг мақсади мусиқа ижроисининг ижодий, руҳий, жисмоний ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик жараёнида амалий, ижрочилик маҳоратини намаён қилиш, машғулотларда уни беками кўст бажариш, турли мусиқа машқларини бажаришдаги муваффақиятлари ва камчиликлари, Республиkaning маънавий-маърифий, ижтимоий мусиқа ҳаётидаги иштироки, жамоат топшириқларини бажаришга бўлган муносабатларини ўрганиш ва бошқа муҳим жараёнларни тадқиқ қилишдир. Бундай тадқиқот натижасида уларнинг жамоага ва бир-бирларига муносабатлари, ахлоқий-руҳий ҳолати ўрганилади ҳамда таълим-тарбия жараёнига тегишли хулосалар киритилади.

**Тест-сўровнома методи.** Бу метод мусиқа педагогикасининг илмий-тадқиқот методлари ичida етакчиси ҳисобланади. Сўровнома-анкета методи - яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, алоҳида олинган мусиқа ижроисининг назарий ва амалий билимларни ёки мусиқа жамоасининг фикрини, қарашларини, орзу-истакларини билиш ва тегишли

хulosалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади. Тест синовларидан кўзланган мақсад эса оз вақт ичидаги кўпчиликнинг билимини, хоҳишистагини аниқлаш ва баҳолашдан иборатдир.

**Хужжатларни таҳлил қилиш методи.** Бу метод талаба ёшларга ёки мусиқа жамоаларига тааллуқли бўлган хужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилишни назарда тутади. Машғулотлар, машқлар бажариш, эгаллаган мусиқа тури бўйича натижаларни қайд этиб бориш дафтарлари ва бошқа ўкув ва ишчи хужжатларни ўрганиш ўкувчи ёшларни қизиқтираётган жараён ва ҳолатларни ўрганиш, кузатиш, баҳолаш ва хulosалар чиқариш имконини беради.

**Педагогик эксперимент методи.** Мазкур метод асосан, таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадбиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадади ўтказилади. Тажриба ишлари таълим ва тарбия ўртасидаги қонуний алоқадорликни аниқлаш, натижаларни ҳисобга олиш асосида янги усулларни тадбиқ этишга, таълим-тарбия самарадорлигини оширишга қаратилади. Шунингдек, мусиқа-педагогик жараённинг тузилишини, боришини ва натижаларини олдиндан кўра билиш имконини беради.

Педагогик эксперимент (тажриба) ўтказилиш шароитига қараб уч хил бўлади:

- табиий эксперимент (тажриба);
- лаборатория эксперименти (тажрибаси);
- амалий эксперимент (тажриба).

Педагогик эксперимент ўз мазмунига кўра дидактик, тарбиявий, мусиқий-руҳий ҳолатни, шунингдек, мусиқа таълими соҳаси муаммолари юзасидан ўтказилиши мумкин.

Педагогик эксперимент ўтказишга қўйиладиган талаблар қўйидагилардан иборат:

- экспериментнинг мақсадини, илмий жиҳатдан асосланган фаразини аниқлаш ва кутилиши лозим бўлган натижага учун режа белгилаш;
- илмий иш ёки педагогик фаолият учун аниқ обьект белгилаш, амалга ошириш борасида қўшимча методларни аниқлаш;
- тажриба иши ўтказиш вақтини ва муддатини белгилаш;
- тажриба учун лозим бўлган материал, жиҳозлар, асбоб-ускуналар, мусиқий чолғулар ва ҳатто ижроциларнинг ижроцилик маҳорти, мусиқа асарини тоза ва равонг чала олиши каби қатор ҳолатларни тайёрлаш;
- эксперимент натижаларини зудлик билан таҳлил қилиш, тегишли хulosалар чиқариш ва тавсиялар бериш.

**Статистика маълумотларини таҳлил қилиш методи.** Бу метод педагогик тадқиқотларда кенг қўлланилади. Масалан, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, ўкув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитишининг техника воситалари, мусиқий чолғулар, кадрлар масаласи, молиявий таъминот муаммолари статистика маълумотларини таҳлил қилиш ва бошқаларда.

**Математика ва кибернетика методи.** Бу метод педагогик жараёнда ҳисоблаш техникаси ва кибернетик машиналари ёрдамида бир тилдан бошқасига таржима қилиш, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқитишни такомиллаштириш, баҳолаш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, дифференциал ва индивидуал таълим бериш каби жараёнларда қўлланилмоқда. Унинг мазмуни ахборот бериш, дастурлаштириш, алгоритмлар, бошқарувчи тизим, модель ясаш сингари асосий назарияларда ўзлигини намоён этади. Жумладан, мазкур методни Мусиқа педагогикасига ҳам тадбиқ этиш ҳаракати кучайтирилмоқда. Жумладан, ёш ижрочиларни ижрочилек маҳоратини ошириш, мусиқа асарларини тоза ва равон ижро эта олиш каби хусусиятларини аниқлаш каби масалаларда.

Таянч сўзлар ва иборалар:

Педагогика, Мусиқа педагогикаси, тарбия, таълим, маълумот, ривожланиш, руҳий тайёргарлик, мустақил тарбия, мустақил таълим, билим, кўникум, малака, педагогик маҳорат, дидактика. Педагогик кузатиш методи, суҳбат методи, мусиқа ижрочиларнинг амалий фаолиятини ўрганиш, тест-сўровномалар методи, ҳужжатларни таҳлил қилиш методи, педагогик эксперимент методи, статистика маълумотларини таҳлил қилиш методи, математика ва кибернетика методи.

Назорат учун саволлар:

1. Мусиқа педагогикаси фани нимани ўргатади?
2. Мусиқа педагогикаси фанининг асосий тармоқлари нималар?.
3. Мусиқа педагогикасининг бошқа фанлар билан алоқаси?
4. Мусиқа педагогикасининг асосий тушунчалари нималар?.
5. Мусиқа педагогикасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. Мусиқа педагогикасининг тадқиқот методлари нималар ҳисобланади?
7. Мусиқа педагогикасининг тадқиқот методлари мазмуни ва мақсадлари нималардан иборат?.
8. Мусиқий тушунчаларни айтиб беринг.
9. Анъана тушунчасига таъриф беринг.
- 10.“Кўшиқ”, “ашула” ибораларга мутахассислар томонидан қандай таъриф берилган.
- 11.Бастакор сўзининг маъносини айтиб беринг.
- 12.Санъат ҳақида тушунчага таъриф беринг.
- 13.Қандай санъат турлари мавжуд.
- 14.Жанр тушунчасига таъриф беринг.

- 15.** Синтез тушунчаси, тарихий илдизлари, табиати. Ички ва ташқи шаклларини айтиб беринг.
- 16.** Синтез структураси ва компонентларини изоҳланг.
- 17.** Компонент тушунчасига таъриф беринг..
- 18.** Ифода воситаларининг уйғунлашуви.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т. 1997 йил.
2. Умумий ўрта таълим ДТС ва ўқув дастур. -Т. 20017
3. Ж.Ф.Йўлдошев, С.А.Усмонов. Педагогик технология асослари.-Т 2014 йил.
4. Р.Мавлянова, О.Тўраева, К. Ҳолиқбердиева Педагогика. -Т.2001йил
5. Д.А.Каримова Мусиқий педагогик маҳорат асосласри. -Т 2008 Молия-иқтисод нашриёти.

**2-мавзу: Мусиқий фанларнинг пайдо бўлиши ва ўқитилиши.**  
**Мусиқий фанларнинг ривожланиш тарихи. Мустақиллик даври мусиқий фанларнинг ривожланиши. Мусиқа таълими фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳа тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари. Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари. Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар.**

**Режа**

1. Мусиқий фанларнинг пайдо бўлиши ва ўқитилиши. Мусиқий фанларнинг ривожланиш тарихи. Мустақиллик даври мусиқий фанларнинг ривожланиши.
2. Мусиқа таълими фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳа тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари.
3. Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари. Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар.

**Таянч тушунчалар:** Мусиқий фанлар, мусиқа маданияти, замонавий тенденциялар, мусиқа фанларининг ривожланиш босқичлари, мусиқий фанларнинг пайдо бўлиши.

**1. Мусиқий фанларнинг пайдо бўлиши ва ўқитилиши.** Ўзбек миллий-маданий мероси кўхна ва бой ҳамда ранг-баранг эканлиги барчага маълум. Ана шу миллий маданий мерос халқимизнинг ажралмас,

ўзлигини англатувчи қадрият сифатида аҳолининг ижод сарчашмалари асосида пайдо бўлган бўлиб, жуда олис даврларга бориб тақалади. Айниқса унда халқ оғзаки ижоди анъаналарининг юзага келиши, даврлар оша гуллаб яшнаши бадиий тафаккур тараққиётининг дастлабки босқичларидан тортиб, миллий-маънавий маданият ривожининг турли даврларида ҳам ўзининг юксак намуналарини кўриш мумкин. Мамлакатимиз худудидан топилган турли археологик ашёлар халқ мусиқа ижодининг илдизларини жуда чуқур эканлигидан далолат беради. Энг қадимги қулдорлик давлатлари Хоразм, Суғдиёна, Юнон-Бактрия, Кушон подшолиги даврларда ўзбек миллий маданиятини тез ривожланганлигини кўриш мумкин<sup>17</sup>. Бунда халқ оғзаки ижодининг дастлабки куртакларида аждодларимизнинг табиат ҳақидаги қадимий тасаввурлари, уларнинг табиатдаги ёвуз кучларига қарши курашлари ифода этилган бўлса, кейинчалик у инсонларнинг маънавий-ижтимоий эҳтиёжларини қондириш воситасига айлана борди. Вақтлар ўтиши билан қадимий халқ оғзаки ижоди касбий кўриниш шаклларини ўзида ифода эта бошлади. Республикализнинг бир қатор ОТМларида бакалавриатнинг педагогика соҳаси 5111100-“Мусиқа таълими” таълим йўналишида умумтаълим мактабларининг “Мусиқа маданияти” фани бўйича, шунингдек, педагогика касб-хунар коллажлари, мусиқа ва санъат академик-лицейлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун “Мусиқа таълими” касби берувчи кадрлар тайёрланиб келинмоқда ва уларга Давлат намунасидаги дипломга “Мусиқа таълими йўналиши” касби берилмоқда.

Мусиқа ўқитувчисининг бугунги кун талаби даражасида тайёрлашда, ўқув режасидаги фанларни ўқитишида, таълим йўналиши номида бир қатор муаммолар борки, уларни бартараф этмай туриб, сифатли кадрлар тайёрлаб бўлмайди, қолаверса, қуи таълим муассасаларида ўқувчиларни ўқитиши учун тайёрлаётган ўқитувчиларимиз синфларга кириб дарс ўтишда етарлича билимга эга бўлмайдилар. Жумладан булар қуидагилар:

Биринчи муаммо: Бакалаврит босқичида “Мусиқа таълими” номи билан тайёрлаб келинаётган кадрлар ўқитувчилик фаолияти билан тўлақонли шуғулдана олмайдилар. Чунки, улар бакалавриат босқичида 4 йил ўқиши даврида хонандалик, чолғу асбобни чалиш малакасини ҳамда мусиқа назарияси бўйича билим ва малакаларни тўла эгалай олмайдилар. Бунга асосий сабаб, талаба билан яккама-якка ҳолда дарс ёки кичик-кичик гурухларда дарс ўтиши шаклидан воз кечилганлигидир.

---

<sup>17</sup> М.Кояма, Т.Хаяси, Б.Турғунов, Ж.Илёсов. Далварзинтепа шаҳристони. Сока университети. 1996. 188-191 б.

Республика бўйича педагогика соҳаси “Мусиқа таълими” йўналишида таҳсил олаётган бакалаврит босқичи талабалари Болалар мусиқа ва санъат мактабларида, мусиқа ва санъат ихтисослаштирилган академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида **7** ва **10** йил давомида ўрганган чолғуси (рубоб, дутор, ғижжак, фортопиано, скрипка ва ҳоказо)ни ОТМларига келиб, “Чолғу ижрочилиги ва ансамбли” фанида гурухда фақатгина дутор ёки рубобни ўрганишга мажбур бўлмоқда. Чунки, гуруҳли дарсда ўзлари эгаллаган асбобни аълоҳида-аълоҳида ёки кичик-кичик гуруҳларда ўрганиш имкони йўқ (бунга фанни “амалий” шаклда ўтилиши сабаб). Худди шундай, ўқувчи (бўлажакabituriyent) опера, вокал, эстрада, анъанавий хонандалик, мақом ижрочиси маҳоратини **7-10** йил давомида қуи таълим муассасаларида эгаллайдида, талаба бўлиб, ОТМга ўқиш даврида бир гурухга бирлаштириб, ўзи эгаллаган жанр (соҳа) бўйича ўқиши давом эттира олмайди. Бундан ташқари рус гурухларда миллий чолғуларни ўқитишида ҳам жуда катта муаммо ва талабаларнинг эътиrozли норизоликлари ҳам мавжуд. Бунга ҳам асосий сабаб амалий дарсларни “гуруҳли” шаклда олиб борилишидир. Чунки, фортепиано, скрипка, гитара, чалиб келган талабани қўлига дутор ёки рубоб ушлатиб қўймоқдамиз. Бу ҳолат вокал хонандаларига ҳам тааллуқли. Опера ижрочиси анъанавий хонанда айтимларини ижро этиш жараёнида аввал эгаллаган ўзидаги бор маҳоратини йўқотиб қўяди. Тўғрироғи, ўзида етарлича билим бўлмаган ушбу битиравчи кадр эртанги кунда синфга кириб, дарс ўта олмайди.

**Иккинчи муаммо:** “Чолғу ижрочилиги ва ансамбли”, “Дирижёрлик”, “Вокал ва замонавий мусиқа”, “Анъанавий ва хонандалик”, “Мусиқа назарияси”, Ўзбек халқ мусиқа ижоди”, “Хор ва хоршунослик”, “Болалар мусиқа адабиёти”, “Мусиқа ўқитиши методикаси ва мактаб репертуари” ва бошқа шу каби қатор таянч мусиқий фанлар ўқитувчи ва жўрнавоз (концертмейстер) ҳамроҳлигида мусиқий чолғулар билан жиҳозланган аудиторияларда ўтилиши имконият етарли эмас. Чунки, юқоридаги фанларни тўлақонли ўтилишида “концертмейстер” дастурдаги асарларни фортепиано ёки ансамбл шаклида бошқа миллий чолғуларда жўрнавоз сифатида чалиб, унга мусиқий жўрнавозлик қилиб туриши шарт.

**Учинчи муаммо:** “Мусиқа таълими” йўналиши ўқув режасидаги умумий **7344** соатнинг **3340** (мустақил таълим соати билан биргаликда) (45,5%) соати (биринчи, иккинчи ва қўшимча фанлар блоки) гуманитар ва ижтимоий-сиёсий, математика ва табиий-илмий, мусиқага тааллуқли бўлмаган қўшимча фанларни ташкил этиб келган. Мазкур йўналишларда кўп соат ажратилганлиги ҳам малкали мутахассис кадр тайёrlашда салбий

таъсир кўрсатмоқда эди, ушбу масала бир қатор ижобий ҳал этиш учун илк қадамлар қўйилди.

**Тўртингчи муаммо:** 5111100-“Мусиқа таълими” таълим йўналиши номига “ўқитувчи” сўзи қўшилмаганлиги учун кўпгина қуий таълим муассасаларида мазкур йўналиш битирувчиларини ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилишда тушунмовчилик ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Бешинчи муаммо: “5111100-Мусиқа таълими” таълим йўналишини доимий равишда мусиқий чолғулар билан таъминлаб бориш лозим.

Республикамизнинг педагогика соҳаси мусиқа таълим йўналишида тайёрлаётган кадрлар яъни, бўлажак “Мусиқа таълими” касби берилаётган мусиқа ўқитувчиси қуидаги учта асосий йўналишни яъни “Мусиқа назарияси” “Чолғу ижрочилиги” “Хонандалик” маҳоратини мукаммал эгалласа, у тўлақонли ўқитувчилик фаолияти билан шуғуллана олади ҳамда “Мусиқа маданияти” фанини дастур асосида ўқитади.

Юқорида таъкидланганидек, кейинги бир неча йилдан буён педагогика соҳаси мусиқа таълими йўналишида тайёрланаётган кадрлар жойларда ўқитувчилик касби билан фаолиятини давом эттира олмаяпти. Бунинг биринчи сабаби, улар “Мусиқа назарияси” фанини “худди алфавитни кўриб, ўқиб, тушунгандай” нота ёзув ва унинг элементар назариясини чуқур ўргана олмаяпти. Мазкур фанни лаборатория машғулоти сифатида кичик гуруҳлар (10-12) рафарга бўлиб, ўқитиш зарур. Қолаверса, “Мусиқа назарияси” ўз таркибида “Сольфеджио”, “Гармония” ва “Мусиқа асарлари таҳлили” каби фанларни қамраб олади. “Мусиқа назарияси” фанини талаба мукамал эгаллаши учун қуидаги билимларни эгаллаган бўлиши шарт. Жумладан, мусиқий тизим, товуш, лад, тоналлик, интервал, аккорд, алтерация, хроматизм, модуляция, куй, халқ ладлари, турли хил мажор ва минор гаммалар, квтарта – квинта доираси, интерваллар, аккордлар, транспозиция, тоналликлар поғонадошлиги, хроматизм, хроматик гамма, модуляция ва оғишма, мусиқа безаклари, гармониянинг асосий қонун қоидаларини, аккордлар имкониятларини, стилистик хусусиятларини билишлари, мусиқа асарларини гармоник таҳлил усуллари, мусиқа шаклининг энг муҳим асосларини, мусиқий шаклининг муҳим элементларини, мусиқанинг асосий ривожлантириш принциплари, шаклининг қисмлари функцияси, баён этиш турлари ва ҳар бир шаклининг тузилиш қонун-қоидалари, бир ва икки овозлик куйларни соф интонациялаш, мусиқий диктант ёзиш, мусиқа элементларини эшишиб аниқлаш, куйга аккомпанимент тузиш қонун-қоидаларини, мажор ва минорларнинг табиий, гармоник, мелодик гаммаларини, товушдан ва тоналликда интервалларни, аккордларни ечимларини, ҳар хил товушлардан халқ мусиқа ладлари товушқаторларини,

берилган тоналликда интерваллар ва аккордлар кетма-кетлигини, диатоник секвенцияларни, мажор ва минор хроматик гаммаларини ёзма равищда тузиш ва фортепианода чалиш, ўтилган аккордларни тўрт овозли тузилмада турли хил тоналликларда тузиш ва ечиб бериш, аккордларни қўшишда қонун-қоидага биноан амал қилиш, берилган аккордлар белгиланишларига қараб аккордлар кетма-кетлигини тузиш ва фортепианода ижро этиб бериш, мусиқий асар шаклининг қисмларни аниқлаш, унинг куй, гармония, ритмларни ўзаро алоқадорлигини кўрсатиш, мусиқа шаклида ривожлантириш принципларини билиб, таҳлил қилинаётган асарда уларнинг аҳамиятини кўрсатиб, ҳар хил типдаги шаклларнинг ўзига хос хусусиятлар усусларини ажратиш, интерваллар, аккордлар, гаммалар тузиш, унча катта бўлмаган мусиқа асарларининг лади, тоналлиги, образлар характерини аниқлаб таҳлил қилиш, берилган куй ёки басни гармониялаш, гармоник кетма-кетликларни даврия шаклида чалиб бериш, оддий шаклдаги асарни ёки асар парчасини гармоник таҳлил қилиш, берилган мусиқий асарда шаклнинг тури, баён тури, шаклдаги йирик белгиларнинг рақамли схемаси ҳар-бир асосий қисмнинг таҳлили ва уларнинг бир-бирига умумий боғланишини таҳлил қилиши, мусиқий мавзулар таркиби, уларнинг бир хиллиги ёки қарама-қаршилиги, характери ва мазкур характерга эришиш воситаларидан фойдаланиш, сольфеджионинг назарий ва амалий аҳамияти, турли хил мажор ва минор гаммалар, кварта-квинта доираси, интерваллар, аккордлар, халқ ладлари, транспозиция, тонналликлар поғонадошлиги, хроматизм, хроматик гамма, модуляция ва оғишима, куйни айрим элементлар ўзаро муносабатларини малакаларини кичик гурухларда ўтиладиган дарслар орқали эгаллаши мумкин.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиси мутахассис кадр сифатида бирор бир чолғу асоббни ижро этишни (нота ёзуви асосида) мукаммал эгаллаган бўлиши шарт. Дарҳақиқат, Болалар мусиқа ва санъат мактабларида, мусиқа ва санъат ихтисослаштирилган академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида **7** ва **10** йил давомида рубоб, дутор, ғижжак, фортопиано, скрипка ва ҳоказо чолғуни ўрганади, университетга келиб, “Чолғу ижрочилиги ва ансамбли” фанида гурухда фақатгина дутор ёки рубобни ўрганишга мажбур бўлади. Уларни ҳар бирини ўзлари эгаллаган чолғулари бўйича ўқитиш учун бир семестрга ажратилган **38** соат етмайди.

Аслида, талаба ОТМга киргунга қадар қайси чолғуни чалишни ўрганган бўлса, ОТМда ўқиш даврида ўша чолғуни сир-синоатларини ўрганишни давом эттириб, қўшимча чолғу сифатида фортепианода чалиш маҳоратини эгаллаган бўлиши шарт. Чолғу ижрочилиги ва ансамбли” фани ўқитишни якка тартибда ҳеч бўлмаса лаборатория машғулоти сифатида кичик гурух (4-

6)ларда ўқитилса малакли кадрлар тайёрлашда сифат ва самарадорликка эришиш мумкин.

Республикадаги Педагогика соҳаси “Мусиқа таълими” йўналишида тайёрланаётган кадрлар мусиқа ва санъат соҳасида тайёрланаётган кадрлардан тубдан фарқ қиласди. Жумладан, Ўзбекистон давлат консерваториясида тайёрланаётган мутахассислар ё қўшиқчи – хонанда бўлади ёки бирор мусиқа чолғусини мукаммал чалишни ўрганади. Шунинг учун ҳам улар умумтаълим мактабларида “Мусиқа маданияти” фанини ўқита олмайдилар. Чунки, ёш кадр мактабга ўқитувчилик қила олмайди. Ўқитувчилик қилиши учун “Чолғу ижроилиги”, “Дирижёрлик”, “Вокал ва замонавий мусиқа”, “Анъанавий ва хонандалик”, “Мусиқа назарияси”, “Хор ва хоршунослик”, “Болалар мусиқа адабиёти”, “Мусиқа ўқитиш методикаси” фанларини мукаммал эгаллаган бўлиши лозим. Бўлажак мусиқа ўқитувчиси фортепиано (ёки ўзбек халқ чолғуларининг бири) ёрдамида дастур асосида ўрганилаётган асарни бемалол чолғуда чалиб, уни матнини қуйлай олмаса, дирижёрлик қилиб, болаларга ўргата олмаса албатта синфга кириб дарс ўта олмайди. Ўқитувчи сифатида юқорида тилга олинган фанларни ўқитишни якка тартибда ҳеч бўлмаса лаборатория машғулоти сифатида кичик гуруҳ (10-12)ларда ўқитилишини таклиф этаман.

“Хор ва хоршунослик” ва “Дирижёрлик” фани ўқитувчиси: Юқориди таъкидланган билан бир каторда мусиқа ўқитувчилини хонанда ва дирижёр сифатида ҳам тўлиқ шаклланган бўлиши лозим. Бўлажак мусиқа ўқитувчини хонанда ва дирижёр (мактаб ўқувчилари хор жамоасини ташкил этади) сифатида тўлиқ шаклланишида хонандалик ва дирижёрлик, хор ижроиси малакаларини эгалаши шарт. Акс холда синфга кириб ўқувчиларга қўшиқ ўргата олмайди ёки хор асарларини дирижёрлик қилиб ўргата олмайди, умуман олганда хонандаликнинг сир-синоатларини, қолаверса, инсон овози билан боғлиқ хусусиятларни билмай ўсиб келаётган ёш авлод овоз аппарати билан ишлай олмайди. “Дирижёрлик” фанини ўқитишни якка тартибда ҳеч бўлмаса лаборатория машғулоти сифатида кичик гуруҳ (4-6)ларда ўқитилиши керак.

Бутун дунёда “Чолғу ижроилиги”, “Дирижёрлик”, “Вокал ва замонавий мусиқа”, “Хонандалик” фанлари якка тартибда, “Мусиқа назарияси” фани кичик-кичик гурухларда ўқитилади. Чунки, ҳар бир инсоннинг табиий физиологик ривожланиш жараёни турли тарзда амалга ошади, ҳар бир инсон мусиқани ўз ички дунёси ва ҳиссий кечинмалари ёрдамида турлича қабул қиласди ва уни ўзига хос ифодавий воситалар ёрдамида ижроига етказиб бериш учун устоз ва талаба (яккама-якка) ижодий машғулот ёрдамида талабани етук мутахассис бўлиб, компетенциясини ривожлантиради.

“Мусиқа таълими” соҳасида кадрлар тайёрлаётган Республикализнинг барча Олий таълим муассасаларида бир пайтлар таянч мусиқий фанлар ҳисобланган “Чолғу ижроилиги ва ансамбли”, “Дирижёрлик”, “Вокал ва замонавий мусиқа”, “Анъанавий хонандалик” фанлари якка тартибда (хар бир талаба билан яккана якка ҳолда), “Мусиқа назарияси” фани кичик-кичик гурухларда ўқитилган. Улар орасидан Республика ва Халқаро танлов ғолиблари чиққан ёки ўша даврда ўқиган битириувчилар жойларда совриндор ўқувчиларни чиқишига хизмат қилган. Мухтарам Юртбошимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 феврал куни “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари эълон қилинди. Ана шу даватга мос, сифатли кадрлар тайёрлаш эндиликдаги бурчимиз ҳисобланади.

Республикадаги педагогика соҳасида 5111100-Мусиқа таълим йўналиши бўйича умумтаълим мактабларида “Мусиқа маданияти” фани ўқитувчиси, қолаверса, педагогика касб-хунар коллежлари, мусиқа ва санъат академик-лицейлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқа ўқитувчиси касби берувчи кадрлар тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрлар асосан маълум чолғу ёки хонандалик бўйича ихтисослашиб, хонанда ёки бирор бир чолғу ижроиси бўлиб етишади.

Республикада таянч олий таълим муассасаси ҳисобланган нафақат Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети балки, Республикаизда педагогика соҳаси мусиқа таълим йўналишларида тайёрлаётган кадрлар яъни, бўлажак мусиқа ўқитувчиси қўйидаги **учта асосий йўналишни** мукаммал эгалласа, у тўлақонли ўқитувчилик фаолияти билан шуғулдана олади.

**Биринчи йўналиш**, педагогика соҳаси мусиқа таълими йўналишида тайёрланаётган бўлажак мусиқа фани ўқитувчиси “Мусиқа назарияси” фанини мукаммал эгаллаган бўлиши шарт. Мазкур фан ўз таркибида “Сольфеджио”, “Гармония” ва “Мусиқа асарлари тахлили” каби фанларни қамраб олган бўлиб, бунда дастур асосида ўтилаётган машғулотларни талаба ҳар томонлама чуқур билиши, ўрганиши учун машғулотларда концертмейстер (жўрнавоз) ўтилаётган материалларни мусиқий чолғу асосида изоҳлаб туради. Шунда талабаларни мазкур фанда мусиқий ифодалиликка нисбатан онгли тафаккурини тарбиялаш ва уларни идрок этиш қобилиятини ҳосил қилиш, талабаларнинг мусиқий дунёқарашини, идрокини шакллантириш ва ривожлантириш, мусиқий-эстетик дидини тўғри

йўналтириш ва бойитиш, ижодий қобилиятларини ўстириш, уларни мусиқа ўқитувчиси сифатида амалий фаолиятга тайёрлашдан иборат бўлади.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиси концермester (жўрнавоз) ёрдамида мазкур фанда мусиқий тизим, товуш, лад, тоналлик, интервал, аккорд, алтерация, хроматизм, модуляция, куй, халқ ладлари, турли хил мажор ва минор гаммалар, квтарта – квинта доираси, интерваллар, аккордлар, транспозиция, тоналликлар поғонадошлиги, хроматизм, хроматик гамма, модуляция ва оғишма, мусиқа безаклари, гармониянинг асосий қонун қоидаларини, аккордлар имкониятларини, стилистик хусусиятларини билишлари, мусиқа асарларини гармоник таҳлил усуллари, мусиқа шаклининг энг муҳим асослари, мусиқий шаклининг муҳим элементлари, мусиканинг асосий ривожлантириш принциплари, шаклининг қисмлари функцияси, баён этиш турлари ва ҳар бир шаклининг тузилиш қонун-қоидалари, гамма, интервал, аккорд, бир ва икки овозлик куйларни соф интонациялаш, мусиқий диктант ёзиш, мусиқа элементларини эшитиб аниқлаш, куйга аккомпанимент тузиш қонун-қоидалари, мажор ва минорларнинг табиий, гармоник, мелодик гаммаларини, товушдан ва тоналликда интервалларни, аккордларни ечимларини, ҳар хил товушлардан халқ мусиқа ладлари товушқаторларини, берилган тоналликда интерваллар ва аккордлар кетма-кетлигини, диатоник секвенцияларни, мажор ва минор хроматик гаммаларини ёзма равищда тузиш ва фортепианода чалиш, ўтилган аккордларни тўрт овозли тузилмада турли хил тоналликларда тузиш ва ечиб бериш, аккордларни қўшишда қонун-қоидага биноан амал қилиш, берилган аккордлар белгиланишларига қараб аккордлар кетма-кетлигини тузиш ва фортепианода ижро этиб бериш, мусиқий асар шаклининг қисмларни аниқлаш, унинг куй, гармония, ритмларни ўзаро алоқадорлигини кўрсатиш, мусиқа шаклида ривожлантириш принципларини билиб, таҳлил қилинаётган асарда уларнинг аҳамиятини кўрсатиб, ҳар хил типдаги шаклларнинг ўзига хос хусусиятлар усулларини ажратиш, интерваллар, аккордлар, гаммалар тузиш, унча катта бўлмаган мусиқа асарларининг лади, тоналлиги, образлар характерини аниқлаб таҳлил қилиш, берилган куй ёки басни гармониялаш, гармоник кетма-кетликларни даврия шаклида чалиб бериш, оддий шаклдаги асарни ёки асар парчасини гармоник таҳлил қилиш, берилган мусиқий асарда шаклининг тури, баён тури, шаклдаги йирик белгиларнинг рақамли схемаси ҳар-бир асосий қисмнинг таҳлили ва уларнинг бир-бирига умумий боғланишини таҳлил қилиши, мусиқий мавзулар таркиби, уларнинг бир хиллиги ёки қарама-қаршилиги, характери ва мазкур характерга эришиш воситаларидан фойдаланиш, сольфеджионинг назарий ва амалий аҳамияти, турли хил мажор ва минор гаммалар, квтарта-квинта доираси, интерваллар, аккордлар, халқ

ладлари, транспозиция, тонналликлар поғонадошлиги, хроматизм, хроматик гамма, модуляция ва оғишма, куйни айрим элементлар ўзаро муносабатларини малакаларини эгаллайди.

**Иккинчидан**, педагогика соҳаси мусиқа таълими йўналишида тайёрланаётган мутахассис бирор бир чолғуда ижро этишни (нота ёзуви асосида) мукаммал эгаллаган бўлишлари шарт. У фортепиано (шунингдек, ўзбек халқ чолғуларидан бирини) концермейстер (жўрнавоз) ёрдамида чолғучилик сир-синоатларини мукаммал ўрганади;

**Учинчидан**, педагогика соҳаси мусиқа таълими йўналишида тайёрланаётган мутахассис хонанда ва дирижёр сифатида ҳам тўлиқ шаклланиши лозим. Бўлажак мусиқа ўқитувчисини хонанда ва дирижёр (мактаб ўқувчилари хор жамоасини ташкил этади) сифатида тўлиқ шаклланишида концермейстер (жўрнавоз)лар жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, талаба хонандалик, вокал, хор, дирижёрлик малакаларини эгаллашларида ўқитувчи талаба билан овозни, дирижерлик ишоралари( жест) ни ишласа, концермистер (жўрнавоз) унга мусиқа чолғусида ўрганилаётган асарга жўрнавозлик қиласи. Одатда, бундай ҳолларда концермейстер (жўрнавоз)лар ансамбль бўлиб жўрнавозлик қилиши талаб этилади.

Шундай бир шарафли ва мураккаб ишни амалга ошириш йўлида профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда концертмейстер (жўрнавоз)лар фаолият кўрсатади. Умумтаълим мактабларида “Мусиқа маданияти” фани ўқитувчиси, педагогика касб-хунар колледжлари, мусиқа ва санъат академик-лицейлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқа ўқитувчиси, мактабгача таълим муассасаларида мусиқа тарбиячилари касбга йўналтирувчи мутахассислик фанларини мукаммал эгаллаши лозим.

Юқорида тилга олинган ушбу учта асосий жиҳатларни эгаллаган бўлажак мусиқа ўқитувчиси тўлақонли ўқитувчи бўлиб шаклланади ва у таълим муассасаларида дарс машғулотларини тўлақонли олиб бора олади. Бунда концермейстер (жўрнавоз) ўқитувчи билан бир қаторда меҳнат қиласи.

Бутун дунё мусиқа санъати таълими тизимида ўқув машғулотлари концертмейстер жўрлигига ўтилади. Ўқитувчи дастур асосида ўтилаётган ҳар қандай машғулотда ўқувчи, талаба-ёшларнинг ижро кўникмасини шакллантирса, концермейстер ўша асарни асосан ёддан (баъзан нота ёрдамида) чалиб беради ва биргаликда мукаммал ижрога эришилади.

Концермейстер (жўрнавоз)лар меҳнат фаолияти ўқув, концерт ижрочилик, маънавий-маърифий, ижтимоий-жамоатчилик жараёнларидан иборат бўлади. Уларнинг меҳнати жуда оғир. Чунки, у ўқитувчи раҳбарлигига талabalар томонидан ўрганиладиган асарни талabalardан олдин мукаммал ўрганиши, чолғу жўрлигига куйлаш кўникмаларини

шакллантирган бўлиши ёки хонандалик асосида ижро этишда оҳангни тоза, соф пардаларни аниқ ва сўзларни равон ижро эта олиши, фортепиано (бошқа анъанавий чолғуларни чалиш)да нотага қараб бирданига чалиб кетиши учун ишдан бўш вақтларида (ҳатто уйда ҳам) ўз устида тинимсиз ишлаши лозим.

Ўқув жараёнида талабаларга дарс машғулотларида профессор-ўқитувчини тоширигини бажариши, ўқитувчи ва талабаларни доимий эшитиши ва ўқув машғулотини самарали ўтишини таъминлайди. Фортепиано чолғусида жўрнавозлик қилаётган концертмейстерларни қўл ва асаб касалликларига тез чалиниш ҳолатлари учрайди. Шу сабабли ҳам 60 ёшдан ошган концертмейстерларга фортепианода чалиш таъқиқланади.

Бундан кўриниб турибдики мусика ва санъат таълими йўналишларида меҳнат қилаётган концертмейстер (жўрнавоз)ларнинг ойлик маошини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолни ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2002 йил 2 октябрь №12/2948-сонли “Концертмейстерларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги шартини киритиш тўғрисида”ги меъёрий ҳужжатига кўра, концертмейстер лавозимидағи мутахассис ОТМдаги асистент-ўқитувчи лавозими меҳнатига ҳақ тўлаш ойлик маоши бўйича, олий тоифали концертмейстер эса катта ўқитувчи лавозими меҳнатига ҳақ тўлаш ойлик маоши бўйича белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда мусиқий маълумотга эга бўлган кадрларни тайёрлашда концертмейстер (жўрнавоз)ларнинг фаолиятидан унумли фойдаланиш масаласи ўта муҳимдир.

**биринчидан**, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар даврида олий таълим тизимида ўқув-услубий фаолиятни давр ва замон талаблари асосида такомиллаштириб бориш, талабаларни ҳар томонлама билим, кўникма ва малакаларини ошириш учун етарлича шартшароитлар яратиб бериш зарурияти асослаб берилди;

**иккинчидан**, олий таълим тизимида таълим сифатини назоратини тартибга солишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари асослантирилди;

**учинчидан**, олий таълим тизимида ўқув-услубий фаолиятни тартибга солишга қаратилган норматив - хуқуқий ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги очиб берилди.

**тўртинчидан**, Республика педагогика соҳаси “Мусика таълими” йўналишида амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, олий таълим тизимида ўқув-услубий фаолиятни

тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммолар таҳлил этилди.

**ОТМларда ўқув-услубий фаолиятни самарадорлигини ошириш ва янада такомиллаштириш учун қўйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин.**

1. Фикримизча, олий ўқув юртлари педагог-ходимларининг касб даражаси ва малакасини муттасил бевосита ва билвосита ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлаш ва ишлаб чиқариш ва хорижий мамлакатларнинг нуфузли таълим муассасаларида стажировкадан ўтказишнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш мумкин бўлади.

2. Мусиқа таълими йўналишида бир профессор-ўқитувчига тўғри келадиган талабалар нисбатини мусиқа ва санъат таълим йўналишларига белгиланган меъёрлардан келиб чиқсан ҳолда белгилаш лозим.

3. Талабаларга табақалаштирилмаган бир хил 0,5 стипендия тайинлаш тизимиغا ўтиш (табақалаштирилган (0,5; 0,75; 1,0) стипендия тайинлаш тизимидан воз кечиш лозим).

4. ОТМлари бакалавриатида малака амалиётларини ташкил этишда амалиёт даврида талаба бажарадиган функционал вазифаларни аниқ белгилаш, амалиёт ўтадиган обьектларда талабани қабул қилиш буйруғини чиқариш, талабалар томонидан ҳисоботлар тайёрлашни электрон шаклда ташкил этиш лозим.

5. Бакалавриат босқичида тайёрланаётган 5111100-“Мусиқа таълим” йўналиши номини 5111100-“Мусиқа таълими (Педагогик фаолият)” деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

6. “Чолгу ижроилиги ва ансамбли”, “Дирижёрлик”, “Вокал ва замонавий мусиқа” ҳамда “Анъянавий ва хонандалик” фанларини якка тартибда ёки (лаборатория машғулоти сифатида кичик гурӯҳ (8-10 нафар)ларда), “Мусиқа назарияси” фанини ўқитилиши (10-12) нафар)да ўқитишини йўлга қўйиш ҳар томонлама малакали мусиқа ўқитувчиси кадрларини тайёрлашда пойдевор бўлиб хизмат қиласди.

7. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда бугунги кунда ички (жорий, оралиқ ва яқуний) назоратларни ўтказиш жараёнлари барча ОТМларда лозим даражада қониқарли даражада ташкил этилмаяпти. Бунинг асосий сабабларидан бири талабаларни олиши лозим бўлган билим кўникма ва малакаларини аниқлаш масалалари ўз холига ташлаб қўйилганлиги.

Биринчидан, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш механизmlарини амалга оширишда педагог ходимлар, кафедра мудирлари ва

факультет деканларининг функционал мажбуриятлари аниқ белгилаб кўйилмаган.

Иккинчидан, профессор-ўқитувчилар томонидан баҳолаш мезонларини фанларнинг ўзига хусусиятларини эътиборга тўлиқ олинмаган ҳолда ишлаб чиқилиши, яъни, баҳолашда 0,1; 0,5; 0,9; 2,5 ва ҳоказо ноаниқ рақамлар билан баҳоланиши, ҳисоблашда чалкашликларга дуч келиш, бир дарсда 25 ва ундан ортиқ бўлган талабаларни сунъий баҳолаши каби ҳолатларни бартараф этиш лозим.

**8. 5111100-“Мусиқа таълими” таълим йўналишини доимий равища мусиқий чолғулар билан таъминлаб ҳамда янгилаб бориш лозим.**

## **2. Мусиқа таълими фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳа тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари.**

Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида тайёрланаётган мусиқа таълим ўқитувчилари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган маҳсус мусиқа ва санъат академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари, “Ўзбекнаво” ИИЧБ, дам олиш масканлари, мусиқа клублари, мусиқа, санъат ва бадиий тўгараклар мусиқа хонандалари ва созандаларнинг тайёргарлигини таъминлашнинг муҳим воситалари ҳисобланади. Уларнинг ўқув машғулотлари таркибини эса мунтазам мусиқий тайёргарлик, ижрочилик маҳоратини ошириш бўйича қўшимча машғулотлар ташкил этади.

Ўқувчи-талабаларга таълим бериш жараёнининг педагогик моҳиятини мусиқа педагогикасининг муҳим таркибий қисми бўлган мусиқий дидактик таълим ўрганади. Талабалар таълим жараёнининг қонуниятларини тадқиқ этар экан, дидактика унинг принциплари, шакл ва методлари, моддий-техникавий воситалари ва шу кабиларни белгилайди. Санаб ўтилган вазифаларни ҳал этиш давомида мусиқий дидактик таълимоти ўқувчи, талаба-ёшларларнинг таълим олиш жараёнининг методик тизимида ўз аксини топувчи назарий моделни тузади. Мусиқа педагогикаси таълимининг аниқ (хусусий) методикаси сифатида мусиқий дидактик таълими унга қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

Мусиқий фаолият ўзининг мақсади ва табиатига кўра мусиқа ижрочилиридан узлуксиз, аниқ тизим асосидаги тайёргарликни талаб қиласди. Шунинг учун ҳам мусиқа ижрочисидан эгаллаб келаётган мусиқанинг у ёки бу тури бўйича мутахассислик сирларини чуқур эгаллаши, эгаллаган билим, қўнишка ва малака сирларини, маҳоратини тинмай такомиллаштириб бориши ҳар бир мусиқа ижроцининг олдига турган энг муҳим ва асосий вазифаси ҳисобланади.

Мусиқа таълими жараёнининг моҳиятини, мазмунини, методикасини ва уни ташкил этиш йўлларини мусиқа педагогикасининг таркибий қисми бўлган мусиқий дидактик таълими (юнон тилида "дидаско" - ўқитаман)

ўрганади. Ўқувчи ёшларга таълим бериш жараёнини тадқиқ қиласр экан, мусиқий дидактик таълими қонуниятлари ва принципларини ўрганади. Турли шакл ва методларни, усул ва воситаларни самарали қўллаш шартларини асослаб беради. Шу билан бирга у мусиқа педагогикаси таълими мазмунини, унинг ташкил этиш методикасини башорат қиласди ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар беради.

Мусиқа таълимининг мусиқий дидактик таълимотида ёритиладиган умумий қонуниятлари турли ўқув фанларни ўрганиш жараёнида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бу ўзига хосликни хусусий методика яъни ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусий методикаси ўрганади. Масалан: илмий-ижодий, ижрочилик маҳорат, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, мусиқий-рухий жисмоний тайёргарлик, мусиқа саводи, куйлаш, мусиқа тинглаш, мусиқа ўқитиш методикаси ва бошқалар. Мусиқа таълимининг умумий назарияси сифатида мусиқий дидактик методикаси ўртасидаги алоқадорликни ва турли педагогик вазифаларни ҳал қилишда ягона ёндашувни таъминлайди. Мусиқа дидактика хусусий методикаларга таянади, улар тўғрисидаги маълумотлар билан бойиб боради ва шу билан бирга таълим жараёнининг моҳиятига чуқур кириб боради.

Мусиқий дидактик таълим мусиқа педагогикаси таълимини мураккаб ижтимоий-педагогик жараён сифатида ўрганади ва бу жараённинг қўйидаги асосий функцияларини белгилайди:

- таълимий (талабаларни билим, кўникма ва малакалар билан куроллантириш);
- тарбиявий (талабаларда аввалам бор жисмоний соғлом ва ҳар жиҳатдан бақуват бўлиш, ўз Ватанига муҳаббат ва садоқат, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва киши ўзида миллий маънавий хислатларни тарбиялаш, ўз устида мунтазам ва доимий ишлаш);
- ривожлантирувчи (талаба шахсини комил инсон сифатида ривожлантириш, ўзининг мусиқий маҳоратини ошириш устида мунтазам ишлаш ва ижодий ёндашиб малакаларини ривожлантириш);
- руҳий тайёрлаш (талабаларда ҳар бир мусиқа асари устида ишлашда мунтазам амалий машқларни бажаришга руҳий тайёрликни шакллантириш).

Педагогик нуқтаи назардан қараганда, мусиқа педагогикаси таълими жараёни таълим берувчи (ўқитувчи, гурух раҳбари, жўрнавоз, созанда, хонанда)нинг ўқитиш, сабоқ бериш ва таълим олувчи (ўқувчи ёшлар)нинг ўқитиш, ўргатиш бўйича мақсадли, тизимли ва ҳамкорликдаги фаoliyatiidir. Бу жараёнда таълим берувчи раҳбар асосий функцияни бажариб, унинг асосий педагогик вазифаси қўйидагилардан иборат бўлади. Яъни:

- талаба ёшлар ва мусиқа ижрочилигининг ўқув ва ўқув амалиёти, мусиқа тўгараклари, якка тартибдаги ўқув машғулотлари фаoliyatinini ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш;
- ўқув материалини тизимли ва илмий асосда ташкил этиш;
- ўқувчи-талабларда билим олишга нисбатан қизиқиши уйғотиш ва ижобий мотивларни шакллантириш;

- талаба ёшларда мустақил билим олиш, кўникмаларини ривожлантириш, малака тажрибаларини шакллантириш;
- мусиқа ижрочилик маҳоратини такомиллаштириш;
- талаба-ижрочиларнинг руҳий, маънавий-жисмоний ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги ҳолатини текшириш, билим, кўникма ва малакаларини ҳамда касбий маҳоратини ошириш ва натижаларини баҳолаш.

Бу вазифаларни бажарап экан, ўқитувчи раҳбар авваламбор, талабаларнинг ўқув ва тўгарак фаолиятининг ташкилотчиси, раҳбари ва бошқарувчиси сифатида қатнашади. Унинг таъсири остида талабалар фаол фаолиятга киришадилар, яъни, тинглайдилар, куйлайдилар, кузатадилар, зарур ҳаракатларни бажарадилар, ўқийдилар, ёзадилар, ижро этадилар, чаладилар куйлайдилар ҳамда олдиларига қўйилган масала – мусиқа асарини муҳокама қиласидилар, ўз меҳнатларини таҳлил қиласидилар ва ўқитувчи раҳбарнинг кўмагида керакли тузатишлар киритишга эришадилар. Бу фаолият жараённида таълим олувчилар тегишли билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар. Шу билан бир вақтда уларнинг тафаккури ривожланади, иродаси ва характеристики чиниқади, маънавий-ахлоқий ва руҳий-жисмоний, ижрочилик хислатлари, ҳиссий-иродавий турғунлиги, мусиқа асарларини саҳнада ёки ўқувчи ёшлар олдида ижро этишлари учун руҳий тайёргарлиги шаклланади.

Мусиқа педагогикаси таълимининг муҳим қонуниятларидан бири таълим жараёнини ҳозирги давр талаблари асосида, замонавий ўқитиш технологияларидан келиб чиқсан ҳолда ташкил этиш ҳисобланади. Фан ва техниканинг ривожланиши, замонавий мусиқа таълим муассасаларининг қурилиши ва жиҳозланиши, янги педагогик-таълим технологияларининг яратилиши ва бошқа шу каби замон ўзгаришлари таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан тобора янги талаблар қўймоқда. Бу эса ўз навбатида таълим олувчидан қўшимча ақлий, маънавий, руҳий-жисмоний ва ижрочилик маҳоратини, ҳиссий-иродавий турғунликни талаб қиласи.

Талабалар таълим жараённида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар тизими таълим мазмунини ташкил этади. Мусиқа мутахассисларни тайёрлаш бўйича Давлат таълим стандартлари, фанларнинг ўқув режалари, ўқув дастурлар таълимнинг мазмунини белгилаб беради.

Таълим принциплари ёки дидактик принциплар, деб мусиқий-педагогик жараённинг асосий қонуниятларини акс эттирувчи педагогик қоидалар тушунилади. Ушбу қоидалар таълим олувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш бўйича ўқитувчи фаолиятини белгилайди. Бу принципларда таълим жараёни қонуниятлари, унинг мантиқи ва қарама-қаршиликларининг талаблари акс этади. Ҳар бир принцип таълим жараёнининг алоҳида томонларини, уларнинг аниқ талабларини ёритиб берувчи қоидаларни ўз ичига олади ва уларнинг қўлланилиши ўқитувчи-педагогнинг таълим-тарбия жараёнига бўлган умумий муносабатини белгилайди.

Ўқув машғулотларидаги таълим-тарбия жараёни ўқувчи ёшларга доимо берилаётган билим ва топшириқларни беками кўст эгаллашларига шай ҳолатда туришлари ва барча диққат эътиборларини қаратишлари лозимлигини белгилайди. Худди ана шу мақсадларда педагог раҳбар ўқувчи-ёшларни ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини илмий асосда ва “Мусиқа психологияси ва педагогика фани”нинг мусиқа таълим жараёнида ўрганилаётган мутахассислик фанларини ўқитиш методикалари талаблари ва кўрсатмалари асосида ташкил этиши лозим.

Фан ва техника доимо тараққий этиб боради. Ўқитишнинг янги ва янги метод ва усллари кун сайин шаклланиб, янгиланиб боради. Бу эса мусиқий тарбия ва мусиқанинг тур ва жанрларининг халқ оммаси орасида оммалашиб боришига шароит яратиб боради. Маълумки, мазкур масала ўз навбатида таълимнинг янги усул ва воситаларини қўллашни талаб этади. Шунинг учун ҳам мусиқа таълими жараёнига фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларини жорий қилиш асосида ўқув жараёнининг илмий салоҳиятини доимо ошириб боришни тақазо этади. Бу эса таълимнинг илмийлиги пиринципининг асосий талабидир.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда таълимнинг илмийлиги принципига қўйиладиган асосий талабларни қуйидагича кўрсатиб ўтишимизни тақазо этади. Яъни:

- берилаётган билимларнинг инсорпарварлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш;
- ўқувчи ёшлар эгаллайдиган билимларнинг ҳозирги замон фани ва тараққиёти, педагогикаси ва психологияси ютуқларига мослаштириш;
- таълим шакллари ва методларининг замонавий фан ютуқларига мувофиқлигини таъминлаш.

Ўқувчи ёшларни ва ёш мусиқа ижрочиларини эгаллаётган соҳалари бўйича тайёрлаш, ёки уларни саҳнага чиқишлиари ва танлов олди ижрочилик маҳоратини ошириш, руҳий тайёргарлигини таъминлашнинг изчиллик принципи ўқувчи талаба-ёшларларнинг таълими жараёни мусиқа ижрочилиги талабларида қайд этилган натижаларга эришишда амалдаги меъёрларни билиши ва уларни бажаришлари учун руҳий ва хиссий ҳамда руҳий тарийёргарлигини мусиқа ижрочилигидаги мавжуд талаблар асосида ташкил этишини кўзда тутади.

Мусиқа ижрочиларини турли танлов ёки саҳнада чиқишлиари ёки ўқув машғулотларида маҳоратларини ошириш, ўргатиш принципининг асосий талаблари қуйидагилардан иборат:

- ёш мусиқа ижрочиларининг ижрочилик маҳорати ва уларнинг руҳий тайёргарлик хусусиятларини билиши;
- ёш ижрочилар таркибининг юқори даражадаги техник ижрочилик, профессионал, ижтимоий сиёсий ва руҳий тайёргарлигига эришишини таъминлаш;
- мусиқий ва руҳий ҳамда юқори даражадаги ижрочилик тайёргарликни кучайтириш;

- ўқувчи, талаба-ёшларларни мусиқа танловлари, фестивал ва тури маданий-маърифий тадбирларда, ўқув ва мусиқий машғулотларида маҳорат ва қобилиятларини такомиллаштириш;

- ўқувчи, талаба-ёшларларни мусиқий, руҳий, жисмоний, ғоявий ва маҳорат малакаларини ошириш ва ҳоказо.

Талаба ёшларнинг онглилиги ва фаоллиги уларнинг эгаллаган ижрочилик касблари бўйича, ўша мусиқа турининг мазмун моҳиятини чуқур англаш етишлари ва шу асосда касбий мутахассислигини пухта эгаллашларига асосланади. Бунда уларнинг ўқиши ва билим олишга интилишини, билиш фаоллигини ривожлантириш, маънавий, касбий, жисмоний, руҳий, назарий, амалий малака ва кўникмаларни эгаллашга қизиқишини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Машғулотлар жараёнида ёш ижрочиларни фаоллигини оширишга қуйидаги дидактик омиллар сабаб бўлиши мумкин:

1. Таълим жараёнида юқори натижаларни эгаллаш учун ижодий кураш муҳитини яратишнинг муҳим шарти сифатида мусиқа таълимини илмий асосда ташкил этиш.

2. Ўқувчи, талаба-ёшларларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш ҳамда уларнинг ақлий ва амалий фаолиятининг самарали усулларини эгаллашга кўмаклашиш.

3. Берилаётган ўқув материали мазмунида доимо ўқувчи талаба-ёшлар учун янгиликнинг мавжуд бўлишини таъминлаш.

Ўқувчи, талаба-ёшларнинг онглилиги ва фаоллиги принципи ўқитувчилардан улар ўрганаётган ўқув материалининг мақсади ва вазифаларини, уларнинг амалий аҳамиятини чуқур тушуниб етишлари ва онгли равища эгаллашларини таъминловчи ўқитишининг усул ва воситаларидан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнини замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда кўргазмалик ва амалийлигини таъминлаган ҳолда ташкил этиш ҳамда улар ҳақида доимо қайғуриб боришлари талаб этилади. Бунда ўқувчи талаба-ёшларларга эгаллаётган мусиқа турлари бўйича бажариши лозим бўлган амалий машғулотларни аниқ ва амалда кўрсатиб бериш, уларнинг мазмун моҳиятини тушунтирибгина қолмасдан, балки улар ўртасидаги боғлиқлик ва алоқадорликни ва уларнинг амалий фаолиятда намоён бўлишини ҳам тушунтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқувчи, талаба-ёшларнинг онглилиги ва фаоллиги принципи қуйидаги асосий қоидаларга амал қилинишини тақозо этади:

- амалий машғулотлар давомида ҳал қилинаётган вазифаларнинг моҳиятини тушунтириш;

- ўрганилаётган ўқув материалининг ва унинг амалий аҳамиятининг ўқувчи, талаба-ёшлар томонидан тушунилишига эришиш;

- ўқувчи, талаба-ёшларлар томонидан ўрганилаётган ўқув материалининг чуқур ўрганилишига, идрок қилинишига эришиш;

- амалий машғулотларда ўқувчи, талаба-ёшлар томонидан вазифаларнинг мустақил ҳал этилишига эришиш;
- ташаббус кўрсатиш, вазифага ижодий ёндашиш учун шароит яратиш;
- ўқувчи, талаба-ёшларларнинг ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзига баҳо беришга ўргатиш;
- ўқув машғулоти ва мусиқа машғулотлари давомида таълим олувчиларни мустақил равиша ечимини топишга ўргатиш мақсадида уларнинг олдида муаммоли вазиятларни юзага келтириш.

Таълимда кўргазмалилик принципи инсоннинг атроф-муҳитни, ходиса ва жараёнларни сезги органлари орқали идрок қилишига асосланади ва таълим жараёнида ўқитувчининг сўзлари билан жонли қабул қилиши ўртасидаги алоқадорликни кўзда тутади. Бу жараён мусиқа педагогикаси фанида жуда катта аҳамият касб этади. Чунки, ўқувчи ёшлар мусиқа чолғу асбобларини нафафат кўрадилар, уни ушлаб, чаладилар. Овоз тембри, диапазони, жаранглаётган товушни эшлитиб, ижро этишини ўзларида синааб кўрадилар.

Таълим муассасаларида талаба ёшларга мусиқий тарбия, мусиқий маданият ёки мусиқа тўгараклари машғулотларида таълим бериш кўргазмалилик асосида яъни, ўқув машғулотлари учун лозим бўлган мусиқа чолғулари ва улар акс эттирилган фото лавҳалар асосида ташкил этилса, кўзланган мақсад сари илдам қадам ташлаш шунчалик енгил кечади. Мисол учун, янги ўқув матариалини ўрганиш вақтида кўргазмалилик воситаларидан кенг фойдаланиш ёш мусиқачиларни сезги ва идрокини ривожлантиришда ёки уларни ўрганаётган мусиқа асарларини тез ва осон қабул қилишда ёки уни енгил тушунишига катта восита бўлиб хизмат қиласди. Машғулотларни такрорлаш вақтида илгари ўрганилганларнинг хотирада намоён бўлишига, билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ёрдам беради. Амалий машғулотлар давомида эса кўргазмалилик воситалари зарур кўнімка ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиласди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам улар билимларни чуқур англаш ва уларни эгаллашни енгиллаштиради. Ўқув машғулотларига нисбатан қизиқиши оширади.

Мусиқа машғулотлари жараёнида кўргазмалиликнинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади:

- а) табиий кўргазмалилик:
  - мусиқа чолғулари асосида (танланган мусиқа турига оид мусиқа чолғуларидан фойдаланган ҳолда);
  - мусиқа чолғулари билан жиҳозланган зал ёки мусиқа хоналарида;
- б) тасвирий кўргазмалилик:
  - ҳажмли кўргазмали қуроллар: мусиқа асбобларининг моделлари, макетлари, стендлар, схемалар ва бошқалар;
  - экранли воситалар: кино, видеофильмлар, слайдлар, компьютер, проектор ёрдамида тушириладиган тасвиirlар;
  - график (чизма) кўргазмали қуроллар: плакатлар, схемалар, чизмалар, жадваллар, компьютер графикаси ва бошқалар;

в) овозли кўргазма воситалари:

- аудио ва видео овоз ёзувлари;

г) амалда табиий ижро орқали чалиб кўрсатиш:

- ўқитувчи томонидан ҳар бир машқ ёки усулни ўқувчи-ёшларга ё индивидул шароитда ё жамоавий ҳолда ансамбл шаклда ижро этиш.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, билим, кўникма ва малакалар фақат маълум бир фан доирасида мукаммал бўлиб қолмай, балки ҳар бир мусиқачи ижроининг ўзи эгаллаётган мусиқа чолғу тури ёки хонандалик маҳоратида яъни эгаллаётган мутахассислигидан келиб чиқсан ҳолда барча фанларни комплекс ўрганишни ташкил қилган тарзда чукур ва изчил эгалланган ҳолдагина ижодкор ўз касбининг мохир устаси сифатида белгиланган вазифаларни бажара олиши мумкин.

Таълимда тизимлилик, кетма-кетлилик ва изчиллик принципи ўқув материалини аниқ кетма-кетлик ва мантиқий тартиб асосида, ҳар бир мусиқий ўқув фанларини бошқалари билан боғлиқ равишда ўргатишни, ўқувчи-талаба ёшларнинг ўзлаштиришлари устидан доимий раҳбарлик ва ғамхўрлик қилишни, бутун таълим-тарбия жараёнининг аниқ белгиланган тизим асосида олиб борилишини кўзда тутади.

Бу принцип асосида ўқувчи-талаб ёшлар учун касбий, ижодий, ижодкорлик, руҳий, ижтимоий-сиёсий ва жисмоний тайёргарлиги бўйича дастур ва режалар ишлаб чиқлади.

Таълимда тизимлилик, кетма-кетлик ва изчиллик принципи мусиқа мутахассисларини жисмоний ва руҳий тайёрлаш жараёнида берилаётган янги ўқув материалининг олдин ўтилган материаллар билан боғлаш, уларнинг бир-бирига алоқадорлигини таъминлаш, шу билан бирга уларни кенгайтириши ва чуқурлаштиришни талаб қиласди. Бунинг учун машғулот раҳбари нафақат ўтаётган мавзусининг мазмунини, балки кейингиларини ҳам яхши билиши зарур ва шу асосда бўлажак машғулотларни режалаштириши ва янги билимлар мажмуи учун замин яратиб бориши лозим бўлади.

Таълимда тизимлилик, кетма-кетлик ва изчиллик принципининг куйидаги асосий талабларга риоя қилиниши тавсия этилади:

- ўқув материалини аниқ кетма-кетлик ва мантиқий тартиб асосида олиб борилишини ташкил этиш;

- ўқувчи-талаба ва ёшларнинг таълим олиш фаолияти устидан доимий раҳбарлик ва ғамхўрлик қилиш;

- уларнинг жисмоний ва руҳий ҳамда ижтимоий-ғоявий тайёргарлигини тўғри ташкил этиш;

- янги ўтиладиган ўқув материалининг олдин ўтилганлари билан боғлаш ва аввалгиларига таяниши ва ҳоказо.

Таълимнинг тушунарлилиги принципи талаб ёшлар томонидан билим, кўникма ва малакаларнинг онгли равишда, мазмунини англаган ва уларнинг ўз ўқиш, ижод, меҳнат ва ҳаёт фаолиятлари давомида кераклилигини тушунган ҳолда эгалланишини кўзда тутади.

Таълимнинг тушунарлилиги принципини амалга тадбиқ этишда профессор-ўқитучилар, педагог-мураббий ва мутахассислар қуидаги педагогик қоидаларга риоя қилишлари лозим:

- ўқувчи-ёшларни билим, кўникмага эга бўлишлари ҳамда малака тажрибаларини онгли равишда эгаллашига ва провард натижада бунда маълум даражада ижодий-ақлий ва жисмоний тайёргарлигшига эришиши;
- ҳар бир ўқувчи ва талаба-ёшларнинг ўзини шахсий хусусиятларини, ақлий ва жисмоний имкониятларини, таёргарлик даражасини ҳисобга олиши;
- айниқса, маълумдан номаълумга, енгилдан оғирга, осондан қийинга, оддийдан мураккабга қоидасига амал қилган ҳолда ижодкорлик қобилиятини ўстириб боради.

Ҳозирги давр фан ва техника таққиёти мусиқанинг турли турлари бўйича халқаро танлов ва фестивалларда ўзига хос замонавий хусусиятлари бугунги ёшларнинг билим, кўникма ва малака тажрибаларини пухта ва чуқур эгаллашларини тақозо қиласди. Бироқ, билим, кўникма ва малакаларнинг пухталиги дидактик жиҳатдан ўта муҳимдир. Ўқувчи талаба-ёшларнинг билим, кўникма ва малакалари қанчалик пухта, мустаҳкам бўлса, янги ўқув материалини ҳам шунчалик онгли, чуқур ва пухта эгаллади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида таълим йўналишлари, мутахассисликлар ўқув дастурларига қўйилаётган талабларни нечоғлик муҳимлигини кўрсатмоқда. Ўқувчидан эса мазкур билимлар мажмuinи ва амалий тажрибаларини ўз вақтида ва чуқур эгаллаб боришлари билан ўз устида мунтазам шуғулланишларини талаб этади.

Ўқувчи-ёшларнинг билим, кўникма ва малака тажрибаларининг пухталигига ҳамда ижодкорлигига эришиш учун қуидаги асосий шартларнинг бажарилиши муҳимдир:

- ўқувчи-ёшларнинг ўрганилаётган ўқув материалини амалий фаолият учун зарурлигини тушуниши;
- ўқув материалининг узоқ вақт эсда сақлаб қолинишини таъминлаш;
- аввалги ўрганилган ўқув материалларини доимий равишда такрорлаб туриш;
- ўрганилган ўқув материалларини амалётда қўллаб туриш;
- ўқувчиларни мустақил меҳнатини тақдирлаш;
- ташаббус кўрсатишлари учун имконият яратиш.

Мусиқа фаолияти ўз характер хусусияига кўра аслида ўргатиш ёки ўрганиш учун якка тарбибдаги фаолият ҳисобланади. Бироқ, натижага кўра жамоавий фаолият ҳисобланади. Ўқувчи ёшларни мусиқа танловлари, фестивал ва концерт дастурлани намойиш этиб чиқишиларида ўқув машғулотларида самарали натижаларига эришишларининг бир муҳим хусусиятларидан бу албатта жамоа ўртасида ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро бир-бирини қўллаб қуватлаш ҳисобланади. Мусиқа фаолиятнинг жамоа характеристи, айниқса, ҳар бир ўқувчи талаба-ёшлар ҳаракатларининг аниқлиги, ўзаро мувофиқлиги, уюшганлигига, уларнинг мусиқа машғуллари

жараёнида бир-бирига ёрдамлашиш, ўзларини ижодий тайёргарлиги ва руҳий ҳамда жисмоний куч-қувватига амалий қўллаб-қувватлашга намоён бўлади.

Таянч сўзлар ва иборалар:

Дидактика, мусиқий дидактика, мусиқий дидактиканинг функциялари, таълим берувчи, таълим оловчи, таълим мазмуни, руҳий ва жисмоний зўриқиши, ҳиссий-иродавий турғунлик.

Назорат учун саволлар:

1. "Дидактика"нинг мазмунини нима ташкил этади?.
2. Мусиқа дидактика нимани ўрганади?
3. Мусиқа дидактиканинг таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи функциялари нималар?.
4. Ўқитувчи мусиқа тўгараги раҳбарининг педагогик вазифалари нималардан иборат?

### **3.Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари. Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар.**

Ҳар бир ўқитувчининг шахсий, табиий ва индивидуал хусусиятлари бўлиб, ҳозирги замон ўқитувчиси мутахассислиги моделини лойихалаштириш лозим. Ўқитувчи мутахассислиги моделини умумий ва ягона ҳолда тузиш, энг муҳими унинг ўз хусусиятларини ривожлантириши, ўзига хослигини сақлаб қолиши, ўз қизиқишларига мувофиқ ҳолда илгариги интилишига имкон бериш зарур. Мазкур масалада кўп йиллардан буён илмий изланишлар олиб борамиз. Бирок, мутахассис моделини яратиш ва уни амалда қўллаш бўйича олиб борилган ишлар ҳали етарли эмас деб ҳисоблаймиз. Чунки, давр, замон, тараққиёт ўзгариши мусиқа ўқитувчиси мутахассислигининг замонавий модели ва профессиограммасига қўйиладиган талабларни ўзгартиришни ва такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Мутахассис модели бу – аниқ бир касб бўйича мутахассиснинг умумлашган образли тузилмаси бўлиб, у муайян таркибий қисмлардан иборат бўлади<sup>18</sup>. Узлуксиз таълим тизимини мазмуни ва унинг илмий-назарий асоси бўлган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунлари ўқитувчининг умумий, касбий, илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий-методик тайёргарлик даражасини замон талабларига мос бўлишини тақозо этади<sup>19</sup>. Шуни аълоҳида эътиборга олган ҳолда таъкидлаш жоизки узлуксиз таълим тизими ўқитувчисининг мутахассислик модели сингари айни пайтда умумий ўрта таълим мактаби мусиқа маданияти фани ўқитувчисининг мутахассислик моделини тузиш бугунги замонавий фан

<sup>18</sup> [www.Humanities/edu/ru/db/msg/](http://www.Humanities/edu/ru/db/msg/).

<sup>19</sup> Жўраев Р. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги умумий ўрта таълим вазифалари // Педагогик маҳорат журнали. 2/2001., 2-10 бетлар.

ўқитувчисининг барча хусусиятларини кўз олдимизга келтириш имконини яратади. Аслида модел асосини педагогга қўйиладиган талаблар ташкил этиб, у ўзида шахснинг энг юксак фазилатларини, педагогик маҳоратини, мутахассислик нуқтаи назардан ўз билими, илмий дунёқараши, соҳаси бўйича малака ва тажрибага эгалиги, ўқувчиларни фан нуқтаи назардан ўқита олиш, тарбия бериш ва таълим олувчилар билимлариниadolatli баҳолай олиш ва назорат қила олиш каби бир қатор таркибий қисмларни мужассамлаштиради.

Йирик педагог, олим Ж.Ф.Йўлдошев ўз тадқиқотларида республика ўқитувчилари шахсининг касб учун аҳамиятли хусусиятлари сифатида киришимлилик, ҳиссий барқарорлик, етакчилик, ижтимоий етуклик, ишонувчанлик, ижтимоий жасорат, дадиллик, мустақиллик, ўз-ўзини назорат қилиш, қўзғалувчанлик, таранглик кабиларни белгилаган<sup>20</sup>.

Назаримизда ўқитувчининг педагогик фаолиятига ёрдам берадиган фазилатларига илмга чанқоқлик, киришимлилик, камтаринлик, меҳнатсеварлик, интизомлилик, фидойилик, маҳрибонлик, бағрикенглик, одамохунлик, хушмуомалалик<sup>21</sup> каби бир қатор ижобий шахс фазилатларини киритиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки, юқорида таъкидланган моделнинг тарбиялай олиш қисмига юқори даражали маданият ва маърифат, шахсий одоб намунаси, нуфузи, ватанпарварлик ва бурч ҳислари, гуманистар ва гуманистик тайёргарлик, ўқув тарбиявий ишларнинг ташкили киритилган. Мазкур талабларни шакллантиришда узлуксиз таълим тизими олдида давлат ва ижтимоий буюртмалар ҳисобга олиниши ва аниқ белгиланиши керак эди.

Ўқитувчининг умумлаштирилган моделида педагогнинг ўқита билиш ва тарбиялай олиш вазифаларининг ажратилиши аслида ҳали аниқ илмий асосини топган масала эмас. Чунки бу икки фаолият ягона таълим ва тарбия жараёнида амалга ошириладиган, Шарқ педагогикасида<sup>22</sup> бир бутун ҳолда қўлланиладиган фаолият тури ҳисобланади. Шу билан бир қаторда мазкур мусиқа ўқитувчисининг мутахассислик модели гарчан бир неча бор тавсия этилаётган бўлсада, ундаги талаблар ўқитувчининг мутахассислик моделини очиб беришда маълум даражада ўз аксини топган деб ҳисоблаш мумкин. Тўғри, мазкур моделда келтирилган хусусиятларни бир қатор давом эттириш мумкин.

Моделнинг таълим олувчилар билиминиadolatli баҳолай олиш ва назорат қила олиш тарқибий қисмига талабаларнинг стандартланган тестларни ишлаб чиқиш ва қўллай олиш киритилган. Шуни қайд этиш керакки, мусиқа ўқитувчисининг мутахассислик моделида таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўнишка ва тажрибаларини назорат

<sup>20</sup> Йўлдошев Ж.Ф. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари: (ёхуд ўқитувчи бўлиш осонми?). - Т.: “Ўқитувчи”, 1998.- 208 б.

<sup>21</sup> Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: “Ўқитувчи”, 1992. - 160 б.

<sup>22</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Ўзбекистон файласуфлар жамияти). - Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – 45-49 б.

қилиш ва баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнидан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва мазкур жараённинг боришига тегишли ўзгартиришлар киритиш каби яна бир муҳим вазифаси киритилган бўлиб, у таълим-тарбия жараёнининг ажралмас ва энг муҳим зарурий қисми саналади. Шу сабабли, педагогнинг ушбу тайёргарлигини унинг методик тайёргарлигидан ажратиш мумкин эмас.

Республикамида тайёрланган педагогларнинг умумлаштирилган моделининг таҳлили ва унинг бугунги кун талабидан келиб чиқкан ҳолда яна бир қатор вазифаларни қўйилиши бежиз эмас. Чунки бутун дунё таълим тизимида бўлгани каби, узлуксиз таълим тизими олдига қўйилган талаблар давр ва замон ўзгаришлари билан такомиллаштирилиб, янги-янги инновацион ғояларни асосида ривожлантирилиб, кам меҳнат сарфлаб, кўпроқ натижа олиш учун ҳаракат қилиниб борилади. Бу ҳолат бевосита мусиқа таълими ўқитувчисининг мутахассислик модели хусусиятларига ҳам тааллуклидир. Ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятидаги асосий масалаларни киритиш ва илмий-педагогик нуқтаи-назаридан қайта ишлаш лозимлигини кўрсатди. Шу сабабли Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ҳар бир фан ўқитувчи, шу жумладан, мусиқа ўқитувчи мутахассислигининг педагогик фаолиятидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда замонавий модели ва унга мос ҳолда профессиограмма тузиш заруратини келтириб чиқаради.

Мазкур моделнинг асосини мусиқа ўқитувчиси ташкил қилиб, у шахс сифатида:

- юксак маънавиятли ва маданиятли;
- узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш учун истиқбол режаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир;
- ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил хулоса қила оладиган ва ундан амалиётда тўғри фойдаланадиган;
- ўзида миллий истиқлол мафкураси ва ғояларини сингдирган;
- жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган;

шунингдек, юқори малакали рақобатбардош педагогик кадр сифатида:

- ижодий ва ижтимоий фаол;
- ғоявий ва маънавий-ахлоқий етук бўлиши;
- мумтоз мусиқани тушуниш учун ижодий тафаккури бўлиши;
- ўзбек мусиқа меросининг сарчашмаси ҳисобланган мақом асарлари ҳақида етарлича билимга эга бўлиш ва уни амалиётда қўллай олиш даражасини эгаллаганлиги;
- юқори даражадаги илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий методик, ташкилий услубий жиҳатдан тайёргарлик орқали юксак касб-хунар маданиятига эга бўлиши назарда тутилди.

Мусиқа ўқитувчисининг мутахассислик моделини тузища қўйидагилар концептуал асос сифатида қабул қилинди:

❖ мусиқа ўқитувчиси юқори даражадаги илмий-назарий, педагогик-психологик ва илмий-методик тайёргарлик орқали юксак касбий маданиятга эга бўлади;

❖ мусиқа ўқитувчисини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида уларнинг касбий тайёргарлигини орттиришда илмий-назарий, педагогик-психологик таркибий қисмлар билан узвий равишда илмий-методик тайёргарликни амалга оширилади;

❖ ўқитувчининг педагогика олий таълим муассасаларида ўзлаштирган барча билим, малака ва қўнималари педагогик фаолиятда хусусий методик даражада, яъни мусиқани ўқитиши жараёнида қўлланилади. Шу боис ўқитувчининг касбий тайёргарлигининг таркибий қисмлари ичida методик тайёргарлик асосий ўринни эгаллайди.

## 1-расм.

### Мусиқа ўқитувчisi мутахassisliginинг замонавий модели



Мазкур моделни яратишида педагогика фанлари доктори, профессор Ж.Талипованинг “Биология ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттириш назарияси ва амалиёти” мавзусидаги тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилди. Албатта, мусиқа ўқитувчisi мутахassisliginинг замонавий модели таркибий қисмлари ва уларнинг

шаклланиши йиллар давомида тўпланган тажрибалар ҳамда инновацион ғоялардан келиб чиқсан ҳолда мусиқа ўқитувчининг методик тайёргарлиги даражасини орттириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Мазкур моделнинг таркибий қисмлари ва уларнинг шаклланишини таъминловчи билим, қўникма ва тажрибаларнинг мажмуаси яна бир қўлланиладиган термин - профессиограммада ўз аксини топади.

Профессиограмма – бу мутахассиснинг шахсий сифатлари ва касбий фаолият турларига кирадиган касбий талаблар ва меъёрларнинг илмий асосланган ҳолдаги тавсифи<sup>23</sup>. Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, К.К.Платонов, В.А.Сластенин, В.Э.Тамарин, Д.С.Яковлева, А.Абылқасымовалар каби қўпгина тадқиқотчилар томонидан умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг профессиограммасини тузиш бўйича муайян изланишлар олиб борилганлигини кўриш мумкин. Бироқ, шуни ҳам аълоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур профессиограммалар ҳозирги ахборотлар алмашинуви жадаллашган кун талабига жавоб бермаганлиги учун тарихий ва мантиқий бирликнинг методологик принципи асосида таҳлил қилинди.

Профессиограмма ўзида моделнинг таркибий қисмлари ва уларни шакллантиришга асос бўладиган билим, қўникма ва малакаларни ўзида мужассамлаштиради<sup>24</sup>. Шу сабабли профессиограмма муайян педагогик фаолиятни амалга ошириш учун ўқитувчидан – амалий ва назарий фикр юритишни, ушбу жараённи амалга ошириш учун муайян билим, қўникма ва тажрибаларни, малакаларни ўзлаштиришни талаб этади.

Назарий фикр юритиш таълим-тарбия жараёнидаги умумий қонуниятлар, яъни педагогик вазифаларни ҳал этишнинг принциплари ва усулларини ишлаб чиқиш, педагогик жараёнларни кузатиш, кузатиш натижаларини умумлаштириш, хулоса ясаш, ўз фаолияти билан таққослаш ва ўзи учун зарур қоидаларнинг келиб чиқишига замин тайёрлайди<sup>25</sup>.

Амалий фикр юритиш асосан мусиқани ўқитишининг хусусий вазифаларини ҳал этишга қаратилган. Ушбу фикр юритиш муайян вазиятларни таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш, ва муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш каби қўникмаларни ўз ичига олади. Ўқитувчининг педагогик фаолияти ва маҳорати даражасини, амалий педагогик вазифаларни ҳал этиш жараённинг илмий-назарий жиҳатдан тўғри асосланганлиги билан белгилаш зарур.

Мусиқа фани ўқитувчиси ўз педагогик фаолиятини таҳлил қилиб, илмий-назарий асослаб, ўзига маълум педагогик принципларни ва уни амалга ошириш қоидаларини ишлаб чиқади. Педагогнинг ўз фаолиятини таҳлил

<sup>23</sup> Йўлдошев Ж.Ф. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари: (ёхуд ўқитувчи бўлиш осонми?). - Т.: “Ўқитувчи”, 1998. - 208 б.

<sup>24</sup> Йўлдошев Ж.Ф. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари: (ёхуд ўқитувчи бўлиш осонми?). - Т.: “Ўқитувчи”, 1998. 102 -136 б.

<sup>25</sup> Исмоилов Н. Миллий менталитетнинг туб илдизи // “Мулоқот” журнали, 4 / 2001. - 29 б.

қилиш, умумлашган ва педагогик таъсир кўрсатишнинг мантиқий кетма-кетлигини ишлаб чиқиши, унинг педагогик маҳорат чўққисини эгаллаганлигини кўрсатади. Педагогик вазифаларни ҳал этиш, педагогик вазифаларни таҳлил қилиш, яъни ўқитувчилардан ақлий фаолият усуллари – танқидий-таҳлилий, мантиқий фикр юритишни талаб этади.

Мазкур педагогик фаолият таълим-тарбия жараёнини асосий бўғинларга ажратиш ва истиқболдаги вазифаларни лойиҳалаш кўнилмаларига асосланади. Ўқитувчининг педагогик вазифаларни яхши ўзлаштирганлиги, ўз касбдошларининг иш тажрибаларини тинмай ўрганиши, ўз педагогик фаолияти натижасини умулаштириш ва мунтазам таҳлил ўтказиш, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга, таълим мазмуни ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали восита, метод ва шаклларини танлашга имкон яратади.

Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги таҳлил қилинганда, унинг илмий-назарий, психологик педагогик, методик тайёргарлиги назарда тутилди<sup>26</sup>.

Қўйида мусиқа ўқитувчисининг профессиограммасини таркибий қисмлари ва уларга мансуб билим, кўникма ва малакаларни келтириб ўтамиз:

I. Мусиқа ўқитувчисининг илмий-назарий тайёргарлигига асос бўладиган билим, кўникма ва малакалар мажмуаси:

- мусиқа фанини илмий назарий жиҳатдан чукур ўзлаштирган ҳолда унинг назариялари, ғоялари, қонуниятларининг мазмун-моҳиятини билиши, фаннинг ривожланиши, фанда эришилган ютуқлар, янгиликлар, муаммолар, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда изланишлар натижаларидан хабардор бўлиб бориши;

- умумий мусиқий ва ҳусусий тушунчаларни ажрата олиши, уларнинг мусиқий таълимда тутган ўрнини, ўқувчиларда шакллантириш йўлларини тасаввур қилиши;

- мусиқа илмининг умумназарий ва амалий жиҳатдан шаклланишида улкан хисса қўшган мутафаккирларнинг илмий-назарий, маънавий-маърифий, маданий мерослари ҳамда мусиқа, мусиқа таълими фани ривожига салмоқли хисса қўшган олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини билиши ва улардан таълим-тарбия жараёнинда самарали фойдаланиш малакасига эга бўлиши.

II. Мусиқа ўқитувчисининг психологик-педагогик тайёргарлигига асос бўладиган билим, кўникма ва малакалар мажмуаси:

- дидактика ва тарбия назарияси ғоялари, ўқитиши қонуниятлари, принциплари, ўқитиши мазмуни, методлари, воситалари ва шаклларининг ўйғунлиги, узвийлиги, уларнинг узвийлигини таъминлаш йўллари билиши ва таҳлил қила олиши;

- ўқитишининг турли техник-дидактик, аудио, видео, мультимедия, Он-Лайн, презентацион воситалари, мавжуд дарсликлар, ўкув

<sup>26</sup> Баротов Ш.Р. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари. - Т.: “Ўқитувчи”, 1995. – 58-61 бетлар.

қўлланмалари, ўқув-методик адабиётларни таҳлил қила билиши, уларнинг бир-биридан фарқи ва афзаликларини билиши;

- педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи усуллардан хабардорлиги ва ўқув машғулотларида улардан фойдаланиш малакасига эга бўлиши;

- ўқувчиларнинг мустақил ишлари ва таҳсил олишини ташкил этишнинг ташкилий ва услубий таъминланишини билиши;

- ўз касбий тайёргарлиги ва малакасини мунтазам ва мустақил равишда оширишнинг усул ва шаклларини билиши ва эгаллаши;

- ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, диққат, хотира, тафаккур, темперамент, характер, қобилиятларини аниқлай олиши, ўқувчилар билан мулоқотга киришиш кўникмаларини эгаллаган бўлиши;

- ўқувчиларда мантиқий ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш, мантиқий операциялардан ўқув жараёнида фойдаланиш;

- синф раҳбари ишининг мазмун ва мундарижасини, ўқувчилар онгига ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг мазмунни, шакли ва усулларини билиши ва самарали ташкил этиш малакасига эга бўлиши<sup>27</sup>;

- иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, саралаш ва уларга табақалашган таълим бериш йўллари, шакллари ҳамда усулларини билиши, амалиётда қўллай олиш кўникмасига эга бўлиши;

III. Мусиқа ўқитувчисининг методик тайёргарлигига асос бўладиган меъёрий ҳужжатлар билим, кўникма ва малакалар мажмуаси:

- таълим-тарбия жараёнининг яхлитлиги, таълим мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг узвийлигини тасаввур қилиши;

- мусиқа бўйича дарсдан, синфдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбия ишларининг мазмунни, шакллари ва мазкур машғулотларни ташкил қилиш йўлларини;

- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ҳамда олий таълимнинг давлат таълим стандартларини;

- янги таҳрирдаги давлат таълим стандарти ва ўқув дастурининг амалдаги ДТС ва дастурдан фарқини;

- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида илмий-услубий, тажриба-синов ишларини олиб бориш тартиб-қоидаларини билишни;

- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчиларни касбга йўллаш ишларининг тартиби, мақсад ва вазифалари ҳақида маълумотга эга бўлиши, мусиқа йўналишида касбга йўллаш ишларини олиб боришни;

- мусиқани чуқур ўзлаштиришга ихтисослашган мактаб ёки синфларда қўлланилаётган дастурнинг, таълимий ва тарбиявий ишларнинг

<sup>27</sup> Баротов Ш.Р. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари. - Т.: “Ўқитувчи”, 1995. – 28-32 бетлар.

мазмун-мундарижаси, ДТС, мазкур таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга қўйиладиган дидактик талаблар<sup>28</sup>, шакл ва усулларини;

- мусиқани ўқитиш жараёнида ўқувчилар қалби онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларини<sup>29</sup>;

- мусиқани ўқитиш жараёнида ўқувчиларни ҳуқуқий, иқтисодий, экологик, санитария-гигиеник тарбиялашнинг мазмуни, методлари ва шаклларини билиши ва амалиётга қўллай олишни;

- мусиқани ўқитиш жараёнида ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, мустақиллик принциплари ва Она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашнинг мазмуни, методлари ва шаклларини билиши ва амалиётга қўллай олишни;

- мусиқадан ўқув дастури, ДТС, дарслеклар ва ўқув-методик қўлланмаларни таҳлил қилишни;

- мусиқани ўқитиш концепцияси, методик ёндашувлар асосида ўқув жараёнини ташкил эта олишни;

- мусиқа ўқув фанининг ғоялари, мақсади ва вазифалари, шунингдек, боблар, мавзуларнинг мақсади ва вазифаларини аниқлай олишни;

- Мусиқани ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллай олиш;

- ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий усулларини билиши ва олинган натижаларни таҳлил қила олиши, баҳолаш тизимини мукаммал билиш ва қўллай олишни<sup>30</sup>;

- мусиқа дарсларига қўйиладиган дидактик талаблардан хабардор бўлиши, уларни кузатиш ва таҳлил қилиш малакасини ўзлаштиришни;

- мусиқа ўқитувчиларининг илғор иш тажрибаларини аниқлаши ва уларни ўзлаштира олиши ҳамда амалиётга қўллаш малакасига эга бўлиши;

- мусиқа ўқув хоналари, лабораторияларини намунавий жиҳозлаш, тегишли меъёрий ҳужжатларни билиши, жиҳоз, кўргазмали восита, дидактак ва тарқатма материалларни тайёрлаш, сақлаш, бутлаш ва бойитиш йўлларини билиши, улардан самарали фойдаланган ҳолда ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш тажрибасига эга бўлиши лозим.

Юқорида кўрсатиб ўтилган бир қатор вазифалар ҳамда ўқитувчиларга қўйилган талаблар асосида мусиқа ўқитувчиси мутахассислигининг модели ва профессиограммаси ишлаб чиқилди.

Хулоса сифатида айтиб ўтиш жоизки мусиқа ўқитувчининг методик тайёргарлигига ўз навбатида методологик, гнесеологик, коммуникатив,

<sup>28</sup> Жўраев Р. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги умумий ўрта таълим вазифалари // “Педагогик маҳорат” журнали. 2/2001., 2-10 бетлар.

<sup>29</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Ўзбекистон файласуфлар жамияти). - Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – 58-60 б.

<sup>30</sup> Педагогика тарихи. Ҳасанбоева О. ва бошқалар. (Ўқув қўлланма). - Т.: “Ўқитувчи”, 1997. – 124-165 б.

конструктив, лойиҳалаш ва ташкилотчилик билим, кўникма ва малакалардан иборат бўлибгина қолмай қуидаги якуний натижаларга эрилишилди:

1. Ўқитувчининг методик тайёргарлигининг таркибий қисмлари сифатида методологик, гносеологик, коммуникатив, лойиҳалаш ва ташкилий фаолиятга оид билим, кўникма ва малакалар белгиланди.

2. Юксак касб-хунар маданиятига эга бўлган мутахассис сифатида ўзида ижтимоий ва ижодий фаоллик, ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий етукликни мужассамлаштиурса, юқори малакали рақобатбардош педагогик сифатида Республиканинг иқтисодий тармоқларида малакали кадрлар тайёрлаш ишида ўзини муносаб хиссасини қўша олади.

3. Педагог кадрларнинг ижтимоий ва ижодий фаоллиги, ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий етуклиги ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги ва уларнинг таркибий қисмларига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади<sup>31</sup>. Маълумки, ғоявий-сиёсий етуклик илмий-методик тайёргарликнинг таркибий қисми бўлган методологик билим, кўникма ва малакаларга асос бўлиб хизмат қиласи. Ижтимоий ва ижодий фаоллик ўқитувчининг ўз касбий тайёргарлигини мунтазам ортиришига, аксинча юксак касб-хунар маданиятига эга бўлган ўқитувчининг педагогик фаолиятга ижодий ёндашувига ва ижтимоий фаоллигига ўз таъсирини кўрсатади.

4. Юқори малакали рақобатбардош педагогик кадр бўлган Мусиқа ўқитувчиси, ўз навбатида юксак маънавият ва маданият соҳиби, миллий истиқлол мафкураси ва ғояларини сингдирган шахс сифатида, таълим-тарбия жараёнидаги истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этиш орқали, жамият тараққиётiga муносаб ҳисса қўшади, ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билади.

5. Мусиқа ўқитувчисини тайёрлашда касбий тайёргарликнинг таркибий қимлари, юқори малакали рақобатбардош педагогик кадр ва шахс сифатидаги хусусиятларини яхлит ҳолда тасаввур қилиб, уларнинг ўртасидаги узвийликни амалга ошириш зарур.

### **Назорат саволлари:**

1. Мусиқий фанларнинг пайдо бўлиши ва ўқитилиши.
2. Мусиқий фанларнинг ривожланиш тарихи.
3. Мустақиллик даври мусиқий фанларнинг ривожланиши.
4. Мусиқа ўқитувчисининг бугунги кун талаби даражасида тайёрлашда қандай талаблар қўйилади.
5. Республигадаги педагогика соҳасида 5111100-Мусиқа таълим ўйналиши ДТС ва малакала талаблари қандай меъёрий ҳужжат ҳисобланади.
6. Мусиқий дасрларни ташкил этишда концермейстер фаолияти қандай

<sup>31</sup> Ҳасанбоева О. ва бошқалар. Педагогика тарихи (Ўқув қўлланма). - Т.: “Ўқитувчи”, 1997. – 86-91 б.

7. ОТМларда ўқув-услубий фаолиятни самарадорлигини ошириш йўллари

**Фойдалинганд адабиётлари:**

1. Д.А.Каримова Мусиқий педагогик маҳорат асослари ўқув қўлланма. Т. 2008 й.
2. Шарипова Г. Мусиқа ўқитиши методикаси. Маъruzалар матни. 2000 й.
3. Зимина А.Н.Основы музыкального воспитания и развития. М. 2000 й.
4. Файзиев О.Ўқувчиларда мусиқий нафосат тарбиясини шакллантириш. -Т. 1992 й.
5. X.Рахимов Ўзбекистон Ватаним маним. -Т. 1997 й.
6. Шарипова Г.М. Мусиқа ва уни ўқитиши методикаси. -Т. Турон-Истиқбол 2006 й.
7. Н.Норхўжаев, Ҳ.Рахимов Ўзбекистон Ватаним маним. -Т. 1999 й.
8. Г.Шарипова мусиқа ўқитиши методикаси -Т. 2006 й.
9. О.Иброҳимов, Ж.Садиров 7-синф мусиқа дарслиги -Т. 2008 F.Гулом нашрёти
10. Мақомат.О.Матёқубов Мусиқа нашриёти -Т. 2004 й.

**З-мавзу: Узлуксиз таълим тизимида мусиқий фанларини ўқитиша инновациялар. Мусиқий фанларини ўқитиша кўлланиладиган инновацион технологиялар. Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари.**

**Режа**

1. Узлуксиз таълим тизимида мусиқий фанларини ўқитиша инновациялар.
2. Мусиқий фанларини ўқитиша кўлланиладиган инновацион технологиялар.
3. Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари.

**Таянч тушунчалар:** узвийлик, узлуксизлик, узлуксиз таълим, инновациялар, умумий ўрта таълимда мусиқа фанларини ўқитиши, олий таълимда мусиқа фанларини ўқитиши.

**1. Узлуксиз таълим тизимида мусиқий фанларини ўқитиша инновациялар.**

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуqlари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган

бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти курмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидағи жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

**3.1.1. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели:** шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

узлуксиз таълим -малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш мухитини ўз ичига олади;

ишлаб чиқариш кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизими молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларидан биридир.

**Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конститутциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади.**

Қонун умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими стандартлари орқали сифатли таълим олиш, шунингдек таълим ва касб-хунар жиҳатдан тайёргарликнинг шакллари ва турларини танлашни, узлуксиз малака ошириб бориш, зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва кенг имкониятларини назарда тутади.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

**Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.**

Фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишига;

Давлат грантлари ёки пуллик-шартномавий асосда олий таълим ва олий ўқув ютидан кейинги таълим олиш ҳуқуқига;

Таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шартшароитлар яратиш борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга;

Соғлик ва ривожланишда нуқсони бўлган шахслар таълим олишига кафолат берадилар.

**Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.**

### **3.1.2. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари**

таълимнинг устуворлиги унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;

таълимнинг инсонпарварлашуви инсон қобилияtlарининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

таълимнинг миллий йўналтирилганлиги таълимнинг миллий тарих, ҳалқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон ҳалқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа ҳалқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

иктидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва маҳсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

### **3.1.3. Узлуксиз таълим соҳасидаги ислоҳотлар қўйидагиларни назарда тутади:**

давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта маҳсус, касб-хунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-хунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шартшароитлар яратиш;

### **3.1.4. Узлуксиз таълим тизими ва турлари**

мактабгача таълим;

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

мактабдан ташқари таълим.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим (I-IV синфлар), умумий ўрта таълим (I-IX синфлар), ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини қамраб олади.

#### **Мактабгача таълим**

Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

мактабгача таълимнинг самарали психологияк-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;

замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;

мактабгача муассасаларнинг ҳар хил турлари учун турли варианлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча массалалари бўйича малакали консультация хизмати қўрсатиш имкониятини яратиш;

## **Умумий ўрта таълим**

Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун қуидагилар зарур:

юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш;

ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш;

ўқувчилар касб-хунар танлайдиган ва психологик-педагогик жиҳатдан маслаҳатлар оладиган марказлар тармоқларини ташкил этиш.

**Умумий ўрта таълим негизида ўқиши муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта маҳсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидағи мустақил турдир.**

**Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналиши ақадемик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.**

Ақадемик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чукур ўрганишга қаратилган маҳсус касб-хунар қўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу қўникмаларни ўқиши муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-хунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибининг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари хисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чукур назарий билим олиш имконини беради.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуидагилар зарур:

соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-хунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

касб-хунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-хунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

**Олий таълим ўрта маҳсус, касб-хунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалавриат ва магистратура) босқичгага эга.**

Бакалавриат мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камидаги тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камидаги икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қўйидагиларни амалга ошириш зарур:

олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шу жумладан чет эллардаги етакчи ўкув ва илмий марказларда тайёрлаш;

олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш, бу муассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш, муассислар, васийлар кенгашлари, жамоат назорат кенгашлари шаклидаги жамоат бошқарувини жорий этиш;

ўқиши, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;

халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш.

**Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган.**

Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фанномзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунашдаги дипломлар топширилади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

ривожланган мамлакатларнинг илгор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш;

### **Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш**

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қўйидагилар зарур:

юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

профессионал тренингнинг илғор технология ва ускуналарини, шунингдек мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш.

**Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.**

таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини қўпайтириш;

ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмининг, халқ ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шаклларини такомиллаштириш, миллий турлари ва шаклларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш.

**Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли элемент сифатида фанни ўз ичига олади, бу соҳада:**

олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;

мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинув амалга оширилади.

илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фанинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбиларини ишлаб чиқиш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини самарали тарзда бажаришни таъминлаш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар даражасини баҳолашга замонавий ёндашувни рўёбга чиқариш, илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар натижалари тижоратлашуви асосида олимларнинг обрў эътибори ва ижтимоий мақомини ошириш;

фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, талабалар ва ёш олимларнинг илмий ютуқлари учун маҳсус мукофотлар ва совринлар таъсис этиш, маҳсус стипендиялар сонини кўпайтириш, ёшлар илмий-техника ижодиётининг доимий ишлайдиган кўргазма ва экспозицияларини ташкил этиш.

Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шаклларини танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва ракобатбардошлигига баҳо беради:

турли савия ва малакадаги мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжни шакллантиради;

муассис, васий, донор, ҳомий тариқасида айрим мутахассисларни ва гурухларни мақсадли тайёрлашни, шунингдек турли тип ва даражадаги ўқув юртларини молиялашда қатнашади;

Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидағи мавқеини кучайтириш қўйидаги йўллар билан таъминланади:

кадрлар тайёрлаш ҳамда биргаликда илмий-технология ишланмаларини олиб борища корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш;

ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжларини инобатга олиб, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг янги йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

педагог кадрларнинг илғор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам ошириб бориш;

ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш учун таълим олувчиларни иш жойлари билан таъминлаш;

**Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**

### ***Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш***

Таълим муассасаларини ҳудудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгартириш иши амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

***Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаши, қайта тайёрлаши ва уларнинг малакасини ошириши***

Олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартлариiga мос юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш бўйича маҳсус факультетлар,

шунингдек республика вилоятларида умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими учун ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш юзасидан маҳсус марказлар ташкил этилади.

**Кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш миллий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, халқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилинади. Таълим олувчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади.**

***Барча соҳаларда маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиши***

Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётiga муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари ота-оналар, оила, маҳалла қўмиталари, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мағкура илмий-амалий маркази, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиладилар.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-87-сонли Конунитаҳририда — ЎРҚҲТ, 2007 й., 15-сон, 150-модда)

**Иқтидорли болалар ва истеъоддли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Маҳсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиши учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув-тарбия жараённида уларнинг фаол иштироки таъминланади. Фан ва техникани, сиёsat ва иқтисодиётни, маданият ва санъатни ўргатиш марказлари қабилидаги ҳамда миллий (элита) таълим муассасалари ташкил этилади.**

## **2. Узлуксиз таълим тизимида мусиқий фанларини ўқитишда инновациялар.**

“Мусиқа таълими” таълим йўналишида таълим олаётган талабаларнинг ақлий имкониятларини ўстириш, уларда бадиий эстетик борлиқни бутун таровати ва жозибаси билан ҳис этишни тарбиялаш муҳим педагогик-психологик вазифа бўлиб, устоз-мураббийлардан тинимсиз меҳнат ва ташаббускорликни талаб этади.

Олий таълим тизимида ўқитиладиган мусиқий фанларнинг изчиллик ва мантицийлик асосида режалаштирилган бўлиб, бакалавриат босиқичи талабаларида ақлий имкониятларни маълум тизим асосида ривожлантириб боришга йўналтирилган.

Мутахассислик фанлари қаторига киравчи “Мақом асослари”, “Анъанавий хонандалик”, “Чолғу ижрочилиги ва ансамбли”, “Вокал ва замонавий мусиқа”, “Ўзбек халқ мусиқа ижоди”, “Хор ва хоршунослик”, “Чолғушунослик” ва қолаверса “Мусиқа назарияси”, “Гармония”, “Мусиқа асарлари таҳлили”, “Сольфеджио” каби фанлар талабаларнинг мусиқий билим ва тафаккурини, идрокини ўстиришда кенг имкониятлар эшигини очади.

Кейинги йилларда халқимизнинг маданий меросини, жумладан мусиқий қадриятларни ўрганиш, тиклаш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Айниқса, санъат олийгоҳлари талабалари орасида мумтоз мусиқа намуналари - мақомларни, халқ ашулалари ва қуйларини ўрганиш, миллий созларимизда чалиш истаги ортиб бормоқда. Ана шулар эътиборга олиниб, Республикамизда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртларининг ўқув режаси ҳам такомиллаштирилиб, мусиқий фанларга ажратилган соатлар кўпйтирилмоқда.

Мазкур фанлар сарасига “Чолғушунослик” фанини ҳам киритиш жоиздир. Ушбу фан асосан миллий созларимизнинг пайдо бўлиши тарихи, шаклланиши, тузилиши ва уларнинг ҳозирги мусиқа ижрочилигидаги ўрни ҳақида маълумот беришга йўналтирилди.

Фан орқали талабаларда миллий чолғуларнинг анъанавий ва таъмиранган нусхалари, тузилиши ва ижро этиш маҳоратини шакллантириш, шунингдек, уларда халқимизнинг бой мусиқий ижоди ҳақида билим ва тасаввурларни оширишдан иборат.

Дарслар жараёнида миллий созларнинг гуруҳларга бўлиниши камонли созлар, нохун билан чалинадиган, пулфлаб чалинадиган ҳамда зарбли созлар ҳақида талабаларга кенг маълумот берилади. Шунингдек, гуруҳлардаги ҳар бир чолғу асбобининг тузилиши, парда хусусиятлари (аппликатураси) анъанавий ва академик (таъмиранган) турларини таққослаш йўли билан уларнинг ижро хусусиятлари таҳлил этилади.

Шунингдек, миллий созларимизнинг бастакорлик ижодиёти билан ўзаро муносабати, уларни якка ва ансамбл (жамоа бўлиб) чалиш имкониятлари ҳамда чолғуларимизнинг ўтмиши ва ҳозирги замон устоз ижроҷилари ижоди билан бакалаврларни таништириш кўзда тутилган. Шу билан бирга миллий созларнинг умумтаълим мактабларида мусиқа маданияти дарсини ўтишдаги имкониятлари борасида ҳам кенг маълумот берилади.

Шуни айтиш жоизки, “Чолғушунослик” фани мусиқа мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларнинг касбий билимлари ва дунёқарашини бойитиш билан бирга, уларнинг миллий мусиқий меросимиз, мақомларга бўлган қизиқишиларини оширади, ўз касбларига бўлган муҳаббат ва эътиқодларини янада мустаҳкамлайди ва шу орқали тафаккур ҳамда идрокни тарбиялашга олиб келади.

Мазкур дарс жараёнида талабалар жамоа бўлиб мусиқий асарларни чаладилар ва чолғушунослик фани бўйича эгалланган назарий билимларни амалга тадбиқ этадилар.

Миллий созларимизнинг пайдо бўлиш тарихи ўзбек миллий давлатчилигининг шаклланиши тарихи билан муштаракдир. Манбалардан маълумки, миллий мусиқа чолғу асбобларимизнинг тарихи олис замонларга бориб тақалар экан, яъни, эрамиздан аввалги XIII минг йилликдаёқ, дастлаб урма зарбли чолғулар сўнгра шовқинли созлар пайдо бўла бошлаган. Нега айнан урма зарбли созлар илк бор кашф этилишини буюк олимлар энг қадимги меҳнат қўшиқлари - ишнинг ритмик тузилиши билан бевосита боғлиқликда юзага келганидан, дея изоҳлайдилар<sup>32</sup>. Кейинроқ халқ усталари томонидан қамиш ёки бамбук поясидан сурнай, най, ҳуштак, шакилдоқ ва чилтор (арфа) сингари чолғулар ясалади. Маълум муддатдан сўнг торли мезробли ва торли камонли мусиқа чолғулари яратилади. Кейинчалик кўп асрлик маданий тараққиёт жараёнида ўзига хос тузилиш ва жарангдорликка эга бўлган дутор, танбур, рубоб, ғижжак, чанг сингари анъанавий созлар ижод қилинган. Дунё эндиғина оҳангни кашф эта бошлаганида Турон заминида анчагина ютуқлар қўлга киритилганинг ўзиёқ мусиқий меросимизнинг шажараси жуда узоқлигига ишонч ҳосил қилиш мумкинлигини изоҳлойди.

Жамиятнинг эволюцион ривожланиши жараёнида халқ чолғучилари Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари халқларининг турмуши ва меҳнат фаолиятига сингиб инсон фаолиятининг ажралмас таркибий қисмига айланиб қолди ва бу чолғулардан халқлар ўз миллий маросим ҳамда оиласиб байрамларида кенг фойдаланиб келишган. Шубҳасиз, бу даврда чолғу ижроилиги санъати ҳам маълум даражада ривожланиш босқичига кўтарилиб, халқ орасидан моҳир ва истеъододли якканавоз созандалар етишиб чиқади. Шундан сўнг якканавозлик ижроилиги билан бир қаторда астасекин жўрнавозлик ижроилиги ҳам шаклланиб омма орасида тарқала бошлади.

---

<sup>32</sup> Абдуллаева С. Современные азербайджанские музыкальные инструменты. Баку. 1984 г., С.5.

**Талабаларнинг мусиқий тафаккури ва идрокини юксалтиришнинг ахборот технологиялари яна бир воситадир.** Миллий қадриятлар, айниқса мумтоз мусиқа асосида олий мусиқа таълимида таҳсил олаётган бакалаврларнинг ақлий имкониятларини, уларда мусиқий тафаккур ва идрокни юксалтириш учун барча мавжуд иш усулларини қўллаш тақозо этилмоқда. Шу жумладан, ҳозирги шароитда таълим соҳасига илғор ахборот ва педагогик технологияларнинг жадал кириб келаётганлиги сабабли, мақомларнинг жозибали, мафтункор, ўзига жалб этувчи, тингловчининг ҳиссиётларига таъсир этиб, унда турли қайфият ва кечинмаларни уйғотувчи кучини бакалаврларга ушбу воситалар орқали яққол кўрсатиш, уларда мумтоз мусиқамизга нисбатан меҳр-муҳаббатни уйғотиш ўта муҳимdir.

Мусиқа таълими тизимида талабалар билан ишлаб, уларда мусиқий тафаккур ва идрокни юксалтириш учун инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш мумкин.

Яқин вақтларгача ўқув машғулотларида қўлланиб келинган аудио ва видеотехника воситалари фақатгина берилган мусиқий материал: мақом щўъбалари ҳамда турли мусиқа жанрларига хос асарларни эшилтириш ва кўрсатиш имконига эга, холос. Бироқ, бугунги кунда ушбу воситалар изланувчан ўқитувчи ва талабаларни қониқтирмайди.

Бугунги кун талаби даражасида ёндашиб, олий мусиқа таълимида мусиқий фанларни амалий машғулотини ўқитиш жараёнида талабалар билан ишлаш фаолиятини олиб кўрадиган бўлсак, фан доирасида берилган мақом асарининг нота матнини таҳлилий ўрганиш, ноталарни номлари билан аниқ интонацияда куйлаш, асарда учрайдиган турли интерваллар, динамика ва ижро суръатини аниқ тасаввур этган ҳолда куйлаш, шунингдек, ноталарни сольфеджио қилиб куйлаш талаб этилади.


Бундан ташқари, асарда учрайдиган мураккаб парчаларни алоҳида машқ қилиш, асарлар ва уларнинг парчаларини таҳлилий тинглаб ўз хулосасини чиқариш вазифаси қўйилади. Бу кўпқиррали бадиий мусиқий фаолиятни юқори савияда бажариш учун нота ижросини кузатиш, тинглаш ва кўриш, яъни аудиовизуал идрок этиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу таълимий вазифаларнинг барчасини юқори савияда амалга оширишда энг охирги компьютер дастурлари қўл келади. Мазкур замонавий компьютер дастурлари сирасига ҳозирги кунда дунё мусиқа амалиётида кенг тарқалган ва қўлланилаётган “**Финал**” (“*Finale*”) ҳамда “**Сибелиус**” (“*Sibelius*”) нота матн мухаррири дастурининг 1 – 6 версияларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу компьютер дастурлари замонавий мусиқа амалиётини унинг назарий асосларига таянган ҳолда амалий тарзда акс эттириш имконига эгадир.


Жумладан, “*Sibelius 4*” нота матн мұхаррири дастури воситасида:

- нота йўлига нотани ёзиш;
- уни таҳрир қилиш;
- тинглаш жараёнида қайси нота ижро этилаётганлигини реал тарзда кузатиб бориш;
- мусиқа асарини бошқа тоналликка транспозиция қилиш;
- мусиқа асарини олдинги тоналлигига қайтариш;
- маълум нота матнини нусхалаш;
- тингланган мусиқа асарининг нотасини автоматик тарзда экранда намойиш этиш ва зарур бўлганда қоғозда босиб чиқариш ҳамда бошқа кўпгина операцияларни бажариш мумкин.


Дастурни ишга туширишда дастлаб экранда барча вазифалар аниқ кўрсатилади. Шунда улардан бири танланади, масалан, агар тайёр материал олинадиган бўлса, унда чап томон юқоридаги биринчи ёзув белгиланиб, *OK* белгиси босилади (3-расмга қаралсин).




Агар янги бет очиб нота ёзиш талаб этилса, чап томондаги юқоридан пастга томон учинчи қатордаги ёзув белгиланади ва *OK* белгиси босилади. Нота ёзиш учун нота йўли акс эттирилган саҳифа очилгач тоналлик белгиланади масалан, до мажор. Ушбу белгиланган вазифалар дарҳол нота матнида ўз ўрнида пайдо бўлади ва талаба онгига маълум дастлабки назарий билимлар акс этишига имкон яратади. Бу эса айнан мақомлар мусиқасига қизиқкан, иктидорли талабаларнинг фан бўйича назарий билимлари мустаҳкамланиши баробарида уларда тафаккур ва идрок билиш жараёни юксалишига, амалий кўникмалар шаклланишига шарт-шароитни кенгайтириб, мусиқий билим олишга нисбатан эҳтиёж ва мотивацияни кучайтиради.



Сүнгра ўлчов қўйилади, масалан **4/4**.



Нихоят, махсус экран кўрсаткичи (ёрдамчи клавиатура) воситасида нота матни нота йўлига бирин-кетин жойлаштирилади.



Бундан ташқари, талаба ўзи учун муҳим бўлган мусиқа парчасини ушбу дастур орқали компьютерда ёзиб, ўз ижросидаги хатони кўриши ва тузатиши, уни махсус дастурли синтезаторда ижро эттириб тинглаши ва ўз фаолиятини баҳолаши, турли жанр ва услубларга хос бўлган асарларни ёки уларнинг парчасини таҳлилий тинглаши ҳамда асар борасида маълум хулосаларга келиши мумкин. Бу эса талабалар билан ишлашда юқори натижаларга эришишда муҳим омил бўлади.

## Хулосалар ва таклифлар

1. Кейинги йилларда мусиқа таълими йўналиши талабаларида маънавий юксалиш яққол кўзга ташланмоқда. Бунинг замирида ўзбек халқининг миллий ва тарихий маданий тараққиёти, юқори даражадаги маънавияти, миллий қадриятларимиз, мусиқага нисбатан шаклланган юксак хурмат-эҳтиром ва гўзал анъаналарнинг таъсири бор.

2. Мусиқа ижроилигида талабанинг ўзи предмет фаолияти, яъни субъект эмас, балки объект сифатида иштирок этади. Демак, фақат бошқа кишилар (профессор-ўқитувчи, мураббий, мусиқа раҳбари, ўртоқлари) эмас, ўзи учун ҳам тадқиқот объекти ҳисобланади.

3. Талабаларда тафаккур ва идрок шаклланишини тарбиялашда уни жисмоний ва психолигик жиҳатдан тайёрлашни йўлга қўйиш вазифаларини тўғри ҳал этиш зарур.

4. Анъанавий қўшиқчилик ва мусиқа тарихи машғулотларида Шарқ алломаларининг мумтоз мусиқаси ва унинг тарихий тараққиёти босқичлари борасидаги фикр, ғоя ва қарашларидан кенг фойдаланиш - талаба-ёшларнинг умумий касбий ўсиши, камолотга эришуви ҳамда миллий маданий меросимизга ижобий муносабати шаклланиши учун кенг имконият яратади.

5. Мумтоз мусиқани тинглаш ва куйлаш бакалаврдан жисмоний ва психолигик кучланишни талаб қиласидиган фаолият соҳасидир.

6. Мусиқа ижроилиги фаолиятининг якуний натижасини бакалавр онгига мусиқа борасида шаклланган фикр ва тасаввурлар, қолаверса, мусиқа ижроилиги кўрик-танловлари, концертлар ташкил этади. Ушбу жамоавий бадиий фаолият турлари талабаларнинг ҳар томонлама такомиллашган, баркамол, ақлан етуқ бўлиб етишишларига ёрдам беради.

Айниқса, мусиқани чуқур ва пухта ўзлаштириш талабаларнинг тафаккур ва идрокини такомиллаштириши ҳамда уларда касбий етукликтни таъминлашда юқори натижаларга олиб келиши муқаррар.

### **Тадқиқот натижасида олинган илмий амалий тавсиялар**

Олиб борилган мазкур илмий тадқиқот натижаси асосида кузатиш ва ўрганишлардан келиб чиқиб, қуидаги илмий хulosалар баён этилади:

- Талабаларга мусиқа мусиқаси ҳақида маълумот беришда ўтмиш алломаларимизнинг мусиқа ҳамда унинг инсон руҳиятига ижобий таъсири борасида маълумотлар беришни босқичма-босқич амалга ошириб бориш;
- Талабаларда мумтоз мусиқани ўрганиш билан боғлиқ учрайдиган обьектив ва субъектив қийинчиликларни бартараф этиш;
- Мунтазам амалга ошириладиган мусиқа шўйбалари ижроси жараёнида иродавий чиниқиши тарбиялаш;

- Олий таълим муассасаларининг мусиқа таълими йўналишида “Мақом асослари”, “Анъанавий хонандалик” ва “Мусиқа тарихи”, “Ўзбек халқ мусиқа ижоди” каби фанларини ўқитиш сифатини замонавий мультимедия воситалари ёрдамида амалга ошириш;
- олий ўқув юртлари бакалаврлари ўртасида мусиқа ижрочилиги бўйича кўрик - танловлар сонини кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатига эътиборни қаратиш;
- педагогика олий ўқув юртларида мумтоз мусиқаси бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориш, яъни таниқли, эл севган хонанда ва созандалар, бастакорлар, мақомдан устозлар билан суҳбат ва кечаларни мунтазам ташкил қилиш;
- Педагогика олий ўқув юртлари кафедраларининг профессор - ўқитувчилари томонидан ота-оналар ва талабалар ўртасида мумтоз мусиқаси ва унинг инсон камолотида тутган ўрни мавзусига оид суҳбат, дебат, мунозара ва диспутлар ташкил қилиш;
- Олий ўқув юрти талабалари учун профессор-ўқитувчилар томонидан мусиқа бўйича суҳбат, маъруза-концертлар, кўргазмали чиқишлиар ташкил қилиш ва ўтказиш;

Юқоридаги илмий-услубий ва ташкилий тадбирлар маълум меъёр, мавжуд талаблар доирасида бажарилса, бакалаврларда мусиқий тафаккур ва идрокни шакллантириш имкониятлари янада кенгаяди.

### **Назорат саволлари:**

1. Узлуксиз таълим тизимида мусиқий фанларини ўқитиша инновацияларни айтиб беринг.
2. Миллий созларимизнинг пайдо бўлиш тарихини айтиб беринг.
3. Талабаларнинг мусиқий тафаккури ва идрокини юксалтиришнинг ахборот технолгиялари восита сифатида эканлигига изоҳ беринг.
4. “Финал” (“Finale”) ҳамда “Сибелиус” (“Sibelius”) нота матн мухаррири дастурининг 1 – 6 версиялари ҳақида гапириб беринг.
5. “Sibelius 4” нота матн мухаррири ҳақида гапириб беринг.
6. Анъанавий қўшиқчилик ва мусиқа тарихи машғулотларида Шарқ алломаларининг мумтоз мусиқаси ва унинг тарихий тараққиёти босқичлари борасидаги фикр, ғоя ва қарашларини айтиб беринг.
7. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принципларини санаб беринг.
8. Узлуксиз таълим соҳасидаги ислоҳотлар нималарни назарда тутади.
9. Узлуксиз таълим тизими ва турларини санаб беринг.

10. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини айтиб беринг.

### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Музыкальная психология: Учебное пособие. / автор сост. Кадиров Р.Г., -Т. Музыка, 2005. -80 с.
2. Д.Соипова Мусиқа ўқитиш назарияси ва методикаси. Ўқув қўлланма. -Т. 2009 ЎзДК.
3. С.Бегматов, Д.А.Каримова Қ.МАмиров -Т. Фофур Гулом нашриёти, 2008 й.

**4-мавзу: Ўзбек мусиқа мероси қатламлари, халқ мусиқаси, оғзаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти, мақом санъати, уларнинг қадими тарихи ва фалсафий илдизлари.**

### **Режа:**

1.Илк мусиқий тафаккур, мусиқий-назарий мероснинг шаклланиш жараёнлари, Халақ мусиқа анъаналари, оғизаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти.

2.Ўн икки мақом тизиди, шашмақом, Фарғона-Тошкент чор мақоми, Хоразм мақмолари, достон ва суворалар.

3.Ўзбек халқ чолғуларининг келиб чиқиши тарихи, шаклланиш жараёнлари, таснифи ва такмоиллашув жараёнлари.

**Таянч тушунчалар: Ўзбек халқ чолғулари, халқ чолғу асбоблари, мусиқа чолғулари асбоблари, “Наврӯз”, “Лола сайли”, “Хосил байрами”, “«Қовун сайли”, “Узум сайли” каби мавсумий байрамлар.**

**1.Илк мусиқий тафаккур, мусиқий-назарий мероснинг шаклланиш жараёнлари, Халақ мусиқа анъаналари, оғизаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти.**

Кушон хонлиги Марказий Осиё халқлари тарихида массагет қабилаларига мансуб тоҳар сулоласидан бирининг номи билан аталган. Хитой манбаларида ёзилишибча, Даҳя, яъни Бақтрияга кўчиб ўтган массагет (юечжи)лар бешта вассал ҳокимликка бўлинган бўлиб, улардан бири Гуйшуан деб номланган.

Гуйшуан сўзи «кушон» атамасининг хитойча транскрипцияси бўлиб, у ўша давр ёдгорликлари ҳисобланган тангалардаги ёзувлардан маолумdir. Марказий Осиёнинг жануби ва шимолий Афғонистондаги археологик

тадқиқотлар Юнон-Бақтрия ва Кушон-Бақтрия маданияти гуллаб яшнаганидан дарак беради. Дастребки ёдгорликлар Айритом ва Кўхна Термезда ўтган асрнинг 30-йилларида очилиб, 60-йилларида давом эттирилган. Кейинчалик кўхна Термез яқинидаги қоратепа буддийлик ибодатхонаси, Фаёзтепа, Холчаён ва Далварзинтепа каби кўхна шаҳарчалар очилиб, ниҳоят даражада юксак бўлган кушон маданияти бутун дунёга машҳур бўлади.

Кушон давлатига расман асос солган ҳукмдор Кужула Кадфиз 4та қабилани ўзига бўйсундирди ва уни Кушон беклиги деб эолон қилди. Бу давлатнинг дастлабки ҳукмдори 30 йил подшолик қилди.

Кушон хонларининг энг машҳури Канишка ҳисобланади. У (78-123) ҳукмронлик қилган даврда Кушон давлати жуда қудратли давлатга айланиб, замонасининг буюк давлатлари Рим, Парфия ва Хитой билан бир қаторда турарди. Ҳукмдор давлат пойтахтини ҳам Далварзинтепадан Пешаворга кўчиради. Канишка ҳукмронлигининг охирги йилларида Кушон давлати жуда катта ҳудудни ўз ичига олган. Унинг чегараси Фарбда Орол ва Каспий денгиз бўйларигача, жанубда Ҳинд дарёсининг қуи оқимигача, Шарқда эса Синоцзяннинг Хўтан шаҳридан Ганг бўйларидаги Банорасгача чўзилган.

Будда динига қаттиқ эътиқод қилган подшо ўз давлатида мазкур динни расмий равишда давлат дини сифатида эълон қилади. Марказий Осиё ҳалқлари ҳаётида бу даврда катта силжишлар бўлди. Яни, жуда ҳам улкан марказлашган давлат вужудга келди, шаҳарлар сони кўпайди, савдо-сотик алоқалари ҳалқаро даражага кўтарили; жонли савдо ҳаёти ва колонизацион фаолият, саводни ва ёзув (хат)ни кенг тарқалишига имкон яратди. ИИ асрга тааллуқли машҳур «сўғд ёзув»даги намуна айнан Дунхуан (Шарқий Туркистон)дан топилган бўлиб, у Самарқандда истиқомат қилувчи онанинг Друан (Дунхуан)да яшовчи қизига йўллаган хатида яққол исботини топган. Бу хат ўша давр Марказий Осиё ҳалқларининг юқори даражадаги маданий ҳаёти, жумладан, аёлларнинг саводлилиги ва мустақиллигидан далолат беради. Бу даврда кушон ёзуви ҳам пайдо бўлиб, у юонон алифбосига асосланган эди. Мазкур ёзувни ўша даврнинг тангалари, муҳрлари ва турли буюмларида учратиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бир неча ёзув тизимининг мавжуд бўлгани (оромий, суғдий, хоразмий, юнон, кушон) – Кушон хонлиги таркибиға киравчи ҳалқларнинг юксак даражадаги маданиятининг яна бир карра исботидир.

Кушон салтанати умуман қадимги Марказий Осиёнинг иқтисодиёти, маданияти ва санъати гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Бу даврда ҳалқаро савдо-сотик кенг ривожланган, янги шаҳарлар барпо бўлган. Аммо энди жараён эллинистик йўналишда эмас эди. Яъни, маданият ва саноат

шарқий, эллинистик, хинд ва кўчманчилар анъанасининг синтезидан ташкил топган янги кушон йўналишига асосланди. Бу даврдан қолган кўплаб меоморий обидалар ва ҳайкаллар Шимолий Ҳиндистонда, қобулнинг водий туманларида, Бақтрияда, Амударёнинг шимолий ва жанубий қирғоқларида сақланган.

Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги маданий алоқалар, мелоддан аввалги III асрда хинд императори Ашок томонидан буддизм давлат дини сифатида тасдиқлангандан сўнг янада кучайди.

Умуман Кушон маданияти қадимий томирга эга жойларда, янги омиллар, янги одамлар таосирида ривожланган, Юнон-Бақтрия хонлиги маданиятининг давомчиси ҳисобланади. Шуни ҳам айтиш керакки, ўз навбатида кушон саноати бошқа халқлар маданияти билан узвий боғланган ҳолда, улар, хусусан Ҳиндистон маданиятида ўзи ҳам чуқур из қолдирди (Таксила ва Матура ёдгорликлари); шунингдек, Шарқий Туркистонда Кучи ва Каравара фреска ва ҳайкаллари; алания муҳити орқали таосир этилган Шарқий Эвропа маданий ёдгорликлари сўзимизга ёрқин далил бўлиши мумкин.

1932 йили қадимшунослар томонидан олиб борилган археологик қазилмалар жараёнида Терmez яқинидаги эрамизнинг I-II асрларига мансуб Айритом шаҳарчасидан ибодатхонанинг ташқи девор пештоқларига ўрнатилган, сарғиш оқтошдан ишланган ҳайкаллар топилган эди. Тошга ўйиб ишланган, белига акаиф япроқлари боғлаган 14 та одам қиёфаси туширилган бу пештоқда мусиқачи ва гирляндачилар тасвиранланган. Бундай манзара антик давр Ўрта Шарқ тасвирий саноатида жуда кенг тарқалган. Пештоқ тўлиқ сақланмаган, фақатгина 8 та бўлаги топилган ҳолос. Шунингдек, айрим қиёфалар ўз шаклини йўқотган бўлиб, улар мусиқачими, гирляндачими ажратиб олиш қийин. Мусиқачилар сони 5 та эканлиги аниқ бўлиб, қолган 3 та қиёфани аниқлаш мушкул. Шунинг учун мана шу 5 та мусиқачи қиёфаси нисбатан батафсил ўрганилган. Аммо қадимий бу квинтет (бешлик)ни тўлиқ таркиб, дея аниқ айтиш қийин.

Айритом пештоқида тасвиранланган оркестрнинг 2 та торли мусиқа чолғуси - кичик бурчакли, тўққиз торли (балки ўн уч торлидир) арфа ва тўрт торли дўмбира, шунингдек, битта қуш авлос ва 2 та зарбли чолғу - ногора (барабан) векимвалсимон асбоб. Бу эрда қатоий ансамбло услуби сақланганлиги шубҳасиз, яъни, чолғуларнинг барча асосий (торли, дамли, зарбли) гуруҳларидан фойдаланилган. Шуни ҳам айтиш жоизки, ҳар бир гуруҳда бир-бирини ўзаро тўлдирувчи ва мураккаб, жозибали охангларни таратувчи турли хил чолғулар жамланган. Шунингдек, зарбли чолғуларнинг

ҳам ҳар хили ишлатилганлиги эътиборлидир. Афтидан бу гирляндалар билан боғлик бўлиб, ҳаракат, юришни англатган.

Гирляндалар – шунчаки безак бўлмай, балки бутун композициянинг маълум маъносини англатади. Яъни, гирляндачилар мусиқий чолғулар садоси остида одимлаганлар. Ва афтидан бу юришларда рақс унсурлари ҳам кўлланган. Бундай тантанани бошқариш ҳаракатини тартиблаштириш учун эса бир қатор қўл билан ижро этилувчи, шаклан унча катта бўлмаган зарбли асбоблар керак бўлган. Мана шундай мусиқа садолари остида гирляндалар билан юриш анъанаси Айритом пештоқларида ўз ифодасини топган.

## **2. Халқ мусиқа анъаналари, оғизаки анъанадаги қасбий мусиқа, достончилик ижодиёти.**

Халқимизнинг истиқлолга эришиш муносабати билан азалий қадрятларимизни тиклаш, ўз тарихимизни, миллий урф-одат ва анъаналаримизни, маънавий ва шу жумладан, бадиий меросимизни атрофлича ўрганиш ҳамда ундан баҳрамад бўлиш имконияти вужудга келди.

Ўзбек халқининг мусиқа мероси жуда бой ва қадими тарихга эга. Унинг ажойиб анъаналари ҳозирги кунда ҳам ўз бадиий ва эстетик қийматини сақлаб келмоқда. Бу анъаналар замонавий ўзбек мусиқа маданиятининг ажралмас қисмини ташкил қиласди.

Қадим – қадим замонлардан она-заминимиз ўзининг бой маънавий мероси, юксак маданияти, урф-одат, маросим ва анъаналари билан жаҳон цивилизациясида муносиб ўрин эгаллаган. Бу ўлка халқларининг буюк сиймолари дунё илм–фани ва маданиятининг барча соҳалари ривожига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшиб келганлар.

“Ватанимиз”, деган эди И.А.Каримов, - башарият тафаккур хазинасига унутилмас хисса қўшиб келди. Асрлар мобойнида халқимизнинг юксак маънавият, ватанпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу – фазилатлар шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди ва ўз навбатида фалсафий, ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди. Шуни алоҳида таъкидлаш жойизки, ўзбек халқининг тарихий тараққиёти даврида моддий ва маънавий маъданияти бар текис равишда ривожланмади. Унда уйғониш ва юксалиш билан бирга депсиниш, турғунлик ҳолатлари ҳам бўлиб турди.

Маълумки, Марказий Осиё халқлари ўтган узоқ тарихий давр мобойнида кўплаб истилочилар томонидан забт этилган. Улар ерли аҳолини бой миллий маданиятидан бегоналаштириш сиёсатини олиб борганлар. Шунга қарамай халқимиз ўз миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори ва маънавий дунёсини асрраб қолган ва уни бойитиб борган.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганч, маънавий-маданий ҳаётимизда туб ўзгаришлар яратиш учун кенг имкониятлар вужудга келди. “Маънавият тақдирининг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбida камол топиши учун у қалбан ва вижданан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди. Унинг қарашлари шунчалиу бойлик ортириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди. Фожеалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчиликлар кунларида иродани мустахкамлайди”, - деган эди юртбошимиз И.А.Каримов.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз Президенти раҳбарлигида маданият ва санъат ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки миллатнинг ўтмиш ва келажак олдидаги масъулияти унинг маънавиятига алоҳида эътибор беришни тақозо этади. Асосий мақсад – ўтмиш маданий, маънавий меросимизни чуқур ўрганиш, уни кенг оммалаштириш, шу қадриятлар воситасида комил инсонларни тарбиялаб, вояга етказиш, пировардида уларни келажак авлодларга бус-бутун етказишдан иборатdir.

Миллий маданият, маънавиятимизнинг чуқур ўрганишда қўшиқчилик санъати ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Миллий қўшиқчилик санъатимиз тарихи, унинг анъанавий қирраларини ўрганиш, ижро усулларининг ранг-баранглигини таҳлил этиш муҳим аҳамият қасб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мусиқа санъати тўғрисидаги қарор ва фармонларида миллий анъанавий мусиқа санъатини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Фармонларда кўзда тутилган энг асосий мақсад – мусиқа санъати ютуқларини янада мустахкамлаш ва ривожлантириш, ушбу соҳа ижодий ходимларининг меҳнатини янада рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоялашни назарда тутишдан иборат эди. Шу фармондан келиб чиқиб, республика қўшиқчилик, мусиқа маданиятини янада юксалтиришнинг тегишли чора-тадбирлари белгиланиб, шу асосда қўпгина ижодий ишларни амалга оширилмоқда.

Бу йўлдаги харакатлар, айниқса, “Ўзбекистон – ватаним маним”, “Шарқ тароналари” (Халқаро кўрик танлови), “Ниҳол” номидаги Давлат мукофоти ва бошқа қатор кўрик танловларда ўз аксини топди. Бундай кўрик танловлар мамлакатимизда янги санъат дасталарини элиминизга манзур бўлган янги хушвот хонандаларни, миллий қўшиқчилик анъаналаримизнинг турли қирраларини ўз ижодларига асос қилиб олган санъат ижодкорларини этиштириб чиқармоқда.

Юқорида зикр этилган чора-тадбирларнинг республика телевиденияси, радиоси ижодкорлари томонидан муттасил ўтказилиб борилаётганлиги

республика хукуматининг қўшиқчилик, мусиқа соҳасида олиб бораётган событқадам ишларидан ҳисобланади.

Ўзбек мусиқа санъатининг тарихий илдизлари узоқ мозийдан бошланади. Уни чуқур ўрганиш эса машаққатли меҳнат, изчил изланишларни талаб қиласди. Бу соҳада республикамизнинг талайгина илмий тадқиқот масканларида, ўқув юртларида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Умумтаълим мактабларида мусиқа дарсларида ўқувчилар ҳалқимизнинг кўп асрлик мусиқий анъаналарини миллий қадриятларимиз қаторида ўрганишлари ва айни чоғда бу анъаналарни миллий қадриятларимиз қаторида эъзозлашлари зарур. Чунки мазкур битирув малакавий ишда биз ўзбек ҳалқининг узок ўтмишидан буён ижод этиб, турли вазият ва даврларда куйлаб келинаётган қўшиқ ва яллаларни, меҳнат айтим ва лапарларни, достонлари ва катта ашулаларини, чолғу созларини яқиндан ўрганамиз, улардан маънавий баҳра оламиз. Шу билан бирга, диёrimизнинг турли худудларида юзага келган маҳаллий мусиқий анъаналар билан атрофлича танишиш имконини беради. Масалан, айтайлик, биз Наманганд вилоятида яшаётган бўлсак, шу жойга тааллуқли ҳалқ мусиқа ижодини ўрганиш билан бирга яна Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм каби воҳаларда яшаб келаётган аҳолининг мусиқа ижодида намуналар кўриб, қўшиқлари билан танишамиз. Шу тариқа ҳалқимизнинг хилма – хил ва ранг – баранг қўшиқ – куйларидан баҳраманд бўламиз.

“Ўзбек мусиқаси” ибораси кенг мазмунли тушунча бўлиб, у жумладан, ўз ичига миллий мусиқамизнинг икки асосий қатламининг – ҳалқ мусиқаси ва устоз – санъаткорлар ижоди бўлган касбий мусиқа соҳаларини ҳамда бастакорлик ва компазиторлик каби замонавий мусиқа ижодиёти тармоқларининг қамраб олади. Шунингдек, “Ўзбек мусиқаси” мазмунида яна асосий бўлган тўртта маҳаллий мусиқий услублар ҳам тушунилиб, улар эса қуидагича номланади:

1. Сурхондарё-Қашқадарё мусиқа услуби.
2. Бухоро - Самарқанд мусиқа услуби.
3. Хоразм мусиқа услуби.
4. Фарғона - Тошкент мусиқа услуби.

Ҳар бир маҳаллий мусиқий услуб ўз хусусияти ва анъаналарига эга. Бу анъаналар эса узоқ вақтлар мобойнида шаклланган бўлиб, улар ҳалқимизнинг турли шароитларидаги турмуш тарзи, меҳнат машғулотлари, турфа маросимлари, урф-одат байрамлари ва бошқа шу каби жараёнлар билан узвий боғланиб кетади. Ушбу жиҳатларни батафсил ўрганиш мақсадида юқорида кўрсатиб ўтилган тўртта асосий маҳаллий мусиқий услубларни алоҳида – алоҳида баён этилади. Демак, ўзбек ҳалқ мусиқасининг маҳаллий услублари

ва уларнинг мусиқа маданиятида тутган ўрни аҳамияти, моҳияти ва хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Иккинчи бобда эса ҳар бир жойнинг маҳаллий услубларига мукаммал тавсифлар берамиз. Сўнгра билдирилган фикр-мулоҳазаларимизни якунлар, шу асосда хулоса ҳамда таклифларимизни тақдим қиласиз.

Ўзбек халқ мусиқасининг маҳаллий услубларини ўрганишдан асосий мақсад ўқувчиларни анъаналарга бой ва бадиий етук халқ мусиқа ижоди намуналаридан баҳраманд этиш ҳамда шу асосда уларда ўткир дид, юқори бадиий савия ва нафис туйғуларни шакллантиришдан иборат. Айни вақтда, кўп асрлар давомида яшаб келган авлод – аждодларимиз маънавиятининг, баркамол руҳиятининг садолардаги интихоси бўлганмиллий куй, қўшиқларимиз ёш авлод қалбидан ўрин оларкан, уларни ўз ватанига, халқига садоқатли ва меҳр муруватли бўлишга, азалий қадриятларимиз ва ўзига хос беиакрор анъаналаримизни эзозлашга, она – юрт меросининг бугунги кундаги хақиқий ворслари бўлишга, демак, миллий истиқлолият заруратини теран ҳис этишга дават этади.

### **1. Маҳаллий услублар ва уларнинг моҳияти.**

Ўзбек халқи ўзига хос ва ранг-баранг мусиқа меросига эга. Унинг қимматли намуналарини тўплаб сақлаш, нотага олиб хужжатлаштириш, узун тараққиёт йўлини ҳамда мураккаб илмий-назарий асосларини ўрганиш, шунингдек, уни амалий-ижодий ўзлаштириш борасида республикамиизда шунга қадар самарали натижаларга эришилди.

Буюк истиқлолнинг синовли давонларидан ўтишда, мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ислоҳотлар ўтказилаётган бир паллада жамиятимизда миллий маданият ва санъат, маънавият ва маърифат каби инсонпарвар ҳамда тараққиётпарвар омилларга алоҳида диққат эътибор берилмоқда. Бу ўринда амалий бебаҳо қадриятларимизни, халқчил удум ва анъаналаримизни тобора тўлароқ тиклаш, тарихий – маданий ёдгорликларимизни шу жумладан мусиқий меросимизни муфассал ўргана бориш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Уни ёш авлодлар томонидан илмий ҳамда амалий жиҳатдан пухта ўзлаштириш учун сўнги йилларда барча зарурий шарт – шароитлар юзага келтирилганини эътироф этиш лозим.

Кўзланган эзгу мақсадларга эришиш учун республикасизнинг маданият ва санъат ўкув юртларида, шунингдек, халқ таълими тизимиға кирувчи гуманитар йўналишдаги олий ва ўрта ўкув юртларида ўзбек мусиқа ижодиётининг барча қатламларини – росмана халқ мусиқаси, мақомчилик, достончилик, ўтмиш ва замонавий бастакорлик, компазиторлик, бадиий ҳаваскорлик, эстрада санъатини қамраб оловчи қатор махсус ўкув фанлар жорий этилди. Ўз навбатида, уларни мукаммал дастур, дарслик ва ўкув

қўлланмалар билан таъминлаш – ҳозирги кунда мутахассисларимиз олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбек халқ мусиқасининг маҳаллий услублари, мусиқий меросимизнинг анъанавий – касбий қатламига мансуб жанрлардан ашула, катта ашула, сувора куй, достон, мақом ва унинг турларини, воҳанинг ўзига хос чолғу созларини ўрганилиши билан боғлиқ бир қатор жиҳатлари борки, улар асносида ўзбек халқ мусиқа ижодиёти юзасидан батафсил маълумотлрга эга бўлишимиз мумкин.

Адабиётшунослик, санъатшунослик соҳаларида хусусан, мавжуд мусиқий адабиётларда услуг сўзи ҳар хил маъноларда қўлланиб турилиши маълум. Булардан бир ҳолларда унинг кенг, умумлашма, бошқаларда эса хийла тор, ёки кўчма маъно ва мазмунлари қайд қилинади. Таъкидлаш лозимки, услуг атамаси ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан турлича идрок этилсада, айни пайтда у ўзаро яқин, муштарактушунчаларни англатиши мумкин. Демак, бу масалага аввало ойдинлик киритиш зарур.

Услуб сўзи ёрдамида аввало бир мунча кенг, аникроғи – йиғма маънода жаҳон халқлари мусиқа санъатига хос умумий ёки муайян миңтақавий хусусиятлар табиати ифодаланади. Бунга, жумладан, шарқона мусиқий услуг, “Европача мусиқа услуби” каби иборалар яққол мисол бўла олади. Бошқа барча бадиий ижодиёт кўринишлари мисоли, мусиқада ҳам миллий ўзига хосликка айнан услуг атамаси ёрдамида қисқа ва лўнда тавсиф берилади.

Мусиқий асарларнинг ички тузилиш қонуниятлари бу масалада янада муҳимроқ аҳамият касб этади. Яъни, асосий воситаларнинг ўзаро муносабатларини мезонлардан у ёки бу услуг аниқланади. Хусусан, “бир овозли” ёки “манодан”, “кўп овозли”, жумладан “гармоник”, “полифоник”, “гомфоник” номли услублар шулар тоифасига киради. Йирик ижодий йўналиш ва оқимлар. Масалан, “классицизм”, “романтизм”, “импересионизм”, “реализм” ва бошқалар ҳам услуг тушунчаси билан бевосита боғлиқдир.

Услуб сўзи яна бастакор, композитор, дирижёр, хонанда ва созандалар фаолиятини ижодий жиҳатдан чуқурроқ ёритиш мақсадида ишлатилади. Айниқса, у бирорта машхур санъаткорнинг ижодий қиёфасини, унинг фарқли, бетакрор чизги – қирраларини таҳлил ёки қиёс ила кўрсатишида баҳолиқудрат ҳизмат қиласиди. Шунингдек, “чолғу услуби”, “мақом услуби”, “ёввойи” ёки “патнисаки услуб”, “бадиқа услуби”, “замонавий услуб” сингари ранг – баранг маъноларни билдирувчи ҳолларни кундалик ўқув – назарий ва амалий истеъмолда тез – тез учраб туриши мумкин.

Мусиқий фолклоршунослик соҳасида услубга даҳлдор яна бир тушунча бор бўлиб, у бирор халқ, миллат ва элатга мансуб ижодиёт кўламида жойлардаги туб аҳолининг ўзгача бетакрор ижодий хусусият, удум ва анъаналарга диққатимизни жалб қиласди. Табиийки, “маҳаллий услублар” масаласини ўзбек халқ мусиқа ижодиёти мисолида, яъни унинг тарихий – назарий - амалий асосларига таянган ҳолда кўриб чиқиш ўқув фани олдига кўйилган мақсадларга мувофиқдир.

Ўзбек халқ мусиқасининг кўхна, ниҳоятда бой ва сержило анъаналари аввало унинг турфа ярим – маҳаллий услубларида ёрқин ва теран ўз ифодасини топади. Дарҳақиқат, айрим ҳолларда мусиқий – маҳаллий услубнинг тилшуносликдаги “шева”, “лаҳжа”, тушунчалари билан қиёс қилиниши ҳам бежиз эмас. Бироқ, адабиётшуносликдан фарқли ўлароқ, жами мавжуд “мусиқий шева”ларнинг муштарак сифатлари ўз навбатда “умуммиллий мусиқий услуб” сингари йигма тушунчани юзага келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, мусиқада услуб том маънода турли – туман, бир ҳисобда айрича тушунчалар дойрасини вужудга келтирсада, бунда деярли барча таркибий воситаларининг узвий боғлиқлигини, тизимийлигини назарда тутиш даркор. Худди шу боисдан ўзбек халқ мусиқа ижодиёти билан таниш, уни ўрганиш ҳамда амалий ўзлшатириш борасида услубнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта.

Кўлами кенг, серқатлам мусиқа меросимизни ташкил этувчи хилма – хил кўхна намуналариниnota ёзувига тушириб, тўплаб, ушбу йўналишда дастлабки илмий изланишлар билан шуғулланган бир қатор мутахассислар иш фаолиятида кузатилган услубий тафовутларга ўз вақтида алоҳида этибор берилган улар бу хақида илк бор қизикарли маълумотларни тўплаб, теран илмий мушоҳадалар юритгналар. Хусусан, эътироф этилганки, Ўзбекистон худудининг барча воҳаларида, кўшни Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистонда истиқомат қилувчи ўзбеклар орасида, шунингдек, айрим бошқа хорижий мамлакатларда азалдан туб ўзбек аҳолиси зич ҳолда яшаб келаётган ерларда “мусиқий шева”ларнинг кўринишлари ўзгача экан. Кузатилаётган бундай анча мураккаб этник, жуғрофий, сиёсий-ижтимоий, тарихий-маданий воқейлик тўлалигича қамраб олиш, унга мукаммал таърифу-тавсифлар бериш қийин масала, албатта буларнинг орасида ҳозирга қадар кўлами жиҳатидан бир мунча кенглиги, тарихан қадимийлиги, хусусиятлари бўйича беназир, бетакрорлиги билан асосан тўртта маҳаллий услуб тавсиф ила алоҳида-алоҳида ажратилган бўлиб, ўзбек мусиқашунослигига нисбатан атрофлича ўрганилган. Уларнинг ҳар бир муайян худуд номи билан, яъни Тошкент – Фарғона, Бухора – Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё – Қашқадарё маҳаллий услублари, - деб юритилади.

Юқорида таъкидланганидек, ўзбек халқ мусиқасининг тарихий ривожланишида мазкур маҳаллий услубларнинг келиб чиқиши жуда кўп нарсаларга боғлиқ бўлган. Шу жумладан, миллатимиз шаклланишининг тарихи узун жараёнида серурӯғ ва кўп қабилали туркий тили қадимий қавларнинг ўзаро бирикиб кетганлиги, халқ ҳаётининг узоқ – яқин ўтмишда рўй берган оламшумул аҳамиятга молик катта ижтимоий – сиёсий воқейликлар (масалан, ҳозирги Ўзбекистон воҳаларининг давлатчилик нуқтайи назаридан қадимги замон ва ўрта асрларда бир қатор катта - кичик подшоликлар, салтанатлар, амирлик ва хонликларга кирган ёки ичидан бўлинib кетган), ерли аҳолининг турмуш тарзи, қишлоқ ва шаҳар маданиятининг ўзаро ўзгариб турган мувозанатлари, дехқончилик, чорвачилик, касб-хунармандчиликнинг ўрни, иқтисодий ҳамда ички – ташқи савдо – сотиқ ишларининг ривожланиши даражаси, бошқа миллат ва элатлар билан ўрнатилган иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий алоқалари, яқин қўни – қўшиничиликнинг ўзаро таъсири аҳамиятлидир.

Ўзига хос маҳаллий хусусиятлар маросим – майший мусиқасида ҳам, номаросим куй – қўшиқчиликда ҳам, бастакорлик ва достончилик ижодкорлигига ҳам, ашула ва чолғу ижодкорлигига ҳам бевосита намоён бўлади. Анъанавий услублар заминида битилган ҳозирги замон асарларида ҳам бу хислатлар озми – кўпми, ҳамон намоён бўлиши мумкин.

Аждодларимиз томонидан яратилиб, асиrlар оша бизгача етиб келган мусиқа меросимизнинг бундай сифат кўрсаткичи ва фазилатлари ўзбек халқининг битмас – тугаммас, бепаён ижодий салоҳияти, юксак бадиий диди ва теран тафаккурларидан яққол далолат бериши табиийдир. Зеро, мозийдан шу кунга қадар маҳаллий санъат аҳли анъанавий ижодиётнинг шакл ва навларини тобора такомиллаштириб, унинг бадиий баркамол намуналарини авайлаб-асраб, янгидан-янги ижодкорлик сайът – ҳаракатлари или миллий – маънавий бойликларини доимо кўпайтира борганлар. Санъаткорлар халқнинг орзу-умидларини, севинча ва ҳайратларини, қувонч ва қайгуларини, жамики инсоний қалб эҳтиёжларини юксак мусиқий идрок билан тасвирлаб бериб, кишиларга ҳамиша руҳий – маънавий озуқа беришган. Улар мумтоз мусиқа орқали нафосат ва эзгулик олишга тингловчини ошно қилиш истагида бўлиб, ўлмас қадриятлар билан ҳамиша баҳраманд этиб келганлар.

Касбий мусиқа ижрочилиги соҳасида санъаткорлар устоз – шогирдлик анъанасини юзага келтириб, уни қадимдан бевосита қўллаган ҳолда фаолият кўрсатиб келишган. Ўзбекистон Марказий Осиёning турли воҳаларидаги таникли хонанда, созанда ва бастакорлар билан ўзаро яқин алоқаларда бўлишган. Уларнинг ўрта ва яқин шарққа, қолаверса бутун дунёга машҳур бўлган олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган мусиқий илм–фан

асосларидан тажрибали муаллимлар ёрдамида, кўплаб махсус назарий рисолалар орқали боҳабар бўлишгани маълумдир.

## **2. Ўзбек халқ мусиқаси маҳаллий услубларининг ўзига хос хусусиятлари.**

Тошкент – Фарғона маҳаллий – мусиқий услуби маълумки, ушбу катта худуднинг аксарият йирик шаҳар ва қишлоқларида аҳоли зич жойлашган. Воҳанинг анъанавий мусиқа ижодиёти умуммиллий ўзига хос маҳаллий, бошқа узоқ – яқин қўшни минтақалардагидан айrim фарқли хусусиятлари билан ҳам тавсифланади. Тузулиши жиҳатдан оддий, ихчам ҳажмли мавзу ва мазмун дойраси бўйича хилма – хил куй, қўшиқ ҳамда ашуласар бу худудда жуда кенг тарқалган. Жумладан, бу ўлкада бир қанча халқчил майший, маросим, шунингдек, эркин тарздаги чолғу ва айrim жанрлар қаторида аёллар қўшиқлари ҳам нихоятда машҳурдир. Мазкур минтақага хос бўлган яна кўплаб терма, болалар қўшиқлари, лапар, ялла, ашула, чолғу куй, бир қисмли ва туркумли мақом йўллари, кўпроқ чорвачиликка ихтисослашган қишлоқ жойларда эса достонлар ва яна катта ёки патнис (ёввойи) ашуласар асосий ўрин эгаллайди.

Фарғона вохаси – Тошкентнинг бастакорлар ижодкорлигига молик мисоллари эса ҳажман катталиги, тузулиши нисбатан мураккаблиги, баъзида услубан мутлоқ ноёблиги билан ажралиб туради. Табиийки, мусиқа ижрочилигининг касбий мезонлари ҳам юқори даражада. Бу ўринда айниқса катта ашула “миллий - маҳаллий” жараёнга ёрқин намуна бўла олади. Ўзбек миллий чолғуларидан эса дутор, танбур, сато, ғижжак, қашқар рубоби, чанг, най, қўшнай, сурнай, карнай, ногора, дойра, (чилдирма), чирманда кабилар жуда кўп қўлланиб келинган.

Фарғона–Тошкент мақоми намуналари ўзларининг халқчил, шинавандабон халқ ашуласалрига яқинлигидан далолат берувчи бир қатор хислатлар билан таърифланади. Ўзбек тингловчилари орасида машҳур бўлиб кетган сурнай мақом йўллари, “ёввойи” ёки “патнисаки” ашуласари, мумтоз чолғу куй ҳамда уларнинг ноёб ижрочилик санъати ҳам айнан шу худуднинг салоҳиятли мусиқа маданиятига хосдир.

Бухоро – Самарқанд маҳаллий – мусиқий услуби ўрта осиёning энг қадимий марказларидан бўлган Самарқанд ва Бухоронинг мусиқий – услубий хусусиятлари бир оз ўзгачадир. Жумладан, Зарафшон водийси худудида истиқомат қилувчи аҳоли мусиқа меросида фольклор ҳамда касбий ижодиёт қатламларининг шакл, жанр ва ички услублари бир-бириларидан кескинроқ ажралиб туриши кузатилди.

Асл маънодаги мусиқа санъати намояндалари – бастакорлар, ҳофиз ва созандалар. Мусиқа олимлари, улар қаторидан ўз вақтида саройда ҳизмат

қилғанлари, бутун ўлкамизда жуда катта обрў ва мавқега эга бўлганлар. Улар мумтоз ашула, куй, мақом ва бошқа ривожланган шаклларадаги мусиқа намуналарининг ижодкорлариридан. Хассос ижрочи ва билмдон назариётчиларидан бир қанчаси эса нафақат Ўзбекистон балки бутун Марказий Осиё, ислом шарқи бўлиб шухрат қозонгандар. Санъатчи Бир гуруҳ аёллардан ташкил топган “соз” номли ижодий гурухлар фаолияти шу воҳа маданиятнинг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Гуруҳ иштирокчилари маҳаллий – анъанавий мусиқа ҳамда жозибали рақсларнинг моҳир ижрочилари сифатида омма орасида кенг танилган. “созанд”ларнинг ижро бисоти асосан кичик шаклларда, турфа мазмундаги ўзбек ҳамда тожик миллий куй, қўшиқ ва рақслардан иборат. Ҳозирда ҳам жойларда бундай анъаналар яхши сақланган.

Самарқанд ва Бухоро вилоятларидағи қадимий шаҳар ҳамда қишлоқларда қўлланилган миллий чолғу турларининг сон жиҳатдан кўплиги ва ранг – баранглиги билан таърифланади. Бу ерларда соф чолғу мусиқасининг бойлиги, маросим ва номаросим маҳаллий куй – қўшиқларининг ўзига хослиги яққол кузатилади. Яъни ўзбек миллий санъати серқирра кўринишлари эга бўлиши қаторида ўзининг туб тамойиллари орқали яхлитлик ва муштарақликни номоён қиласи. Шунингдек, мазкур вилоятларга хос ўзбек мусиқа фольклорининг айрим жиҳатлари тожик халқ мусиқаси билан маълум даражада умумийликни ҳам хосил қиласи. Тарихий тақдирлари, урф-одатлари, маданияти ва санъати ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлмиш иккала қардош халқнинг ижодиётидаги муштарақ анъаналари маҳаллий аҳоли маънвий ҳаётида муҳим ўринлардан бирини эгаллади.

Бухоро аҳолиси ўртасида “мавриги” номли нодир жанр намуналари учраши, тожик тилида айтиладиган қадимги ва замонавий қўшиқларнинг тарқалганлигини айтиш мумкин. Шунингдек, ўзбек ҳамда форс – тожик халқ ва мумтоз шеърий намуналар билан узвий боғлиқ шашмақом туркимидағи устазона ашула йўллар бунга эга ёрқин мисол бўлиб хизмат қиласи.

Хоразм маҳаллий – мусиқий услуби. Хоразм мусиқа услуби, аввало, ўзининг ўта ёрқин тузи ва алоҳида жўшқинлиги ва жозибадорлиги билан ажralиб туради.

Тарихдан аёнки, Хоразм диёри ҳам қадимий ва ўрта аср даврларида бутун Марказий Осиё халқларининг катта маданий – мусиқий ўчоқлариридан бири бўлган. Кўхна Хоразмнинг ўзига хос маҳаллий удум ва анъаналари барча турмуш жабҳалариридан ўз аксини топганлигини ҳам эътироф этиш керак.

Бундай ўзгача химлатлар асосан ерли халқ мусиқасининг жанр таркибида, сувора, мақом йўллари, достончилик, халфачилик рақс куйларида

кузатилади. Шунингдек, бу мусиқанинг куй – оҳанглари ҳамда усуллари табиатида, мавжуд мусиқий чолғулари ва улардаги ижрочиликда сезиларли даражада ўз аксини топади.

Хусусан, Ўзбекистоннинг бошқа худудларида достон жанри кўпроқ шеърий бадиқали услугга мойилдир. Хоразмда эса достонлар мусиқий жиҳатдан ифодалироқ табиати, шаклан ривожланган ҳалқчил куй ва номалар билан фарқ қиласи. Узоқ ўтмишда қўбиз, кейинчалик дўмбира жўрлигига достонлар айтилгани маълум. Кейинги даврларда дутор, баъзида озарбайжон тори ёки таркибида асосан ғижжак, дутор, буламон ва дойрадан иборат ихчам анъанавий ансамбл иштирокида достон айтиш бу ерларда одат тусига кирган.

Хоразмда қўлланилган миллий мусиқа чолғулари ҳам айрим ўзгача хусусиятлари билан фарқланади. Жумладан, буламон, республикамизнинг фақат ушбу вилоятда ҳамда яқин қўшни худудларда тарқалган. Маҳаллий сурнайнинг ҳам ўзгачроқ тузулши ва янграши маълум. Тахминан XIX асрнинг иккинча ярмидан эътиборан то бугунги кунгача Хоразмда гармон сози кенг қўлланиб келинмоқда. “Халифа” номли аёллар ижодий гурухларининг ноёб ижро бисоти ҳам худди шу ўлка маҳаллий услубининг ўзига хос хусусиятли жиҳатлариданdir.

Кавказ ҳалқларининг “тор” энг машҳур мусиқа чолғуси XX асрнинг бошларида ўз имкониятлари бўйича ўзбек созандаларига жуда мақул келди. Бу жарангдор чолғу замонавий қўшиқ ва ашула ижрочилиги жўрлигига даставвал Хоразмда қўлланила бошлаган.

Яна бир қатор миллий мусиқа асбобларининг тузулишида, уларнинг анъанавий ижрочилик йўлларида ҳам ўзгача ҳолатга дуч келиш мумкин. Масалан, хоразмча дутор косахонасини ҳажми нисбатан кичгина, дастаси бироз ингичкароқ ва калтароқлиги билан Фарғона водийси ва Тошкентда расм бўлган анъанавий дутордан фарқ қиласи. Маҳаллий – анъанавий дутор ижрочилигининг касбий, жумладан соф чолғу ёки мақомга мос чалиш услублари ҳам муайян муштараклиги қаторида ўзаро бирмунча фарқланади.

Шу билан бирга таъкидлаш жазмки, Хоразм воҳасининг мусиқий услубида қорақалпоқ, туркман, айрим кавказ ҳалқлари, жумладан, озарбайжон ҳалқ мусиқаси билан муайян даражада яқинлик бор.

Сурхондарё – Қашқадарё маҳаллий – мусиқий услуби. Ўзбекистоннинг энг жанубида жойлашган икки вилоят Сурхондарё ва Қашқадарёда истиқомат қилувчи туб аҳолининг катта қисми, республикамизнинг бошқа қадимий ўлкаларидан фарқли ўлароқ, яқин ўтмишда ҳам асосан чорвачилик билан шуғулланишган. Турмуш шароитлари ҳам шунга мослашган эди. Аҳолининг фақат маолум қисмигина дехқончилик, боғбончилик ва ҳар хил ҳунармандчилик иши билан банд бўлишган. Шу боисдан асл маҳаллий

мусиқа фолклоридан кўпроқ терма (чўблама) ҳамда оммовий, жамоа қўшиқлари катта ўрин тутган. Булар қаторида дўмбира куйлари, чорвадорлар ҳаёти ва меҳнати билан боғлиқ бўлган майший мавзулардаги айтим ва куйлар етакчилик қилган. Қашқадарё ва Сурхондарё худудларида жойлашган шаҳар ва қишлоқларнинг. Мусиқа маданиятида касбий достончилик жуда қадимги даврлардан бери марказий ўрин тутиб кетган. Уларнинг ижодкору – баёнчилари ҳисобланиш “бахши” лар ҳамиша эл – юрт ардоғида бўлишган.

Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига қиёс қилганда ўтмишда мазкур ўлканинг ишлоқ жойларида амалда қўлланилган чолғу асблори нисбатан чегараланган эди. Бу ерларда асосан дўмбира, чўпон най, чангқобуз, дойра каби созларкенгроқ тарқалган.

Аммо Сурхондарё худудида ўтказилган археологик қазилмалар натижасида топилган мусиқа маданиятига оид бир қатор ашёвий далиллар (масалан, Айритом тоштахтаси, деворий суратлар, терракота хайкалчалари ва бошқалар) бу ўлкада йирик шаҳарларга хос санъатчилик анъаналари жуда қадимга даврларда шаклланганини исботлайди. Кўхна манбаларда машҳур (баъзи тахминларга кўра илоҳий) созандаларнинг рамзий қиёфалари, мукаммал шакллардаги шарқона торли, дамли ва зарбли чолғулар юксак маҳорат билан тасвирланган.

Алқисса, аждодларимиз, томонидан асрлар давомида яратилиб, замонлар оша бизгача етиб келган бой мусиқа меросимизнинг турфа, ноёб, услубан ўзига хос ва ўзига мос табиати – унинг жуда қадимиyllигидан, кучли ва битмас – туганмас салоҳият сарчашмаларидан далолат беради. Шунингдек, булар халқимизнинг ҳар қанча фахрланишга арзигулик улкан ва бебаҳо маданий – маънавий хазинасидир.

1. Маълум вазият айтимлари.
2. Оилавий мросим куй-қўшиқлари.
3. Мавсумий маросим айтимлари.
4. Меҳнат қўшиқлари

Мусиқашунос олимлар ўзбек халқ мусиқа ижоди намуналарини ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва бажараётган вазифаларига кўра қуидаги икки асосий гуруҳга тасниф этадилар:

- a) Ижро этилиши маълум шароит ва вазиятлар билан шартланган куй-қўшиқлар (оилавий, мавсумий, меҳнат, диний айтимлар);
- b) Исталган “вазият” ёки эркин мавзули куй – қўшиқлар (қўшиқ, терма, лапар, ялла).

Бунда биринчи гуруҳ мазмунини меҳнат жараёнига боғлиқ айтимлар, оилавий маросим, мавсумий маросим ва меҳнат қўшиқлари ташкил этса,

иккинчи гурух таркиби ўз ичига қўшиқ, терма, лапар, ялла, ашула каби айтимларни олади.

Шундай қилиб, Сурхондарё вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиёти маҳсулини илмий жиҳатдан тизимлаштириш масаласида мусиқашунос олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган ушбу таснифот пойдевор асос қилиб олинди. Шунга мувофиқ тадқиқ қилинаётган қўшиқлар икки йирик бўлимга ажратилиб, улардан бири “маълум вазият билан шартланган қўшиқлар (ёки қисқароқ қилиб “маълум вазият айтимлари”), иккинчиси эса “турли мавзули қўшиқлар” каби ибораларда тасниф этилади.

**Маълум вазият айтимлари.** Таснифимиздан жой олган ҳар бир айтим намунасида жамият тараққиётининг маълум босқичига хос ижтимоий ҳаёт, урф – одат, анъана, маънавий қараш ва қадриятлар ўта бадиий акс этган. Демак-ки, халқ қўшиқларида муайян муҳит инъикосини, турлича вазият ва шароитларга бевосита ёки билвосита боғлиқлигини кўрамиз. Бу каби ҳолатларни атрофлича англаш мақсадида таснифимизда қайд этилган ҳар иккала бўлимни алоҳида–алоҳида тасниф этиш мақсадга мувофиқдир. Халқ қўшиқлари кўпқатламли, пурмаъно, сержило, оҳанграбодир. Уларни тўлиқ тасаввур этишда авваламбор илмий тасниф услублари муҳим аҳамият касб этади.

**Оилавий маросим қўшиқлари** кўп асрлар давомида шаклланиб, турли даврда яшаб келган маҳаллий аҳоли руҳиятидан озиқланган ҳолда бизгача етиб келган. Маҳаллий халқнинг маданий турмушида муҳим аҳамиятга эга ижтимоий ва табиий ҳодисалар ўзига хос урф ҳамда турли маросим шаклида нишонланиб келинаётганлиги мутахассислар томонидан қайд этилган.

Шу ўринда энг аввало маросим атамаси ҳақида икки оғиз сўз. Мазкур атама аслида араб тилидаги “марсум” сўзидан истеъмолга кириб келган бўлиб, “чизилган”, “расм қилинган”, “одат бўлган” деган маъноларни англатади. “Маросим” сўзи, шунингдек, жамоатчилик иштирокида ўтказиладиган катта тадбир маъносини ҳам билдиради.

Маросим қўшиқларинининг келиб чиқиши, маҳаллий хусусиятлари, ижро шакли, мақсади ва вазифалари алоҳида тадбирларга боғлиқдир. Ана шундай тадбирларнинг аксарияти кўп ҳолларда оилавий шароитда нишонланган. Шунинг учун ҳам улар “оилавий маросим”лар деб аталади. Оилавий маросимларнинг энг зарур вазифалари қаторида авлодларни миллий қадрият, анъана ва кўркам одатлар асосида тарбиялашни қайд этиш мумкин. Бу ҳол ўз навбатида, мазкур вазият қўшиқларини ижро шаклига кўра қатор тур ва туркумларга ажратишни тақозо этади. Шунга кўра инсон умри давомида унга ҳамроҳлик қилиб келувчи оилавий маросимларни шартли

равиша етти турга ажратиш мумкин. Оилавий маросимларнинг юқори савияда ўтишида, албатта, уларда анъанавий ўрин тутган куй ва қўшиқларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Хоҳ у тўй маросими, хоҳ мотам маросими бўлсин – унда маълум кўринишлардаги оҳанг (айтим) ифода этилиши анъана тусини олган.

Оилавий маросим айтимлари (Алла, Бешик тўйи, Суннат тўйи, Мучал тўйи, Қиз кўриш маросими, Никоҳ тўйи қўшиқлари, Мотам маросими)

Мавсумий қўшиқлар (“Гап – гаштак”, ёзи қўшиқлари, наврӯз, сумалк, лола сайли, қовун сайли)

Мехнат қўшиқлари

1. Чорвадорлик қўшиқлари;
2. Дехқончилик қўшиқлари;
3. Ҳунармандлик қўшиқлари.

### **Назорат саволлари:**

1. Халқ мусиқа анъаналари, оғизаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиётини айтиб беринг.
2. Маҳаллий услублар ва уларнинг моҳиятини айтиб беринг.
3. Мусиқий асарларнинг ички тузилиш қонуниятларини нималарда кўришимиз мумкин.
4. Тошкент – Фарғона маҳаллий – мусиқий услубини айтиб беринг.
5. Бухоро – Самарқанд маҳаллий – мусиқий услубини айтиб беринг.
6. Хоразм маҳаллий – мусиқий услубини айтиб беринг.
7. Сурхондарё – Қашқадарё маҳаллий – мусиқий услубини айтиб беринг.
8. Оилавий мросим куй-қўшиқларига нималар киради.
9. Мавсумий маросим айтимларига нималар киради.
10. Мехнат қўшиқларини санаб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алимов Ф. Ўзбек халқ чолғу оркестри. -Тошкент, «Мусиқа», 2004.
2. Дадамухамедов А. Рубоб прима дарслиги. -Тошкент, 2004.
3. Эргашев F. Афғон рубоби дарслиги. -Тошкент, 2004.
4. Нурматов X. Қашқар рубоби. -Тошкент, 2003.
5. Тоиров М., Петросянц А. Мусиқа асбоблари - «Най». -Тошкент, 2002.
6. Одилов А., Лутфуллаев А. Мусиқа асбоблари – «Чанг». Тошкент, 2002
7. Қосимов Р. Мусиқа асбоблари – «Уд». -Тошкент, 2002.
8. Қосимов Р. Анъанавий танбур ижрочилиги. -Тошкент, 2002.

**Таянч тушунчалар:** Мақом, мақом санъати, ўн икки мақом тизими, шашмақом, Фарғона-Тошкент чор мақоми, Хоразм мақомлари, достон, суворалар, фольклоршунослик, бахши, достон..

## **2.Ўн икки мақом тизими, шашмақом, Фарғона-Тошкент чор мақоми, Хоразм мақомлари, достон ва суворалар.**

**1.Ўн икки мақом тизими, шашмақом.** Мақом санъати ўрганиш жараёни табийки “Мақом нима?” деган саволга жавоб ахтаришдан бошланади. Чунки ҳар қандай фан тараққиёти дастлабки таянч ахамиятга эга бўлган тушунчалар пойдеворига асосланади. Бинобарин, пойдевор тушунчаларининг аниқ ва равshan бўлиши – ижобий натижаларга эришишда муҳим омилдир.

Мақом атамаси ва санатни ташкил этишда бизнинг мусиқашунослигимиз катта ютуқларга эришилинди. Бу ўринда профессор А.Фитрат, санатшунослик фанлари доктори И.Р.Ражабов, Ф.М.Кароматов, Т.Б.Фофурбеков санатшунослик фанлари номзоди О.Р.Матёқубов, Р.Й.Юнусов, А.Ф.Назаров, атоқли олим, санъатшунослик фанлари доктори О.Иброҳимов ва бошқалар каби устоз-тадқиқотчилар олиб борган илмий фаолият самарали эканлигини ва мазкур тадқиқотни бажаришида пойдевор янлиғ муҳим ахамият касб этганлигини алоҳида такидалаш лозим.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, шўро даврида бажарилган аксарият илмий изланишлар мазмунида мақомлар масаласи доим ҳам шакл мазмун бирлигиде тадқиқ этимай, балки биринси галдаги диққат-этибор уларнинг шакл тузилиши қонуниятларни ёритишга қаратилган эди. Зеро мақомлар мазмунида исломий дунёқараш ва тасаввуфона ғоялар интиқосининг баён этилиш ниҳоятта қалтис оқибатли иш эди. Лекин айни вақтта ушбу масалаларга ойдинлик киритилмас экан, демак мақомлар хусусидаги тарифушарҳларимиз нотўлиқ бўлиб қолаверади. Негаки мақомларни ўрганиш бу, айни чоғда, барча ҳодисаларни тадқиқ этишда бўлгани каби, уларни шакл мазмуни кесмидан ўрганишни тақазо этади. Бинобарин, ушбу илмий ишимиздан кўзланган асосий мақсад ҳамма мақомлар шаклу-шамоилни имкион қадар муштарак ўрганишда иборатдир. Бу мақсадимиз эса, ўз навбатида мақомларни макон – замон нуқтаи назарида турли тарихий давр жараёнида ўрганиш каби муаммоли масала вазифаларни кўндаланг қўяди. Зотан” ҳар қандай мусиқий маданиятни нафақат моддий – акустик феномент тарзда, балки энг аввало ижтимоий тарихий ҳодиса сифатида тушунмоқ зарур”.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб биз мақомлар тарихини моҳияти жиҳатидан фарқли икки асосий йирик даврларга бўлдик. Уларнин шартли равишда қўйдагича номлар билан тафсифлаш мумкин:

**1-Исломгача бўлган давр ёки қадимги давр мусиқий анъаналари;**

**2-Исломий маданият ёки тасаввур анъаналари кесимида Мақом.**

Шуни айтиш лозимки, дастлабки ўринда кўрсатилган давни белгилашда бизнинг мусиқашунослик фанимизда гўё аксидек. Малум бўлган бир ҳолат асос этиб олинди. Уни мазмунини “Мақомларни келиб чиқиши негизлари узоқ тарихий даврларга бориб тақалади”, тарзида ифода этиш мумкин. Тадқиқотнинг биринчи боби, ”Қадимий куйлар ҳусусида” номли билимдан ўрин олган бу масалани маълум қадар ёритиб ўтишимизда ўзбек мусиқашунослиги қаторида яна замонавий этно мусиқашунослик илми эришган натижалари ҳам аҳамиятли бўлди. Бунда турли усувлардан кенг фойдаланилган ҳолда Шашмақом ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари намуналари ҳалқ мусиқа ижодига мансуб айтим-куйлар биласн қиёсланди. Бу ҳусусидаги изланишлар ҳосиласи эса мақомларнинг илдизлари қадимий эканлигига ишора этиши баробарида яна “Мақом” атамасининг мусиқа илми ва амалёти кўлланиши заруратини ҳам атрофлич идроклаш имконини беради. Шунга қўра бу атама мусиқашунослигимизда маолим бўлган “парда”, “тузук”, маълум пардалар уюшмаси ва б. тушунчалари билан бирга яна кўхна давр куй-оҳангларини янги тарихий шарт-шароитлар мухитида муаян йўсинда ривожлантириш, такомиллаштириш усули ҳам эди. Айни вақтда эса бу усул ҳалқимиз қабул этган ислом дини ва унинг заминида шакилланган тасаввуф талимоти ғояларининг ўзига ҳос ифодаси ҳам эди. Бу ҳақда илмий ишнинг биринчи бобига оид “Ўн икки мақом тизими” ва “Мақом” бўлимларида фикир юритилади иттифоқ, шунга алоҳида урғу бермоқ керакки, мазкур тадқиқотнинг ғоявий устунларидан бўлган ислом дини нисломий дунё қараш асосларига таянишимизда энг аввало муқаддас Қурону Карим ва Ҳадислар тўплами энг қимматли манбалардан бўлади. Шунингдек, мақом санатини тасаввуф кесими юзасидан тадқиқот этилиши жараёнида яна бир қатор маҳсус адабиётлар истифода этилди, уларни қўйдаги гурӯхларга тақсимлаш мумкин.

Диёrimизда чиқсан тасаввуф намоёндаларининг ижодий мерослари ҳамда уларнинг тариқатлари тавсифига доир бажарилган маҳсус тадқиқотлар;

Ўрта асрларда мусиқага оид ёзилган маҳсус расмлар;

“Тасаввуф ва мусиқа” мавзувига доир замонавий мусиқашуношлиқ илмида амалга оширилган мақолалар;

Тасаввуф ва ижод мавзуйига оид бадиий адабиёт, меморчилик, миниатюра каби санъат турларини ўрганишга бағишлиңган тадқиқотлар. Шу аснода жамланган малумот ва эришилган назарий тұхтамлар тадқиқотининг иккиси боби “Шашмақом тизими”нинг ўрганишида ҳам муҳим замин бўлди. Олти мақомни муайян тизим сифатида нисбатан мукаммал кўринишга эга эканлиги ҳамда ўзга турдаги мақомлар ҳусусан, Ҳоразим мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан фарқли ўлароқ фарқли илимда кенгроқ ўрганилганлиги боис унинг тимсолида бош ғояни намойиш этиш мақсадига моғиқ кўринди. Бунда Олти мақом тизими борасида мутахассисларга яхши аён малумотларни тасаввуф нуқтай назаридан талқин этишга урунишлар мақсадига асосий дикқат-эътибор биринси галда Шашмақомнинг муқим андозаси сифатида шакилланган Мушкилот, солғу бўлим ва Наср бўлимининг биринчи гуруҳ ашула йўлларига қаратилди. Гарчи шундай йўл тутилсамдам, аммо қўп ўринларда мусиқанинг ўзига ҳослиги базан эса далиллар танқислиги боис фикр мулоҳозалар таҳмин ва фараз тариқасида баён этилди. Демақ, тадқиқотнинг бош ва таянч нуқталарида қўп жиҳаттан “Мақом”атамаси ва санъатини тасаввуф кисмида талқин этиш билан боғлиқ юзага келади. Шунунгдек, изланишимиз давомида мақомларни тартихий ва назарий муаммолари ҳам ўзаро уйғун эканлиги яна бир карра ўз тасдиқини топади. Чунки мақомларни назарясини ўрганиш масаласи, айни вақттда, уларни муайян макон ва замон-силсиласида ёритиб беришдан ва аксинча мақомлар тарихини ўрганиш эса уларнинг турли даврларни юзага келган муайян тизимдан, шакллари, тузук уюшмалари, усуллари кабиларни тадқиқ этишдан иборат бўлиб чиқмоқда. Мақом ва ўзбек ҳалқ мусиқа ижоди намуналарини таҳлил этишда устоз санъаткорлар Юнус Ражабий ва Матниёз Юсуповлар томонидан бажарилган нота ёзувлари муҳим “ашёвий манба”ларидан бўлди.

Тасаввуф анъанасига “мусиқа” ўрнида кўпроқ арабча “само” атамаси қўлланилиб, унинг мазмунида қироатхонлик, зикр, ҳамдусано, муножот ва умумман, мусиқа билан боғлиқ барча жараёнларни қалбан тниглаш англашилади. Шу билан бирга само тушунчасида пок қалбларнинг Тангри Таолога ишқ муҳаббати ва руҳий таважжухи ҳам ифода этилиб, бу ўринда туркей машойиҳлар кўпроқ “қуий” атамасини қўллайдилар. Зотан куй – суфиёна ишқнинг зоҳир бўлиш шаклидир:

**Ошиқ қўйса ҳос машуқа бирла қуйгай,  
Мажоизлар қўймай туур жондин тўйгай.  
Чин ошиқлар қўйган сари пурнур бўлгай,  
Ул сабабдин машуқига нози ўлур.**  
*Аҳмад Яссавий*

Айни вақтда, куй-мусиқасининг асл моҳиятларидан бўлган табиатидир. Чунки самонинг илк бор вужудга келиши ва унунг мазмуни Илоҳий ҳикмат билан йўғурилган эди. Ҳусусан, таниқли муҳанддис, Шайҳ Абу Бакир Бухорий-Калаббодий (ваф.994й) берган тарифига кўра: ”Само асли андинким, Ҳаққи субҳон –“А ласту би-Раббиум?” Мен сизларнинг раббингиз эмасманми?! Ҳақдин эшитилмиш биринчи ҳитоб ушбу турур. Ва энг ёқимли само ҳам улким –Ҳудодин эшитурсен. Демак, алмисок куни Аллоҳ Таолло башер аҳли руҳларни яратиб уларга қилган илк ҳитобидан само намоён бўлаган экан. Абу Муҳаммад бин Руваем бин Муҳаммад айтадиким:” бир қавм “Алласту би –Раббиум “ҳитоби тушган маҳал Илк Зикирни эшитишганда. Бу зикирлар уларнинг қалбларида ва ақилларида аввал яширин турган эди. Эдниким илк зикирни эшитишганда уларнинг кўнгил сирлар зоҳир бўлиб, тўлқинландиларки, ул Ҳақ аҳбори олдида уларнинг ақл туйнуклари ёришди. Ва улар иймон келтиридилар. Шу аснода мусиқий нағмаларнинг бошқа турдаги нағмалардан яъни мусиқий бўлмаган товушлардан афзал жиҳатларни ҳам англаш мумкин: ”Энди само пайдо бўлгач унинг нағмаси жонига етиб борди ва жон ул нағмадан қувватланди”. Аммо тасаввуф аҳли назнидин ҳар қандай мусиқа ҳам инсон руҳига ғизо беравермайди. Шу сабабданким, инсонлар нағмалардан турли мақсаддларда фойдаланадилар, бинобарин, уларнинг тингковчига тасири ҳам турлича бўлишио мумкин. Бу борада Аҳмад Ҳожагий Косоний (ваф 1542й) қаламига мансуб” Рисолай самоя”да этибоирга молик қўйдаги фикирлар баён этилади:”Билгил , ей дарвеш, инсон руҳоният ва нафсониятида таркиб топгандур: бу икки сифатидан қайси бири ғолиб келса, инсон ўшанганд тоби ва мойил бўлиб кетаверади. Мусиқа эса, ”Ахлуллох” /тарикат аҳли/ учун лозим ва лойиқ бир сифаттир. Ёқимли савитлар Ҳақ Таоллонинг ўз бандаларига бўлган ҳитобидир. Бинобарин, инсонниг ёқимли куй ва овозларни эшитганда руҳоният томони ғолиб келса демак у ҳақ Таоллога мукарраб бўлиш томонига ўтган бўлади.

Айни вақтда, куй-мусиқасининг асл моҳиятларидан бўлган табиатидир. Чунки самонинг илк бор вужудга келиши ва унунг мазмуни Илоҳий ҳикмат билан йўғурилган эди. Ҳусусан, таниқли муҳанддис, Шайҳ Абу Бакир Бухорий-Калаббодий (ваф.994й) берган тарифига кўра: ”Само асли андинким, Ҳаққи субҳон – “А ласту би-Раббиум?” Мен сизларнинг раббингиз эмасманми?! Ҳақдин эшитилмиш биринчи ҳитоб ушбу турур. Ва энг ёқимли само ҳам улким–Ҳудодин эшитурсен. Демак, алмисок куни Аллоҳ Таолло башер аҳли руҳларни яратиб уларга қилган илк ҳитобидан само намоён бўлаган экан. Абу Муҳаммад бин Руваем бин Муҳаммад айтадиким:” бир қавм “Алласту би –Раббиум“ ҳитоби тушган маҳал Илк

Зикирни эшитишганда. Бу зикирлар уларнинг қалбларида ва ақилларида аввал яширин турган эди. Эдниким илк зикирни эшитишганда уларнинг кўнгил сирлар зоҳир бўлиб, тўлқинландиларки, ул Ҳақ ахбори олдида уларнинг ақл туйнуклари ёришди. Ва улар иймон келтиридилар. Шу аснода мусиқий нағмаларнинг бошқа турдаги нағмалардан яъни мусиқий бўлмаган товушлардан афзал жиҳатларни ҳам англаш мумкин: ”Энди само пайдо бўлгач унинг нағмаси жонига етиб борди ва жон ул нағмадан қувватланди”. Аммо тасаввуф аҳли назнидин ҳар қандай мусиқа ҳам инсон руҳига ғизо беравермайди. Шу сабабданким, инсонлар нағмалардан турли мақсаддларда фойдаланадилар, бинобарин, уларнинг тингковчига тасири ҳам турлича бўлишио мумкин. Бу борада Аҳмад Ҳожагий Косоний (ваф 1542й) қаламига мансуб” Рисолай самоя”да этибоирга молик қўйдаги фикирлар баён этилади: ”Билгил, ей дарвеш, инсон руҳоният ва нафсониятида таркиб топгандур: бу икки сифатидан қайси бири ғолиб келса, инсон ўшанган тоби ва мойил бўлиб кетаверади. Мусиқа эса, ”Ахлуллоҳ” /тариқат аҳли/ учун лозим ва лойиқ бир сифаттир. Ёқимли савитлар Ҳақ Таоллонинг ўз бандаларига бўлган ҳитобидир. Бинобарин, инсонниг ёқимли қуй ва овозларни эшитганда руҳоният томони ғолиб келса демак у ҳақ Таоллога мукарраб бўлиш томонига ўтган бўлади.

Мутахасисларнинг фикрига кўра, инсоният тарихидаги дастлабки ҳамда илоҳий мақсадга муофиқ самоий куй намуналари Тангри Таолонинг ер юзидағи элчилари бўлмиш Пайғамбарларга ваҳий этилган, шу жумладан, мақом куйлари ҳам Пайғамбарлардан қолган мерос сифатида қаралади. Хусусан, 11 – асрнинг иккинчи ярми 12- асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод этган таниқли мусиқачи ва олим Дарвиш Али Чангийнинг устозлар Хўжа абдулқодир ибн Абдураҳмон Мароғий, Хўжа Сафиуддин ибн Абдулмўмин ва Султон Увайс Жалойир фикрларига таяниб ёзишича:

“Аввалига етти пайғамбар номлари билан боғлиқ еттита мақом бўлган”. Бунда Рост мақоми одам алайҳиссаломдан, Ушшоқ – Нуҳ алайҳиссаломдан, Наво – Довуд алайҳиссаломдан, Ҳижоз – Сулаймон алайҳиссаломдан, Ироқ – Аюб алайҳиссаломдан, Ҳусайний – Яқуб алайҳиссаломдан ва Роҳавий – Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламдан мерос қолганин ҳақидаги ривоятлар баён этилади. Қолган мақомлар эса устозлар ижодининг маҳсули еканлиги тахмин этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3391-сонли қарори эълон қилинди.

### **Достончилик мактаблари.**

“Достон” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “қисса”, “хикоя”, “тарих” маъноларини ифодалайди. Ўзбек бадиий адабиётида достонлар яратилиш усулига кўра икки хил бўлади. Биринчи тури ёзма адабиёт вакиллари томонидан ҳар бир банди маснавий – икки мисрадан иборат, фақат шеърий шаклда яратилади .Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»,

Навоийнинг «Хамса» асаридаги бешта достон ва ҳоказолар. Ёзма адабиётдаги достонлар аruz вазнида ёзилади. Индивидуал ижод маҳсули ҳисобланади. Бинобарин, ёзма адабиётдаги достонлар якка шахс ижоди анъаналари асосида вужудга келади.

Иккинчи тур достонлар оғзаки ижод маҳсули сифатида фольклор анъаналарга бўйсунган ҳолда яратилади. Филология фанлари доктори, профессор М.Саидов таърифича, оғзаки ижоддаги достонларда шеърий ва насрый парчалардан иборат бадиий манба – матн бўлиши керак. Иккинчидан, достоннинг музикаси бўлиши лозим (Бу ўринда шуни аниқлаб олиш керакки, ҳар бир алоҳида олинган достон учун алоҳида йирик музика асари бўлиши шарт эмас). Учинчидан, достонни бир киши ижро этганлиги туфайли куйловчи дўмбира черта билиши ёки қўбиз чала билиши зарур. Тўртингидан, достонни куйлаётган бахши яхши овозга эга бўлиши ва қўшиқ айтиш маҳоратини эгаллаган бўлиши зарур

Халқ оғзаки ижодидаги достон фольклоршунос олимларнинг диққатини алоҳида ўзига жалб этган, ўзбек халқ оғзаки ижоди таркибида энг кўп ўрганилган, катта мунозараларга сабаб бўлган, қолаверса, ўзбек халқ оғзаки ижоди меросини бутун дунёга маълум ва машхур қилган жанрdir. Достонни олимлар синкретик жанр деб биладилар. «Синкретик» сўзи юононча бирлашган; қисм, бўлакларга ажралган маъносини беради . Достон хақида гап борганда, синкретик сўзи бу жанрдаги асарларда сўз, мусиқа, хонандалиқ, ҳофизлик, бадиий ўқиш, нотиқлик, актёрлик санъатларининг уйғун намоён бўлишини изоҳлайди. Ҳақиқатан ҳам, Бола бахши (Қурбонназар Абдуллаев), Чори бахши Хўжамбердиев, Шомурод бахши Тоғаев, Қаҳҳор бахши Қодир бахши ўғли Раҳимов ижроларини бевосита кўриш ва эшитиш жараёнида юқорида қайд этилган санъатларнинг тўлиқ гўзалликда уйғунлашувини, қўшимча равишда бу ижрочи ва ижодкорларда бадиҳа санъати маҳорати тўлиқ намоён бўлганини кўрганмиз. Устоз Мухаммаднодир Саидовнинг юқорида қўйган тўрт талабига кўра достон хақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун бахшининг бевосита тингловчилар доирасида табиий вазиятда ижро маҳоратидан баҳраманд бўлиш шартини ҳам қўшимча равишда қайд қилмоқчимиз. Бу шартнинг зарур эканлиги телевидение, радио, фонограммалар орқали достон ижроси билан танишиш натижасида аниқ сезилади. Бахши техник воситалар (камера, микрофон)

гувоҳлигидан кўра бевосита тингловчилар учун табиий шароитда достон ижро этганида ўзини эркин ҳис қиласи, бадиҳагўйлик қобилиятини яхшиrok кўрсатиш имконига эга бўлади. Бахши достон куйлаётганида ўзининг ижросидан ўзи завқланадиган пайт бўлади. Тингловчилар бахши маҳоратидан баҳра олиб эҳтиросли овозлар чиқаришади. Ана шундай ҳолатда баҳшининг қайнази рўй беради. Табиий шароитда қайназ тезроқ амалга ошади. Ундан ташқари дўмбира тўнтариш одати ҳам бор. Ижрочи бир оз дам олиш баҳонаси билан дўмбира тўнтаради ва хонадан ҳаво олиш учун ташқарига чиқади. Бу вақтда тингловчилар ўз атаган ҳадяларини тўплаб дўмбира ёнига қийикчага солиб қўйишади. Бу одат ҳам табиий ижро пайтида осон ва қулай бажарилади. Хуллас, баҳши учун ҳам, тингловчи учун ҳам оддий, самимий, табиий шароитда достон айтиш маъқул ҳисобланади. “Достон” сўзининг яна бир маъносини ҳам билиб олиш керак. Бу – эл орасида гапирилмоқ, куйланмоқ, оғизга тушмоқ демакдир. Демак, достонларда иштирок этган қаҳрамонлар, бир томондан, асардаги образ сифатида қайд этилса, иккинчи томондан, эл оғзига тушувчи, шуҳрат топувчи инсон тушунчасини ҳам ўзида сингдирган бўлади. Натижада, айниқса, ижобий қаҳрамонларнинг оғизга тушиши ёки муҳаббат топиши халқ педагогикаси талабларига ҳам жавоб берадиган инсон бўлиб танилиши билан боғланади. Шундай қилиб, «Алпомиши», Гўрўғли туркумидаги «Гўрўғлининг туғилиши», «Малика Айёр», «Равшан» каби ўнлаб асарлар, «Кунтуғмиш», «Рустамхон», «Ошиқ Ғаріб ва Шоҳсанам» кабилар халқ оғзаки ижодидаги достон жанрига мансуб намуналар бўлиб, асрлар давомида эл қалбидан самимий ҳурматга сазовор, шуҳратга эришган дурдоналардир. Достонни баҳшилар куйлайдилар. Баҳшилар эса ўз устозларидан маҳсус достончилик сирларини ўрганган санъаткорлардир. Агар мақолларни, топишмоқларни миллатимизнинг истаган вакили айтиши, қўшиқларни хар бир ошиқ ёки маъшуқа ижро этиши мумкин бўлса, достон ижроси алоҳида шогирдлик фаолиятини бошидан кечирган, маҳсус таълим кўрган ва муайян иқтидорга эга шахсгагина насиб қиласи.

«Бахши» сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да тўрт хил маъно бериши кўрсатилган: 1 – донишманд, 2 – достонларни куйловчи, 3 – дам солиб даволовчи табиб, 4 – Бухоро хонлигига қурилиш маблағини назорат қилувчи. Юқоридаги тўрт маънодан учтаси бевосита достон айтuvчи баҳшиларга тегишли, десак хато бўлмайди. Чунки халқ орасида баҳши бўлиш учун инсон донишманд, ақлли бўлиши керак, деган фикр қайта-қайта таъкидланади. Иккинчидан, “баҳши” луғатда изоҳ берилишича, халқ достонларини ижро этади. Учинчидан, қадим замонлардан халқ тасаввуридаги баҳшилар сўзининг мўъжизавий фазилатидан фойдаланиб

кишиларни турли хасталиклардан фориғ қилувчи одамлар ҳисобланган. Ҳозир ва ўтган асрларда бахши даврасида иштирок этган одамлар достон эшитиш билан бирга дардларидан ҳам қутулганлар, турмуш ташвишларидан озод бўлганлар, ўзларини енгил сезганлар. Ўзбек фольклоршунослиги асосчиси Ҳ.Т.Зарифовнинг маълумот беришича, бахши мўгулча ва бурятча “бахша”, “бағша” сўзларидан олинган бўлиб, “устод”, “маърифатчи” маъноларида қўлланган. Маълум бўладики, бахши халқ томонидан чексиз ҳурматга эга, эъзоз топган ҳунар эгалари экан.

Фольклоршуносликда бахшиларнинг турли номлар билан аталгани ҳам маълум. Хусусан, юзбоши, соқи, жиров, жирчи, оқин шулар жумласидандир. Баъзан уста сўзи ҳам қўлланган. Бахшиларнинг устоз изидан чиқиб, ўзига хос услубда, бадиҳагўйликдан кенг фойдаланувчилари, кўпинча, шоир деб ҳам аталган. Шунингдек, Хоразмда достон айтувчи аёллар халфа номи билан машхурлар.

Ўзбек достончилигига достон қуйлаш анъанаси қадимда уч йўналишда ривожланган. Биринчидан, Булунғур, Кўрғон, Шаҳрисабз, Қамай, Нарпай, Шеробод, Жанубий Тожикистанда яшовчи ўзбек-лақай достончилик мактабларида дўмбира чертиб якка ҳолда, бўғиз овоз билан ижро этилган. Иккинчидан, Хоразмда тор, дутор, гижжак, гармон, буламон, қўшнай, доира жўрлигига баъзан якка, баъзан жуфт ҳолда, очик овоз билан ижро этилган. Учинчидан, Фарғона водийсида дутор жўрлигига очик овозда айтилган. Шубҳасиз, ўзбек достончилигига кенг тарқалган ижро усули дўмбира жўрлигига бўғизда достон айтиш ҳисобланади. Бахшининг бўғизда ичдан куч билан овоз чиқариши жуда қадим замонларда шимол халқлари афсунгарлари – шаманларда мавжуд эди. Демак, ўзбек бахшиларини узок ўтмиш замонлар билан қандайдир жанр ёки санъат ижроси боғлайди. Эҳтимол, кейинчалик бу ижро усули бахшилар учун анъана бўлиб қолган. Ўзбек достончилиги миф – афсона – ривоят – нақл – эртак – достон босқичларидан иборат диффузия ҳаракатининг сўнгги босқичида вужудга келган деб тахмин қиласиз. Мана шу жараённинг муайян босқичида ижро усули ҳозирги бахшиларимизнинг достон айтишларини эслатиши мумкин бўлгандир. Ҳар ҳолда бундай бахшичилик санъати бир неча асрлик тажрибага эга эканлиги билан бошқа ижролардан ажralиб туради. Филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев маълумотига кўра, Булунғур достончилигига қаҳрамонлик достонларини ижро этиш кўпроқ амалга ошган . Бу мактабнинг сўнгги вакили Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955) ҳисобланади. Фозил Йўлдош ўғли ижросидаги «Алпомиши», «Ёдгор», «Юсуф билан Аҳмад», «Малика айёр» каби достонлар ёзиб олинган. Фозил Йўлдош ўғли Йўлдош, Кўлдош, Суяр шоирларнинг тарбиясини олган.

Айниқса, у ижро этган «Алпомиш» достони халқ ижодидаги энг мукаммал асар сифатида бутун дунё фольклоршунос олимлари томонидан тан олинган. Эргаш Жуманбулбул ўғлиниң номи ҳамиша Фозил шоир қаторида жуфт келади. Эргаш шоир (1868-1937) Қўрғон мактаби вакили эди. Нурота худудининг шухрати айнан ана шу бахши ва Пўлкан шоир (1874-1941) ижоди билан боғлиқ. Бу ерда "Алпомиш", "Якка Аҳмад", "Кунтуғмиш", "Равшан" достонларини ижро қилиш анъанаси кенг ривожланган эди. Фольклоршуносликда аёл бахшилар: Султон кампир, Тилла кампир, шунингдек, Ёдгор, Жуманбулбул, Жоссоқ бахшилар ижоди ўрганилган. Шахрисабз достончилигига Абдулла Нурали ўғли (1874-1957), Нарпай достончилигига Ислом шоир Назар ўғли (1874-1953) ижоди алоҳида қайд этилган. **"Орзигул", "Соҳибқирон", "Эрали ва Шерали"** каби достонлар ижросини бу мактаб вакиллари юқори санъат даражасига етказиб куйлаганлар.

Бир бахшининг ижоди бутун туман бахшичилик анъанасига сезиларли таъсир ўтказиши ҳаёт тажрибасида тасдиқланган ҳолдир. Масалан, бир пайтлар бахшилар сулоласи билан ғуурурланган мактаблар бугунги кунда инқирозга юз тутган бўлиши мумкин. Хусусан, ҳозирги пайтда Булунғур, Нурота туманларида машхур бахшилар ўз фаолиятларини тўхтатганлар. Шу билан бирга Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманидаги Қодир бахши Раҳимов анъанаси тўла қувват билан фарзандлари Қахҳор, Абдумурод, Баҳром тимсолида давом этмоқда.

Достон ижросида Хоразм усули Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидағи анъанадан тамомила фарқ қиласи. Бу ерда достон ижроси профессионал хонандалик йўлида амалга оширилади. Бахши достон матнини ёддан ижро этади, шу билан бирга дўмбира чертuvчи бахшилардан фарқли равишда достонга йўл-йўлакай ўзгартириш киритишдан ўзларини сақлайдилар. Чунки Хоразм достончилигига достон матн, кўпинча, халқ китоблари туркумидаги XIX асрда чоп этилган китобларга асосланади. Матнга ўзгартиш киритиш бу анъана қоидалари бўйича маъқулланмайди. Табиий савол туғилади: у ҳолда Хоразм бахшиларининг достон айтиш маҳоратини қайси мезон белгилаши мумкин? Хоразм бахшилари ўз маҳоратларини достонни айтишда мумтоз мусиқага, достондаги шеърий парчаларни алоҳида қаҳрамоннинг арияси даражасида қўйлаш билан кўрсатадилар. Хоразм бахшиларининг овози мумтоз ашула айтuvчилар овозидан деярли фарқ қилмайди. Достон мусиқаси ҳам мумтоз санъат усулига асосланган. Аҳмад бахши, Бола бахши, Қодир созчи, Болтавой бахши каби санъаткорлар ижоди Хоразмда шухрат топган эди. XX аср Хоразм достончилиги ривожи, шубҳасиз, Бола бахши - Қурбонназар

Абдуллаев ижоди билан боғлиқдир. Хоразмда аёлларнинг достон айтиши ҳам кенг тус олган эди. Биби шоира, Хонимжон халфа, Ожиза, Онажон Сафарова, Назира Собирова Хоразм достонларини куйлашда етук бахшилар қаторидан муносиб ўринга эга бўлдилар. Бу анъана бугунги кунда ҳам тўлиқ давом этмоқда. Қаландар бахши Норматов, Норбек Абдуллаев, Зулфия Ортиқова, Нодира Бекова, Роҳат Хўжаниёзовалар устоз бахшилар ва ҳалфалар санъатини давом эттироқдалар. Айниқса, "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", "Ошиқ Ойдин", "Бозиргон" каби достонлар маҳорат билан ижро этилмоқда. Ҳалфалар эса достондан парчалар, тўй қўшиқларини, лапар, яллаларни куйлашда ҳалққа роҳат бағишламоқдалар.

Хоразм достонларини ижро этишда маҳаллий шароитда тажрибадан ўтган тарихий одатлар ҳақида бахшилардан маълумот олганмиз. Унга кўра XIX-XX асрларда Хоразмда катта тўй берган одам маросимга уч-тўрт гуруҳ бахшиларни чақирган. Гуруҳлар бир-бирларига халақит бермайдиган масофада давра қуришган. Тингловчи бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиб юрган. Қайси бахши маъқул бўлса, ўша даврани маъқул кўрган. Натижада, тўй охирида моҳир ва нўноқ бахши атрофидаги тингловчилар сонига кўра ажralиб қолган. Эълон қилинмаган мусобақада мағлубиятга учраган бахши ўз устида ишлашга мажбур бўлган. Шунингдек, Бола бахшининг эслашича, Мухаммад Раҳимхон Феруз хонлик пайтида ҳар йили ҳофиз, созанда, бахшиларнинг кўригини ўтказар экан. Кўрикдан ўта олмаган санъаткор тингловчилар олдида соз чалиш, ашула айтиш, достон куйлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинар экан. Бу санъаткор кейинги кўриккача муттасил машқ қилиб ўзини оқлашга уринган. Дарвоҷе, 1909 йилда 9-10 яшар Қурбонназарни хон ҳузурида достон айтишга чақиришади. Феруз ёш бахшидан унинг исмини сўрайди. Бола исми Қурбонназар эканини айтганида, хон табассум билан: - Сенинг исминг Қурбонназар эмас, Бола бахши, - деб унга оқ фотиҳа берган экан. Шу-шу Қурбонназар Абдуллаев Хоразм ва Туркманда “Бола бахши” номи билан машҳур бўлган.

Хоразм достончилигини чуқур илмий асосда ўрганган филология фанлари доктори, профессор Сафарбой Рўзимбоев Хоразм достончилиги, ўз навбатида, Шимолий ва Жанубий анъаналарга бўлиниши, уларнинг ўзаро фарқлари ва бахшилар, созчи (гармонь билан достон айтивчи ижрочи)лар ҳақида қимматли маълумотларни баён этган

Ўзбек достончилик анъанасининг яна бир тури Фарғона водийсида шаклланган. Наманганд вилоятининг шимоли Уйчи, Янгиқўрғон, Чорток атрофларида Дехқонбай Баҳромов, Икром Ризаев, Омон бахши Раззоқовлар ижод қилишган. Маҳаллий ҳалқ оғзаки ижодини ўрганган олим Абдушукур Собиров таниқли фольклоршунос олим Тожибай Гозибоев билан

ҳамкорликда мазкур достончилик анъанасини ўрганиб, Қўлбуқон, Сайрам, Ариқбўйи (Ариқмўйин) мактаблари мавжудлигини қайд этади . Аҳмаджон Мелибоев "Сафед Булон ҳикоялари" китобида Пешкўрғон қишлоғида истиқомат қилган Олим бахшидан "Ёзи билан Зебо" достонини ўн икки варакли ўқув дафтаридан ўнтасига ёзиб олиб, Музайяна Алавияга юборганини маълум қилган . Аммо бугунги кунда Фарғона водийсидаги достончилик анъанасида достон ижро этадиган бахшилар ижод фаолиятларини тўхтатганлар.Ҳамма ўзбек достончилиги анъаналарида ҳажман чекланиш қузатилмайди.Маданий меросимиз хазинасида "**Бозиргон**", "**Соҳибқироннинг туғилиши**" каби кичик асарлар ва айни пайтда, "**Алпомиш**", "**Малика Айёр**"дек йирик достонлар бор. Достонлар ҳажмидаги нисбий ўлчов инобатга олинса, дўмбира чертиб ижро этиладиган Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарёда айтиладиган достонлар ҳажми Хоразм достонларидан ҳам, Фарғона водийси достонларидан ҳам кенглиги билан ажралиб туради. Ҳажман Фарғона водийсидагилар анча кичик хисобланади.

Достон матни шеърий ва насрый парчалардан иборат бўлади. Фозил Йўлдош ўғли Булунғур туманидан бўлгани учун дўмбира чертиб ижро этиладиган достонларни шартли равишда Самарқанд достончилиги деб атаемиз. Бу анъана асарларида шеърий ва насрый парчалар бадиий жиҳатдан, воқеалар баёнини ифодалаш, қаҳрамонлар руҳий ҳолатини тасвирлаш жиҳатдан teng хисобланади. Фикримизни далиллаш учун Эргаш Жуманбулбул куйлаган "Равшан" достонидан насрый парча келтирамиз: "Оқ қиз шундай қиз эди: оти Оққиз, Зулхуморга нақ қиз. Оққиз ўзи оқ қиз, ўзи тўлган соғ қиз, ўрта бўйли чоғ қиз, ўйнагани боғ қиз, уйқучи эмас, соғ қиз, эри йўқ ўзи – тоқ қиз, яхши – текис бўз болани кўрса, эси йўқ – аҳмоқ қиз, қора кўз, бодомқовоқ қиз, синли – сиёқ қиз, ўзи семиз – туриши ёғ қиз; ўйинга қулайроқ қиз, тўғри ишга бўлайроқ қиз, ўзи анқов олайроқ қиз, танаси тўш қўйган кенг қиз, сағриси дўнг қиз, урушқоқ эмас – жўн қиз, аъзоси бари teng қиз..."

### **3. Ўзбек ҳалқ ҷолғуларининг келиб чиқиши тарихи, шаклланиши жараёнлари, таснифи ва такмоиллашув жараёнлари.**

Мусиқа ҷолғуларида ҳар бир ҳалқнинг миллий ўзига хос хусусиятлари, анъанаси, урф-одат ва қадриятлари ўз ифодасини топганки, улардан тараладиган овоз ҳам шунга мослашган. Мусиқий ҷолғуларда ижрочилик санъати инсоният маънавиятини тараннум этувчи восита сифатида ҳалқ ижодиёти маъсули бўлиб, азал-азалдан омма орасида шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Миллий ҷолғулар моҳир соз усталари томонидан

тобора мукаммалаштирилиб, жаранглилиги, мусиқавийлиги ва оҳангдорлиги билан ажралиб турибди. Мусиқий чолғулар тарихий ривожланиш давомида уларга нисбатан талаб ва эҳтиёжни ошиб бориши билан уларнинг таълимий ва тарбиявий томонларига ҳам эътибор шу қадар кучайиб бормоқда.

Халқ чолғулари узоқ ўтмишда пайдо бўлган. Маълумотларга қараганда, дастлабки мусиқа чолғулари эрамиздан аввалги XIII минг йилликда дунёга келган, деб тахмин қилинмоқда. Мусиқа чолғулари оиласи тарихида дастлаб урма зарбли чолғулар пайдо бўлган. Бунинг асосий сабаби энг қадимги ибтидоий одамларнинг меҳнатини ижодий маҳсулидир. Илк иптидоий одалар ҳайвонларни қорин тўйғазиш ғамида йиртқич ҳайвонларни ҳам турли ов усулларидан фойдаланган ҳолда қўлга киритишга ҳаракат қилган. Ҳайвонларнинг терисини қуриган дарахтнинг кундасини устига қолдириб кетган. Жазирма иссиққа тери қотиб қолган. Кейинги сафар одамлар келиб, терини олишга ҳар қанча ҳам уринсада, бироқ, олаолмаган. Кейин турини устига қўли ёки бирор таёқ ёки чўп билан урса у ўзидан баланд ва ёқимли садо чиқарган ва унинг кейинчалик довул деб атаганлар. Ундан кейин шовқинли чолғулар пайдо бўлди, ижрочилар қарсак чалиб ритмни таъкидлаган, шовқинли чолғулар таъсирини қўпайтирганлар. Ижрочи аёлларнинг чапак зарблари ўзига хос, такрорланмас гўзал холатни вужудга келтирган. Шундай меҳнат жараёнларида одамларнинг онги табиийки куй, оҳанг, қўшиқ билан банд бўлган. Самарали меҳнат натижасида қўшиқлар пайдо бўла бошлаган ва улар секин-аста оғиздан-оғизга, отадан-ўғилган, онадан-қизга ўтиб шаклланган ва одамлар қалбидан бир умрга жой олди.

Қадимги шарқ маданияти бағрида, ўзбек халқ чолғулари шаклланди. Улар қўп асрлик тараққиёт давомида ўзига хос хусусиятларни, товуш тусини сақлаб қолди. Шу тариқа чанг, най, сурнай, танбур, дутор, рубоб, ғижжак, қўбизлар анъанавий шаклларда бизгача етиб келди.

Қулдорлик тузими даврида Мароқанд, Нисо, Тупроққалъа, Термиз ва бошқа шаҳарлар мавжуд эди. Ушбу шаҳарлар ҳудудида олиб борилган қазилма ишлар чоғида бадиий ҳунармандчилик буюмлари, турли хил чолғуларининг тасвирлари топилди. Қулдорлик жамияти Ўрта Осиё ҳалқлари маданияти ривожида муҳим босқич бўлди. Халқ мусиқаси янада юксалиши билан бирга, чолғулар ҳам такомиллашди.

Асримизнинг 30-40-йилларида уюштирилган археологик экспедициялар (С.Л.Толстов, В.А.Вяткин, М.Б.Массон ва бошқалар раҳбарлигига) натижасида қимматли маълумотларга эга бўлинди. Топилган маданий ёдгорликларда турли хил мусиқа асблолари: танбур, рубобсимон чолғу, қонун, уд, най, сурнай, карнай, доирасимон чолғулар чалаётган машшоқлар

тасвирилган.

Халқ чолғулари Ўрта Осиё ахолисининг турмуши ва меҳнат фаолиятининг ажралмас таркибий қисмига айланди. Чолғулар жўрлигига қўшиқ, ўйин ва куйлар халқнинг катта-катта маросимлари, оиласи, мавсумий байрамларида ижро этилиб келинмоқда. Байрамлар кўпроқ йил фасллари билан боғлиқ бўлган. Ўрта Осиёда “Наврӯз”, “Лола сайли”, “Ҳосил байрами”, “«Қовун сайли”, “Узум сайли” каби мавсумий байрамлар кенг тарқалган. Бундай оммавий байрамларни халқ чолғу ансамбллари, хонанда ва созандалар ҳамда раққосаларсиз тасаввур қилиш қийин. Байрамларда, маданий маросимларда айниқса карнай, сурнай, доира, ноғора ва урма зарбли мусика чолғулари кенг қўлланилган.

IX аср охирида Сомонийлар маҳаллий феодал сулоласи Ўрта Осиёning каттагина қисмини бирлаштиришга муваффақ бўлди. Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухоро йирик маданий марказга айланди. Бу ерда адабиёт ва мусика тараққий этди. Ҳаёт шароитининг ўзгариши туфайли мусика санъатининг ижтимоий аҳамияти ошди. Шаҳарликлар ва юқори табака синфлари турмушида мусиқанинг роли сезиларли кучайди. Ўша пайтлардаёқ ҳтисослашув маҳсус мусиқий устахоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди якканавоз, ансамбл мусиқачилиги ва рақсни ўз ичига олган вокал чолғу мусика туркумлари мавжуд эди.

Ўрта аср мусика ижроилиги маданиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири шунда эдики, чолғу ижроилари нафақат бир неча турдаги мусика асбобларини чала олган, балки ўзлари ҳам мусика басталаганлар. Чолғучилар ўз даврининг етук мусиқачилари ва шоирлари ҳам бўлишган. Ўрта аср шароитида мусиқий и. Бу ерда устоз-шогирд анъаналари қарор топди ва ривожланди. Айни шу пайтда ансамбл ижроилиги такомиллашди, мусика санъатининг асосий кўринишлари шаклланиб чолғу асбобларининг янги намуналари кашф этилди.

Шарқ олимларининг назарий қарашлари мавжуд ижроилик санъати тажрибаси асосида шаклланган бўлиб, улар ўз рисолаларида мусиқанинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берганлар.

Форобийнинг (873-950) "Катта мусика китоби" ("Китоб ал-музыка ал-кабр"), Абу Али ибн Синонинг (980-1037) "Даволаш китоби" ("Китоби ушшифо") қомусидаги "Мусика ҳақидаги рисола", ал-Хоразмийнинг (X аср) "Билимлар калити", Сайфуддин Урмовийнинг (1216-1294) "Олижаноблик ҳақида китоби" ёки "Шарофия китоби", Жомийнинг (1414-1492) "Мусика ҳақидаги рисола" китобларида мусика ижроилиги ва халқ чолғулари ҳақида муҳим маълумотлар баён этилган.

Сайфуддин Урмавий истеъодли уд чолғу ижроиси, хонанда, машҳур

созанда сифатида танилган. У Озарбайжоннинг Урмавия шаҳрида туғилган. Сайфуддиннинг энг катта ютуғи лад (модиус)ларнинг мукаммал системасини ишлаб чиққанлигидадир.

Ибн Зайлиниң (1044 йилда вафот этган) "Мусиқа ҳақидаги тўлиқ китоб"и ("Китоб ул-кабир фил-мусиқий") унинг мусиқа илмидаги ягона ва бебаҳо китобидир. У янги усулни – мусиқада ладларни харфлар билан ифодалаш усулинини ишлаб чиқди.

Абдуқодир Мароғий (XV аср), Абдуқодир ибн-Ройибий (Мароғий) Озарбайжоннинг Мароғ шаҳрида туғилган, лекин ҳаётининг иккинчи ярми Амир Темур саройида-Самарқандда ўтган ва Ҳиротда вафот этган. "Мусиқа илмида оҳанглар тўплами" ("Жами ал-алҳан фи-ilm ал-мусиқий") рисоласида мусиқа ҳақидаги таълимотни-камонча, етти торли ғижжак каби бир турдаги мусиқа чолғуси борлиги ҳақидаги маълумотлар билан бойитди.

Ал-Хусайннинг (XV аср) "Мусиқий канонлар" рисоласида асосан Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган икки торли мусиқа чолғуси-дугтор ҳақида бир қатор мусиқий чолғулар хусусида жуда қимматли маълумотларни келтириб ўтган.

Қутбиддин аш-Шерозий (1236-1310) эронлик мусиқа назариётчisi сифатида танилган бўлиб, ўз рисоласида камончали танбур ҳақида гапириб, инсон овозини мусиқа асбоблари ичидаги энг ёқимлиси деб ҳисоблаган. XVII асрда яшаган бухоролик мусиқашунос Дарвиш Али ўз рисоласида танбур, чанг, қонун, рубоб, қўбиз, ғижжак каби мусиқа чолғулари ҳақида батафсил маълумотлар берган.

Буюк Шарқ мутафаккирларининг мероси халқ чолғуларини ўрганиш соҳасида ҳам тарихий қийматга эга. Абу Наср Муҳаммад Форобийнинг машхур асари "Китоб ал – мусиқа ал -кабир" ("Мусиқа ҳақида катта китоб") улкан аҳамиятга эгалиги билан ҳам ажralиб туради. Ўрта аср олими ўзининг ушбу машхур китобида икки хил мусиқа ижрочилиги: оҳангни инсон овози (қўшиқ санъати) ва чолғулар воситаларида қайта тиклашга ажратади. Форобий моҳир ижрочи сифатида мусиқа чолғуларининг жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганишга аҳамият беради ва у: "... Жангур - жадалларда, рақсларда, тўй - томошаларда, қўнгил очар базмларда ҳамда ишқ - муҳаббат қўшиқларини куйлашда чалинадиган ўзига хос чолғулар бор" деб ёзади.

Форобийнинг юқоридаги фикри чолғуларнинг нафақат сарой аъёнлари, балки шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, чорводору-дехқонлар, ҳунурмандлар орасида шунингдек, мусиқа маданияти соҳасида етакчи ўрин эгаллаган.

Китобнинг иккинчи қисми бошдан-охир ўша давр мусиқа чолғуларига бағишиланган. Унда лютня, танбур, най, рубоб, чанг, қонун ва бошқа мусиқа чолғулари изчил ва батафсил таърифланади. Форобий торли, мизробли

лютняни ўша даврда энг кенг тарқалган чолғу ҳисоблаган. Лютня ўзига хос мизроб (чертма) воситасида чалинган, дастасида эса лигатура (лад)лар жойлашган. IX-X асрларда лютня арабча уд номини олади. Бу чолғу кўпгина Шарқ мамлакатларида, Кавказ орти халқлари орасида ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда. Замонавий уд намуналари ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваториясининг миллий чолғу лабораторияси музейида сақланиб келинмоқда.

“Мусиқа ҳақидаги катта китоб”да Форобий яна бир чолғу асбоби-танбурни ҳам таърифлайди. Олимнинг фикрича, танбур (дилни тирнаш) урга энг яқин турдаги чолғулардан бири деб ҳисоблайди.

Танбурда торлар нохун (металдан ясалган маҳсус чертмак-тирнок) ёрдамида чертилади. Танбур худди уд каби кенг тарқалган ва халқ севган чолғудир. Танбурнинг икки ёки уч жез (сим) тори бўлган. Унинг икки тури маълум: Хурросон ва Бағдод танбурлари. Бағдод танбурларининг мақом (парда)лари камроқ (бешта), чолғу дастаси калтароқ бўлган. Хурросон танбурининг мақом (парда)лари кўп бўлган, дастасида чолғу бўғзидан то дастанинг ярмигача оралиғида пардалар жойлашган. Танбурнинг бу тури шу кунгача ўз шаклини йўқотмай, мусиқа ижрочилиги амалиётида якканавоз ҳамда ансамбл чолғуси сифатида амалиётда фойдаланиб келиняпти.

Форобий, шунингдек, найни ҳам таърифлайди. У турли хил дамли чолғуларини овоз ҳосил қилиши хусусиятига кўра найсимон гурухга киритади. Улардан бири оддий най ёки бир йўналишда жойлашган кўп тешикли най. Бу турдаги найлар ёки турлича аталувчи найлар ҳозирги кунда ҳам Шарқ халқлари орасида мавжуд. Уни ветнамликлар “сао”, тожиклар “тутек”, татарлар “кавал”, қозоқлар “сибизга”, озарбайжонлар “ней” (жуда кам учрайди), қирғизлар “ую”, “чоор” (чўпонларнинг чолғу асбоби), ўзбеклар “най” деб атайди. Олим кўпинча тут дараҳтидан ишланадиган кенг тарқалган сурнай ҳақида ҳам тўхталади.

Форобий, шунингдек, дунай (мизмар)ни ҳам тилга олади. Дунай ҳозирги қўшнай ёки туркман халқ чолғуси гоша-дилли “тюй дюк” (қўш қамиш найчалардан тузилган чолғу)га ўхшайди.

Форобий рисоласида ўзи яшаган даврда мавжуд бўлган рубобни ҳам батафсил таърифлайди. Ўша даврдаги рубоб ҳам ҳозирги Қашқар рубобига ўхшаб, резанатор ва анча узун дастадан тузилган. Икки хил чертма торли рубоб мавжуд бўлган. 1 ёғоч декали ва асосий қисми ёғочдан, 2 пастки қисми чармдан ишланган декали.

Форобийнинг таъкидлашича, чанг очиқ торларнинг тебраниши орқали оҳанг ҳосил қилувчи мусиқа чолғулари туркумига киради. Ўша даврдаги чангнинг 15 тори бўлган, улар диатоник созланган ва икки октава оралиғига

тенг товушқаторга эга бўлган. Рисолада таърифланган барча чолғулар ашула, ракс, якканавоз ва ансамбл ижрочилигига жўр бўлишда фойдаланилган. Форобийнинг гувоҳлик беришича, уд чолғуси ансамбл ижрочилигига етакчи рол ўйнаган. «Чолғу асбоблари ҳақида китоб» да олим танбур, рубоб, чанг каби чолғуларини уdda чалинаётган куйга ёки якканавоз хонандага уйғун жўр бўлиш учун созлаш усууларини тушунтиради. Шундай қилиб, Шарқнинг улуғ алломаси мусиқа илмининг бир бўлими сифатида чолғуларни ўрганувчи чолғушунослик соҳасига асос солди. Бу соҳа кейинчалик бошқа олимларнинг асарларида ҳам кенг бойитилди ва ривожлантирилди.

Яшаган даврига кўра Буюк олим ибн Сино Форобийга жуда яқин. Унинг "Даволаш китоби" деб номланган йирик қомусининг "Мусиқа ҳақида рисола" бобида ўша даврнинг мусиқа ижрочилигига оид илмий-фалсафий билимлари баён этилган. Бу рисолаларда чолғулар таърифига анчагина ўрин ажратилган. Ибн Сино ўз даври мусиқаларини икки гурӯхга бўлади: мизробли, ноҳунли (барбод, танбур, рубоб) ва бутун резанатор қопқоғи бўйлаб тортилган очик торли чолғулари (шоҳруҳ, чилтор, лира, чанг, арфа).

Ўша даврда Шарқнинг таникли мутафаккири Сайфуддин Урмавий мусиқа илми тизимини ривожлантирди. У уста чолғучи, хонанда ва моҳир бастакор сифатида машҳур эди. Удда олиб борган тажрибаларига таяниб, олим ўз назарий қоидаларини баён этди. Урмавийнинг "Тақвадорлик китоби"да чолғу асбоблари ичида уд энг машҳур ва энг замонавийидир деб таъкидлаганлар. Уднинг беш жуфт тори кварта тартибидаги 7 та мақоми (лади) бўлган. Торлари бам, маснас, масна, зир ва энг юқориси ҳадд деб аталган. Беш қўш торли такомиллашган уд кейинги пайтларда ҳам ўз тузилишини сақлаб қолган. Уднинг квартага созланган беш қўш тори ва етти мақоми (ладаси) ҳақида Шерозий (1236-1311), Жомий (XV аср), ал-Ҳусайнӣ, Мароғий, ибн Синолар ҳам ёзишган. Жомийнинг "Мусиқа ҳақидаги рисола"сида келтирилган уд дастасининг тўла чизмаси уни созлаш ҳақида тўлиқ тасаввур беради. Олимнинг тасдиқлашича мавжуд 12 мақом қадимий етук мусиқанинг асосидир. Жомий мусиқанинг тингловчиларига таъсири ҳақида тўхталиб, унинг чукур руҳий ва маънавий аҳамияти бор, деб ҳисоблайди.

XIII-XVII асрларда яратилган рисолаларда чанг, қонун, нузха, рубоб, танбур каби торли чолғулар, шунингдек, дамли чолғу найнинг таърифлари берилган.

Дарвиш Алининг (XVII асрда) Бухорода яратилган мусиқага доир рисоласи анъанавий чолғулар ҳақидаги маълумот манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин. Унда мусиқа маданияти, чунончи, Ўрта Осиёning йирик шаҳарларида мавжуд бўлган чолғулар ҳамда моҳир ижрочилар ҳақида нодир

маълумотлар мавжуд.

Дарвиш Алиниңг рисоласи XVI-XVII асрлар Ўрта Осиё мусиқасини ўрганиш учун қимматбаҳо манбадир. Мазкур асарда машхур хонанда ва чолғучилар, бастакорларнинг ижодий таржимаи ҳоллари баён этилган.

Дарвиш Али ўтмишдошлари сингари, торли мизробли чолғулар орасида тебраниш оҳангига кўра энг яхшиси саналган удни чолғулар "шоҳи" деб атади. Рисолада ёзилишича, чанг чолғучилар ҳомийси Зухрага бағишлиланган.

Таърифланган чангнинг етти мақом ижроси учун йигирма олти торли ва етти пардаси бўлган. Булардан ташқари, рисолада қонун, рубоб, қўбиз, ғижжак, мусиқа, экбон-най, (дамли, чармли), Хитойда тарқалган рухавза (олти тордан иборат нохунли) каби чолғулар ҳам тилга олинган.

Дарвиш Али таъриф берган чолғулардан еттитаси, танбур, чанг, қонун, уд, рубоб, қўбиз, ғижжак ўша даврда кенг тарқалган чолғулар эди.

Дарвиш Алиниңг маълумотлари мусиқа амалиётида дастлаб ансамблда ўйғун калорит ҳосил қиласидиган торли-нохунли ва торли -камончали чолғулар қўлланилганлиги ҳақидаги фикрни тасдиқлайди. Рисолада чангчи Дилором, найчилар Абдуқодир ва Хўжа Абдуллоҳлар, Мавлоно Қосими-Раббоний, Султон - Аҳмадий - "девона" рубобчилар, aka-ука Шайх Абу - Бакри Раббоний ва Шайх Беҳдучи, доно қонунчи шайх Шамси Раббоний ва кўпгина бошқа машхур усталарнинг номлари тилга олинган.

Дарвиш Алиниңг гувоҳлиги яна шуниси билан қимматлики, у қайд этган чолғуларнинг каттагина қисми (най, сурнай, чанг, қонун, рубоб, танбур, ғижжак, қўбиз, дойра, ногора, уд) Ўрта Осиёning ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа республикаларида, шунингдек, Озарбайжонда бизнинг кунларгача сакланиб келди ва у такомиллашмоқда. Ушбу мусиқа чолғулари узоқ вақт мобайнида ўзбек халқининг маданий турмушидан мустаҳкам ўрин олиб, унинг маданий хаётида кенг қўлланиб келинган. Шундай экан, бу чолғуларни ўзбек халқ чолғулари, деб аташ ўринлидир. Абдул Фазл Бойҳақий (XIV аср) асарларида торли мизробли (руд, барбад, танбур), дамли ва урма зарбли чолғулар (карнай, литавра ва барабан) сингариларнинг номлари келтирилган.

Маълумки, Шарқ адабиётида ўтмишда шоирлар асарларига жавоб ёзиш ("назира") тизими кенг қўлланилган. Кўплаб "Хамса" лар ҳам шу йўсинда яратилган. Навоий ўзининг "Сабъаи сайёр" ("Хамса" достонларининг бири) достонида Баҳром Гўр ҳақидаги қадимий афсонани, янгича талқин этди. Асар қаҳрамони - чанг чолғучиси Дилором деб аталган. Шоир унинг чолғусини мусиқа тимсоли сифатида гавдалантирган.

Захриддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1530) эътироф этишича, Алишер Навоий ўз даврида кўплаб уд чолғучиларнинг ўз истеъдодларини намоён

этишига кўмаклашган. “Бобурнома”да ўзбек халқ чолғулари ижрочиларининг номлари зикр этилган. Бобур, шунингдек, Шоҳ Кулмий-Ғижжакий, Ҳусайн Удий, Ҳўжа Абдуллоҳ Марварид Қонуний каби моҳир ижрочиларни ҳам тилга олади.

Навоий даврида най, уд, ғижжак, қонун, карнай, сурнай, ноғора, дойра, чанг ижрочилиги кенг тарқалган эди. Уларнинг ҳаммаси ансамбл ижросида ҳам, якка ижрода ҳам бирдек қўлланилган. Чанг якка чолғу сифатида алоҳида ажралиб турган.

XV-XVII аср ёзма ёдгорликлари маълумотларини қиёслаб шундай хуносага келиш мумкинки, бу даврга келиб, Ўрта Осиёда халқ чолғуларида ижролик маданияти ўз камолотига етди. Ўзбек халқ чолғулари ижрочилари айни чоғда ўзлари ҳам мусиқа асарлари яратганлар. Ўша пайтдаёқ моҳир чанг, уд, ғижжак, қонун, най, танбур, буламон ижрочилари ва етук хонандалари бўлган, улар ўзига хос ансамбллар тузишган. Шунингдек, якканавоз ижрочилик ҳам ривожланган.

Восифий ўз “эсталиклар”ида ажойиб услугуб ўйлаб топган қонун чолғучиси Ҳожи Абдулло Марварид номини келтиради. У басталаган куй ва кўшиқлар халқ орасида кенг тарқалган. Шундай қилиб, XIV-XVII аср тасвирий санъатида ва адабий меросида илдизлари узок ўтмишга бориб тақалувчи мусиқа чолғулари асосий типларининг барқарорлигини тасдиқловчи бой материал бўлган.

Ўрта Осиё олимларининг мусиқа ҳақидаги рисолалари, бадиий адабиёт, рассомчилик бизнинг кунларгача етиб келган ўзбек халқ чолғулари тарихий тараққиётининг узун занжирдаги айrim узилган ҳалқаларини қайсиdir даражада тиклаш имконини беради. Неча юз йиллар ўтди, мусиқа чолғулари эса якка, ансамбл ва оркестр ижрочилигида ўз ўрнини эгаллаб, бугунги кунгача яшаб келмоқда. Мусиқа ижрочилиги санъатида мақом жанрини тиклаш ва ривожлантириш XVII-XIX асрларда чолғулар батафсил таърифланган йирик асарлар яратилмади. Бу кўпроқ феодал тарқоқлигининг кучайиши билан боғлиқ. Улкан давлат айrim-айrim хонликларга бўлиниб кетади (Бухоро, Хива, Қуқон хонликлари). Бу эса мусиқа санъати тараққиётida акс этмай қолмади. Ўзбек мусиқа маданиятида маҳаллий хусусиятлар касб эта бошлади. Ўзига хос мусиқа чолғулари шаклланди. Мусиқа турларидан-мақомлар бундан буён ҳар хонликда ўзига хос йўналишда такомиллашди. Мақом ижрочилари зарурат юзасидан ўзгаришлар киритишиди. Шунга қарамай, мусиқанинг умумий хусусиятларини сақлаб қолишиди. Ҳар бир ижрочи мақом ижросига ижодий ёндашиб, мусиқа ижросига ўзига хос такрорланмас жиҳатлар киритди. Оғзаки тарзда чолғуларни сақлаб қолиш анъанаси мақомнинг асосий хусусиятларидан бири

бўлиб, бусиз унинг яшаб қолиш ва сўнгги тараққиётини тасаввур этиш қийин. Ҳар бир хонликда ўзига хос бир йўналишда халқ мусиқасининг янги турлари яратилди; байрамона, куйлар, халқ томоша куйлари (дорбозлик, кўғирчоқбозлик) янги типдаги ракс куйлари. Бу куйлар ўзининг қувноқлиги, шўхлиги билан бир-биридан фарқ қилиб турган ва кенг халқ оммасини ўзига жалб этган.

XVII аср охири ва XIX аср бошларида ўзбек мусиқа маданиятида халқ ва профессионал мусиқа санъатининг қуидаги кўплаб янги турлари такомиллаша бошлади; катта ашула, катта ўйин, Шодиёна, Наврўз, Мавриги, Шашмақом, Чор мақом (унга Дугоҳ, Ҳусайнӣ, Чоргоҳ, Баёт, Гулёри-Шаҳноз кирган). Жойларда мавжуд мусиқа чолғулари ва ижрочиларга боғлиқ ҳолда турлича чолғу ансамбллари тузилган. Кўп ҳолларда халқ чолғулари ансамбл таркибига ғижжак, танбур, дутор, чанг, най, қўшнай, доира каби мусиқа чолғулари киритилган.

Мусиқачилиқда олти туркум асарлардан иборат Шашмақом айниқса машхур бўлган. У Ўрта Осиё халқлари сюита (туркум) шаклидаги профессионал мусиқасининг узоқ тараққиёти натижасида вужудга келган. И.Ражабов ёзади: Шашмақом олти хил турли лад тизимларидан иборат, уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, мушкилот (чолғу) ва наср (ашула) бўлимларидан иборат бўлган қуидаги мақомларга (қисмларга) бўлинади:

“Рост”, “Бузруг”, “Наво”, ”Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Ирок” ... . Ҳар бир мақом 20 тадан 40 тагача катта-кичик қисмларни ўз ичига олади. Ҳаммаси бўлиб туркумда 250 га яқин мушкилот ва наср қисмлари бор. Бир мақомнинг ижроси бир неча соат давом этган.

Халқ чолғулари халқ оғзаки ижоди ва синфикс адабиёт билан узвий боғлиқликда ривожланади. Халқ чолғулари ҳақидаги тасаввурларни бадиий асарлардаги мусиқа чолғулари ифодалари, китоб миниатюраларида чолғучилар тасвири бойитади. Фирдавсий, Саъдий, Навоий, Дехлавийларнинг асарларида 60 дан зиёд халқ чолғуларининг номи зикр этилган.

Мақомлар асосан сарой аёнлари хузурида муайян вақтда ёки муайян шароитларда ижро этилган. Ҳатто моҳир қўшиқчиларнинг ўзига хос мусобақаси (айниқса, авжларни ижро этишда, шунингдек, ўзига хос янги-янги қисмларини тўқишида) ташкил этилгани маълум.

Мусиқа ижрочилиги санъатида мақом жанрини тиклаш ва ривожлантириш давом этди. Мақом ўзининг оханг ва ритм қонуниятларига кўра халқ қўшиқлари билан узвий боғлиқ бўлиб, фақат қамровининг кенглиги билан фарқланар эди. Одатда, ҳар бир мақом икки катта қисмга бўлинган.

Биринчиси – фақат чолғуларда ижро этилган қисми бўлиб мушкилот деб аталган, иккинчиси – чолғулар жўрлигига айтиладиган ашула қисми бўлиб, наср деб аталган. Наср ўз ичига рақс куйи-уфорни ҳам олган.

Чолғучилар орасида мусиқа товушларини ёзиб кўрсатадиган маҳсус белгилар тизими нотация яратишга интилиш пайдо бўлди. Буни амалга ошириш шоир-мусиқачи Паҳлавон Ниёз Мирзабоши (Комил Хоразмий 1825-1879)га насиб этди. Истеъдодли мусиқа ижрочиси моҳир танбурчи ва ғижжакчи Паҳлавон Ниёз Мирзабоши саёҳат чоғидаnota бўйича куй чалаётган чолғучиларни кўриб ҳайратга тушди. Мирзабоши - Комил Хоразмий Хоразмга қайтиши биланоқ илгаридан дилига туғиб юрган нияти мақомларни ёзиб олишга илҳом билан киришди.

Паҳловон Ниёз Мирзабоши Комилнинг шогирди Муҳаммад Ёқуб Харратов (1867-1939) машҳур танбурчи эди. У нафақат чоғучилик санъатини, балки ҳаттотлик санъатини ҳам муқаммал эгаллаган эди. Истеъдодли чолғучи Комил Хоразмий раҳбарлик қилган сарой халқ чолғулари ансамбилининг созандаси бўлган Муҳаммад Ёқуб Харратов (Матёқуб Харратов) танбур нотоциясини тузишда ва хоразмча мақомларни ёзиб олишда қатнашган. Устозидан хоразмча мақом туркумларини қабул қилиб, уларнинг сақланиб қолишига катта ҳисса қўшган.

Муҳаммад Раҳимхон (1806-1825) саройида ишлаган машҳур танбурчи ва қўшиқчи Ниёзхўжа Ҳожининг ижодий ва ижрочилик фаолияти Хивада кечди. У хоразм мусиқа маданиятига катта эътибор берди.

Матёқуб Харратовнинг айтишича, Ниёзхўжа Бухорога “Шашмақом”ни ўрганиш учун борган. У Бухордан қайтгач, бухороча мақомлар Хива чолғучилари тамонидан ўзлаштирилиб, Хоразмда кенг тарқала бошлади. Хоразмнинг машҳур чолғучилари Муҳаммадраҳим Феруз, Комил Хоразмий, Мирзо Муҳаммадрасул ва бошқалар Ниёзхўжа билан ҳамкорликда мақомларга янги чолғу бўлимлари қўшиб, уларни бойитдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўқон шахри машҳур чолғучилар тўпланган марказга айланган эди. Бу ерда Уста Худойберди раҳбарлигига ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик мактабини ўрганиш бўйича ўзига хос мактаб яратилди. Фарғона чолғулари бухороча шашмақомни фаол ўзлаштира бошлади. Ота - Жалолиддин Носиров (1845-1928) мақом ижрочиси, таникли ўқитувчи, чолғучи, уста танбурчи эди. У дастлаб мусиқа илмини онасидан ўрганди, сўнгра мақомларнинг зукко билимдони ва моҳир ижрочиси бўлган отасидан таълим олди. Ота-Жалол Носиров узоқ йиллар мобайнида Амир Олимхон (Бухоро), Амир Музаффархон (Шаҳрисабз)," Амир Отажонлар (Кармана, ҳозирда Навоий)лар саройида ўзбек халқ чолғулари ансамблининг доимий раҳбари ва хонандаси бўлган. Ота Фиёс Абдуғани (1858-1924) ўзбек

мусиқасининг билимдони, бухоролик танбурчи эди. У Шашмақомнинг Мушкулот қисмини яхши билган ва ҳар бир мақомни унга хос усул ва хусусиятларни сақлаб қолган ҳолда ижро этган.

Хожи Абдулазиз Расулов (1852-1936) ўзбек ва тожик мусиқасининг таниқли ижрочиларидан бири, моҳир танбурчи Ҳожи Рахимқулнинг шогирди. 1888 йилда Бухорога борди. У ерда Ота-Жалолиддин Назиров раҳбарлиги остида бир йил ичидаги Шашмақомни мукаммал ўрганди. А.Расулов Фарғона, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида ўзбек халқ мусиқаси ва мақомларини фаол тарғиб қилди. У ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги ривожига танбурчи, дуторчи ва хонанда сифатида салмоқли хисса қўшиб, халқ ва мусика жамоатчилигининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Юқорида номлари келтириб ўтилган мусиқачи-чолғучилар ўз ижодий йўлини бошлаб ўз даврида ижодий камолотга етдилар. Улар ҳаммаси маърифатчилар, ёш мусиқачиларнинг устозлари эдилар. Уларнинг педагогик карашлари, таълимотлари ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик бўйича янги педагогик ҳаётий манба бўлиб, ўлмас мерос сифатида сақланмоқда.

1917-1945 йилларда ижрочилик санъатининг тараққиёти 1917 йилдан кейин ўзбек мусика санъати жадал ва жўшқин тараққий эта бошлади. Биринчи ўн йилликда ёқ мусика таълими, фольклоршунослик, ижрочилик санъати соҳаларида муайян ютуқларга эришилди.

Мусика ўқув юртлари - Тошкентдаги Туркистон халқ консерваторияси (1918) ва унинг Самарқанддаги, Фарғонадаги (1919), Бухородаги (1920) филиалларида катта ишлар амалга оширилди. Уларда асосан ўзбек халқ чолғуларини ҳамда баъзи Европача мусика чолғулари (фортелияно, скрипка ва дамли чолғулари) ни чалиш ўргатилар эди. Бу мусика билим юртлари том маънодаги консерватория бўлмаса-да, бироқ, ўтган давр мусика маданияти илмини ўрганиш имконига эга бўлмаганларга содда мусика назарий илми ҳамда ижро санъатида сабоқ берилар эди. Шу туфайли ёш республиканинг кўпгина шаҳарларида мусика ҳаваскорлиги кенг қулоч ёйди.

Ўзбек санъатининг асосчиси, драматург, бастакор, муаллим, жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мусика санъати ривожига катта хисса қўшди. 1917 йилгача бўлган даврдаги халқ мусиқачи ва ижрочилари яратган анъаналар чолғуларнинг кейинги авлоди ижодида таркиб топди ва давом этди. Мусиқачи-ижрочилар қайта тузилган маданий-маърифий ташкилотларда ишга киришиб кетди.

Таниқли танбурчи ва хонанда Шораҳим Шоумаров 1919 йилда Тошкентдаги “Намуна” мактаб-интернати қошида халқ чолғулари ансамблини тузди. Бу ансамбл кейинчалик Тошкент мусика техникумини ташкил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

20-йилларда ўқув юртлари, заводлар, фабрикалар қошида, қишлоқ жойларда “Кўк кўйлак”, “Санъатчи қизлар”, “Санойи нафиса” каби мусиқий жамоалар тузилди. Ташкил қилинган ижодий жамоалар таркибида найчи, чангчи, дуторчи, танбурчи, ғижжакчи, дойрачи, ногарачилар ва қашқар рубоб созандалари бўлган халқ чолғулари ансамбллари ҳам бор эди.

Халқ чолғулари ансамбллари Фарғонада, Андижонда, Самарқандада ҳам тузилади. Уларга машҳур чолғучилар уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов, Аҳмаджон Умирзоқов, Юсуфжон Шакаржонов, уста Рўзмат Исабоев, Матюсуф Харратов, Уста Тойир Маруфжон Тошпулатов, Муҳиддин Мавлоновлар раҳбарлик қилишган. Уларнинг самарали ижоди туфайли, ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатидан қўпчилик баҳраманд бўлди.

1936 йилда Москвада бўладиган декада муносабати билан Қори Ёқубовга Давлат филармониясини тузиш топширилади, у филармониянинг биринчи директори этиб тайинланади. Қори Ёқубовнинг ва бошқа мусиқа санъати арбобларининг қатъийлиги туфайли, Тошкент давлат консерваториясини тузиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Ўзбек халқ мусиқаси анъаналарининг давомчиси, Тошкентлик моҳир халқ чолғучиси-дуторчи, танбурчи, найчи Юнус Ражабийнинг (1897-1976) ижодий фаолиятига маърифатпарварлик кенг мусиқий-ижтимоий хусусиятлар хос эди. Беш жилдлик ўзбек халқ мусиқасини ёзib олиб, нашрга тайёрлаганлиги Юнус Ражабийнинг кўп йиллик ижодий фаолиятининг энг ажойиб самараси бўлди.

1927 йили Юнус Ражабий Ўзбекистон радио қўмитаси қошида 12 чолғувчи (хонанда ва созандалар)дан иборат халқ чолғулари миллий ансамбли ташкил этади. Бу ансамблга у Тошкентдаги ўша пайтда машҳур мусиқачилар - қўшнайчи Хайрулла Убайдуллаев, дуторчилар Абдусоат Ваҳобов, Ориф Қосимов, танбурчилар Рихси Ражапов, Маҳсудхўжа Юсупов, ғижжакчилар Имомжон Икромов, Наби Ҳасанов, Маҳмуд Юсупов, найчилар Дадаали Соатқулов, Сайд Калонов, чангчилар Нигматжон Дўстмуҳаммедов, Фахриддин Содиқов, Маҳаматжон Расулов, дойрачи Дадаҳўжа Соттиевларни жалб этди. Репертуарида ўзбек халқ куйлари билан бир қаторда замонавий бастакор, шу жумладан Юнус Ражабийнинг “Чоргоҳ”, “Кўчабоғи”, “Баёт”, “Бирлашингиз”, “Фабрика”, ”Ғалаба”, “Ҳаммамиз”, “Илғор”, “Мирзадавлат” каби асаллари бор эди. Кейинроқ бу ансамблда республиканинг машҳур хонандалари Тошкентлик Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Бухоролик домла Ҳалим Ибодов, Самарқандлик дуторчи ва хонанда ҳожи Абдураҳмон Умаров, танбурчи ва хонандалар Матёқуб Харратов, Сафо Муғоний, Тошкентлик Назира Ахмедова каби санъаткорлар ишлаган. Айни пайтда ансамблнинг ижрочилик репертуари “Шашмақом”нинг мушкулот ва наср

қисмлари: “Насуруллои”, “Наврўзи Сабо”, “Талқини ушшоқ”, “Сарвинози талқинча”, шунингдек, бастакорларнинг “Уйғонинг”, “Бизнинг қишлоқ”, “Яшасин”, “Колхозимиз” каби асарлар ҳисобига кенгайди.

1930 йилда Тошкент мусиқа олий мактаби, 1936 йилда эса унинг асосида Ўрта Осиёда биринчи мусиқа олий ўқув юрти - Тошкент давлат консерваторияси очилди.

1936-1937 ўқув йили халқ чолғуларида ижрочилик соҳасида мусиқий таълим ривожи учун жуда муҳим давр бўлди. Айнан шу даврда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида А.И.Петросянс ташаббуси билан Й.Ражабий, А.Дарошев, А.Мансуров, Б.Гиенко, Н.Крестянин, В.Марсиковский, А.Махсудов, О.Қосимов каби ўқитувчилар умуммақбул нота тизими асосида ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик бўйича сабоқ бера бошладилар. Ш.Шоакрамов, А.Ғофуров, М.Юнусов (чанг), С.Юлдошов, Г.Қодиров (танбур), А.Илёсов, М. Аъзамов кабилар уларнинг биринчи ўқувчилардан бўлишди.

Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик маданиятининг ўсиши, жаҳон бастакорлари асарларининг ўзлаштирилиши, Ўзбекистон бастакорларининг халқ чолғулари учун маҳсус асарлар яратишдаги фаол ижодий фаолияти ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатини янада юксалиши учун муҳим замин бўлди. Шу билан бирга, юқори малакали илмий педагогик ва ижрочи кадрларни пухта ва мукаммал қилиб тайёрлаш масаласини ҳам кун тартибига қўйди.

Ўзбек халқ чолғуларида ижрочиликнинг кейинги даврлардаги юксалиши Тошкент консерваториясининг фаолияти билан чамбарчас боғланди. 1948 йилдан бошлаб мамлакатимиздаги мусиқа олий ўқув юртларида, шу жумладан; ҳозирги Ўзбекитон давлат консерваторияси (аввалги М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси)да ҳам халқ чолғулари ижрочилиги бўйича таълим бериш бошланди.

Ўзбек халқ чолғулари бўлимига (оркестр факултети таркибида) раҳбарлик қилиш, ўқувчиларни саралаб йифиш, ўқув режаларини тузиш А.И.Петросянс томонидан амалга оширилди. Тошкент давлат консерваториясида ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги бўйича профессионал таълимни йўлга қўйишда В.А.Успенский, М.А.Ашрафий, А.И.Петросянс, И.П.Благовещенский, Б.Ф.Гиенко, Г.Г.Собитовлар катта рол ўйнашди.

1948-1949 йиллардаги биринчи ўқув йилида консерваторияга Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрининг 13 чолғучиси ўқишига қабул қилинди. Шулардан 10 киши: Назир Нигматов (қўшнай), Аббос Баҳромов, Александр Евдокимов (прима-рубоб), Лаъли Султонова, Мирзаев, Бурибой Мирзаҳмедов (қашқар рубоб), Маҳаматжон

Асилов, Обид Холмуҳамедов (ғижжак), Анвар Ливиев (дойра) 1-курсга қабул қилинди. Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг битириувчилари Ахмаджон Одилов (чанг), Валентина Борисенко (прима рубоби), Феоктист Василевлар (қашқар рубоби) эса 2-курсга қабул қилинди.

Муҳаммаджон Мирзаев (1913 йилда туғилган) республикадаги рубобчиларнинг энг машҳури, кўйчи-бастакори. Консерваторияни қашқар рубоби синфида А.И.Петросянс раҳбарлигига тамомлаган. 1951 йилдан филармония оркестрида ишлаш билан бир қаторда, ўзбек халқ мусиқа меросини ўрганиш бўйича ёш ижрочиларга мураббийлик қилиб келган. Халқ артистлари Х.Мавлонова, М.Турғунбоевалар билан ижодий ҳамкорликда “Баҳор валси”, “Янги тановар”, “Гулноз”, “Дилбар”, “Гулхумор”, “Дилдор” каби лирик қўшиқли рақс куйларини яратган. У яратган қўшиқлар орасида “Ширмоной”, “Олтин сандик”, “Уч дугоналар” айниқса машҳурдир. М.Мирзаев Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзоси ва бир қанча мукофатлар соҳиби. Рубоб ижрочилигига (кейинроқ ёш ижрочилар томонидан ривожлантирилган) ҳиссий ва ёрқин услугуб асосини яратган дастлабки рубобчилардан ҳисобланади.

Мирза Ҳакимович Тоиров (1930 йилда туғилган). Консерваторияни най ихтисослиги бўйича тамомлаган дастлабки битириувчилардан бири (1956). У ўз устози А.И.Петросянс билан ҳамкорликда “Най мактаби” ўкув қўлланмасини яратган. Ушбу қўлланма Ўзбекистондаги барча мусиқа билим юртларида, шу билан бирга, қўшни республикаларда ҳам най синфларининг очилишига имкон яратди. М.Тоиров 1957 йилдан ижрочилик кафедрасида аввал ўқитувчи, сўнгра доцент бўлиб ишлаган. Айни бир пайтда Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрида ҳам иштирок этган. М.Тоиров мусиқа ижрочилари Бутуниттифоқ конкурсининг (1957) ҳамда Ёшлар ва ўқувчиларнинг VI жаҳон фестивалининг совриндори (1957), Эстония ва МДҲ давлатлари (Москва, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркманистон, Тажикистон)да бўлиб ўтган ўзбек санъати декадаларида қатнашган. М.Тоиров бир неча истеъододли найчиларни тарбиялаб камол топтирган. Унинг И.Қосимов, 0.Азизов, Ш.Аҳмаджонов, Р.Холмирзаев, К.Юсупов, А.Абдурашидов каби шогирдлари республика кўрикларининг совриндори бўлишган. М.Тоиров Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1969). У 1987 йилдан консерваториянинг профессори унвонига сазавор бўлди.

Фозил Матюсупович Харратов (1926-1971) таникли чангчилардан бири эди. Мусиқа билими ва ижрочилик илк сабоғини ўз отаси, машҳур чангчи Матюсуф Харратовдан олди. Отаси (М.Харратов) фарзандининг истагига кўра, унга ярим хроматик товуш қаторига мансуб янги чанг ясад беради. 1942 йилда Ф.Харратовларнинг оиласи Тошкентга кўчиб келади. Фозил бу ерда

аввал Тошкент давлат циркининг аралаш мусиқа ансамблида ишлайди. У 1950-1955 йилларда Тошкент давлат консерваториясида А.Одиловнинг чанг чолғуси синфида ўқийди. Кейин бир оз вақт консерваторияда дарс беради. Унинг шогирдлари орасида Г.Неъматов, Ф.Шукрова, Т.Хўжамбердиев каби таниқли ижрочилар бор. Ф.Харратов Москвада бўлиб ўтган Ёшлар ва ўқувчиларнинг VI Жаҳон фестивалининг совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1964). У “Хурмат Белгиси” ордени билан мукофотланган.

Феоктист Никифорович Василев (1919-1987) дастлабки профессионал қашқар рубоби ижрочиларидан биридир. У 1937 йилда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига ўқишга киради. 1938 йилдан Ўзбекистон филармонияси халқ чолғулари оркестрининг чолғучиси эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Туркистон ҳарбий округининг ашула ва рақс ансамблида ишлаган. Консерваторияни қашқар рубоби синфи бўйича А.И.Петросянс раҳбарлигида тамомлаган (1952). 1949 йилдан консерваторияда қашқар рубоби, дутор, танбур ихтисослиги бўйича дарс берган. С.Тахалов, А.Бобохонов, Г.Эргашев, Т.Ражабов, Қ.Усмонов каби машҳур рубобчилар унинг қўл остида тарбияланганлар. Феоктист Никифорович ўзининг илмий-методик ишларида (“Рубоб мактаби” дарслиги) “қашқар рубоби учун этюд ва машқлар” рубоб чалишни ўрганиш бўйича тизимли ўқитиш методини ишлаб чиқди. 1983 йилдан Ф.Василев профессор вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган эди.

Феоктист Никифоровичнинг номи ўзбек мусиқа маданияти ҳамда 40 йилга яқин мураббий бўлиб хизмат қилган Тошкент консерваторияси билан чамбарчас боғлиқ.

Валентина Яковлевна Борисенко (1919-1990) ўзининг ижодий йўлини Ўзбекистон Давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрида чолғувчи бўлиб бошлади (1939). Прима рубоби ихтисослигида ижрочи ва ўқитувчи сифатида танилди. Ҳамза номидаги мусиқа билим юртини тугатгач (1948), Борисенко оркестрининг торли-нохунли чолғулар гуруҳида концертмейстер бўлиб ишлади. Консерваторияни прима рубоби ихтисослиги бўйича И.Г.Благовещенский раҳбарлигида тамомлади (1952). Сўнгра оркестрда ишлашни давом эттирди. 1950 йилдан Тошкент консерваториясида ўқитувчи, 1962 йилдан эса халқ чолғулари кафедрасининг доценти лавзимларида ишлаган. Борисенконинг машҳур шогирдлари орасида А.Маликов, Г.Салаева (Обидова), Б.Йўлдошев, М.Раҳимов, Б.Азимов, Ш.Жанайдаров, А.Дадамуҳамедов каби ижрочилар бор.

Сулаймон Маниевич Тахалов (1942 йилда туғилган) ажойиб ижро техникасига ва алоҳида товуш жозибасига эга бўлган, анъанавий ва академик ижро усулини бирдек мукаммал эгаллаган рубобчилардандир.

Консерваторияда ўқиши тугатгач, Ф.Н.Василев синфида (1958) қашқар ва афғон рубблари ҳамда танбур ихтисосликлари бўйича сабок берди. С.Тахалов Москвада бўлиб ўтган Ёшлар ва ўқувчиларнинг VI Жаҳон фестивалида иштирок этган (1957). У халқ чолғулари ижрочилири Бутуниттифоқ конкурсиning ўзбек халқ мусиқаси нота ёзуви ва тавсифини такомиллаштириш соҳасида катта илмий-тадқиқот ишларининг соҳиби. У “Афғон рубобини, чалишни ўргатиш методикаси асослари” номли ўқув қўлланма муаллифидир. С.Тахалов 1985 йилдан доцент, 1988 йилдан эса санъатшунослик фанлари доктори, профессор илмий даража ва унвонларини олган.

Абдусалом Маликович Маликов (1939-1979). Доцент вазифасини бажарувчи бўлиб хизмат қилган. А.Маликовнинг рубоб-прима ихтисослиги бўйича 60-65 йилларда консерваторияда В.Й.Борисенко раҳбарлигига олиб борган ижодий фаолияти алоҳида эътиборга лойик. У 1967 йилдан халқ чолғулари ижрочилик кафедрасида ишлаган. I Республика кўрик-танловининг соҳиби (1971).

Ғуломқодир Эргашевич Эргашев (1946 йилда туғилган). Тошкент консерваториясининг собиқ ўқувчиси (1969). Ф.Н.Василевнинг шогирди, афғон рубоби ижрочиси, турли хил дастурлар билан тез-тез концертларда қатнашиб туради. 1967 йилдан ТДКсида ўқитувчи, 1988 йилдан кафедра доценти лавозимида ишлаган.

## **2. Халқ чолғу асбобларининг такомиллашув жараёни.**

Чанг мусиқа чолғуси танбурнинг ўттиз икки пардасидан олиниб ихтиро қилинган. Баъзи ривоятларда гўё Арастун (Арестотел) Ҳаким Зухро юлдузига қиёс қилиб ихтиро қилгари дейилади<sup>33</sup>. Ундан ташқари Абдулқодир Марофий ўзининг "Мақосид ул алхон" (куйлар мақсадлари) китобида чанг мусиқа чолғусини юзига тери тортилган унга 24 та тор икки томонига ип билан боғлаб қўйилган" деган маълумот берилган бўлиб, нохун (тирноқ) воситасида ижро этилган. Қадимги чанг мусиқа чолғусининг бир тури бу чолғунинг юз қисмига тери эмас балки ёғоч қопланган. Торлари ип билан эмас чўплар воситасида беркитиб қўйилган.

Хозирги кунда Ўзбекистон худудида мусиқа ижрочилигига қўлланилаётган "Чанг" номли мусиқа чолғуси Шарқ ва бошқа халқларнинг миллий мусиқа ижрочилигига турли хил номланишларга эга. Беларусия ва Украина - симбала. Уйғур халқларида - чанг, Эронда-сантур деб номланиб Ўзбекистондаги - "Чанг" мусиқа чолғусига ўхшаш. Кўпгина мусиқий

<sup>33</sup> Найма ниёгон. Таъиини ва таъияи А. Ражабов. Душанбе. Адиб, 1988.124 с..

рисолаларда зикр этилган "Чанг" чолғуси ҳамда XVI асрларда яшаган Дарвеш Али Чангий ижро этган "Чанг" номли мусиқа чолғуси тамоман бошқа кўринишда бўлиб, ҳозирги кунда мусиқа ижрочилигига қўлланилаётган "Арфа" мусиқа чолғусининг айнан ўзидир.

Чанг сўзи созанданинг ўнг ва чап қўллари билан чангга панжалар орқали "Чанг солиш" воситасида мусиқа ижро этиш маъноларини англатади. Қадимий "Чанг" мусиқа чолғуси "Арфа"га ўхшаш бўлиб, Шарқ халқлари миллий мусиқа ижрочилигига қўлланиб келинган. Бу турдаги чанг Озарбайжон мусиқа чолғуларига бағишланган китобда берилган<sup>34</sup>. Ундан ташқари XVIII-XIX асрларда Озарбайжонда чангга ўхшаш "Нузха" ва "Мигни" номли мусиқа чолғулари бўлиб, улар айнан чанг ва қонунга ўхшаш бўлиб, "Нузха"да 81 тор, "Мигни"да 33 та тор уч қатордан тортилган бўлган ва бу турдаги чанг мусиқа чолғулари созанданинг ўнг ва чап қўл бармоқлари, табиий тирноқлари воситасида ижро этилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда "Чанг" чолғуси миллий ва замонавий мусиқа ижрочилигига кенг миқёсда қўлланилмоқда. Фахриддин Содиков, Фозил Харротов, Аҳмад Одилов, Рустам Негматов, Абдураҳмон Холтожиевлар ўзига хос чанг ижрочилиги мактабини яратган устозлар ҳисобланади. Уларнинг ижрочилик анъаналарини ёш чангнавоз шогирдлари Тилаш Хўжамбердиев, Темир Махмудов, Анвар Лутфуллаев, Фазилат Шукрова, Абдусалом Муталов ва И.Ражабов, А.Қодирова, З. Боймирзаева бошқалар давом эттирмоқдалар.

Чанг мусиқа чолғусининг товушқатори уч оқтавадан иборат бўлиб, биринчи товуш "сол" овозидан бошланади, чанг ижроси катта қамишдан ясалган иккита чўпча воситасида ижро этилади. Чанг мусиқа чолғуси тўғирисида кўпгина маълумотлами қуйидаги китобдан олиш мумкин<sup>35</sup>.

**Қонун мусиқа чолғуси.** Шарқ халқлари мусиқа ижрочилигининг чолғу йўли ижросида қонун мусиқа чолғусининг ҳам ўзига хос ўрни бўлиб, мусиқа ижрочилигига кенг қўлланилади. Қонун сўзининг луғавий маъноси мусиқа илмининг қонуни, тартибга келтирилиши маъноларни англатади. Зайнулобидин Маҳмудий Ҳусатний ўзининг "Қонуни илми ва амали мусиқий" ("Мусиқа илмининг амалий ва назарий қонунлари") асарида созлар, овозлар, мусиқий асарлар ҳақида маълумот берган. Қонун мусиқа чолғуси Арабистон, Эрон, Туркия, Кавказ халқлари мусиқа ижрочилигига кенг қўлланилиб келинмоқда. 1972 йилда Ўзбекистон давлат консерваторияда профессор Файзулла Кароматов раҳбарлигига "Шарқ мусиқаси" кафедраси ташкил қилинди. Душанбедаги санъат институтида

<sup>34</sup> С. Абдуллаева. Народные музикальные инструменты Азербайджана. Баку. 1972.14 с.

<sup>35</sup> Аҳмад Одилов, Анвар Лутфуллаев. Чанг. Тошкент. 2002 й..

1979 йилда мусиқашунос Аслиддин Низомов раҳбарлигига "Шарқ мусиқаси" кафедраси ташкил қилинди. Ҳозирги кунда Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида қонун синфлари фаолият кўрсатиб, қонун ижроси ўрганилмоқда. Қонунда 24 - 25 та уч қатор ичакдан тайёрланган торлар тортилиб, унинг ҳосиласи "сол" кичик оқтавадан "си" иккинчи оқтавагача. Қонун созанданинг иккала кўрсаткич бармоғига мослаб тайёрланган айлана мис ва шоҳдан тайёрланган мизроб воситасида ижро этилади.

**Уд мусиқа чолғуси.** Шарқ халқлари мусиқа ижрочилигига энг қадимий мусиқа чолғуларидан бири бу "Уд" чолғуси бўлиб, бутун Шарқ халқлари мусиқа ижрочилигига қарийб X аср давомида етакчи соз ҳисобланиб, амалиётда кенг кўлланилган. "Уд" мусиқа чолғусининг яратилиши ҳақида турлича маълумотлар берилган. "Уд" сўзининг луғавий маъноси "Қора дараҳт" деган маънони англатади (яъни уд - қора дараҳтдан тайёрланган мусиқа чолғуси). Уднинг дастлабки нусхаси юонон олими - Пифагор ҳаким томонидан ихтиро қилинган дейилади<sup>36</sup>. Уднинг иккинчи номи "Барбат" деб номланиб бу сўз икки маънодадир. Бар-қомат, бат-ўрдак; яъни ўрдак қоматига ўхшаш мусиқа чолғуси маъносини англатади. Маълумки мусиқа тарихида шарқ мусиқа ижрочилигининг асосчиси, шарқ мусиқа маданиятининг ривожига ўз ҳиссасини қўшган созанда, хонанда, бастакор Барбат Марвазийнинг номи зикр этилган бўлиб, бу созанда Ўрта Осиёнинг Марв (Мари) шаҳрида яшаганлиги, унинг етук ижрочилик маҳорати Эрон подшоҳи Хусрав Парвизда катта тасурот қолдирганлиги ва шоҳ саройида фаолият кўрсатиб, шоҳга аatab "Хусравоний" номли мусиқий асарлар басталаганлиги ҳамда бу асарлар узоқ вақтлар давомида Шарқ халқлари мусиқа ижрочилигига ижро этилганлиги ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган. Демак Барбат Уд (Барбат) чолғусини етук ижрочилигидан бўлган. Шу боис уд мусиқа чолғусига иккинчи ном Барбат берилганлиги, ёки Барбат Марвазийга уднинг иккинчи номи бўлмиш "Барбат" тахаллуси берилган бўлиши ҳам мумкин.

Умуман "Уд" мусиқа чолғуси VII асрдан то XVIII асрларнинг охиригача барча Шарқ халқлари мусиқа ижрочилигига мақом асарларидан "12 Мақом" номи билан аталувчи мусиқа асарлари ижро этилган. "12 Мақом" асарларини ижролари эса "Уд" мусиқа чолғусининг соз ва пардаларига мос ҳолда ижро этилган. VII асрдан то XVIII асргача ёзилган барча мусиқа асарларида (китоб, рисола, ўзга манбаларда) факат "12 Мақом" ва "Уд" мусиқа чолғуси ҳақида маълумот берилган. Бу маълумотларни Форобий, Урмавий, Жомий, Навоий, Шерозий, Кавкабий, Ҳусайний, Дарвеш Али ва

<sup>36</sup> Исоҳоқ Ражабов. Макомлар масаласига доир. Тошкент. 1963 йил. 17. с.

бошқа мутафаккирларнинг мусиқа илмига бағишиланган асарларида кўришимиз мумкин. Форобий ва Урмавийлар ўзларининг дастлабки "Шарқ нота" ёзуви тизимини ҳам "12 Мақом" ижроси ва "Уд" мусиқа чолғусининг сози, пардалари, торлари умуман ижровий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда яратгандар. Шу даврларда "Уд" сози аввал 4 кейин 5 торли ва 7 пардали бўлиб, торлари: бам, маслас, масна, зир, ҳодд тусида, пардалари эса: мутлақ, зоид, мужаннаб, саббоба, вустаи фурс, вустаи Залзал, бинсир, хинсир каби номлар билан аталган. Кўпгина иншо этилган мусиқий рисолаларда "Уд"нинг турли хил қўринишдаги, номланишдаги нусхалари, турлари ҳақида маълумот берилган: Уд, уди комил, уди қадим, тараф руд, руд, шоҳруд, Барбат ва ҳоказо. XVIII асрларга келиб мусиқа ижрочилигига "12 Мақом" асарлари турли давлатларда турлича талқин этилиб, номланиб ижро этилабошлиланган. Масалан: "12 Мақом" асарлари орасига Эронда -"Дастгоҳ", Кавказ халқларида "Мугам", Ҳиндларда "Рага", Ўрта Осиёning Бухоро шаҳрида "Шашмақом" номлари билан аталиб, бу асарларни ижросида энди "Уд" чолғуси эмас - "Дастгоҳ" асарлари ижросида сетор, комонча, "Рага"асарларини ижросида Ҳинд сетори, "Шашмақом" асарлари ижросида эса танбур асосий мусиқа чолғуси ҳисоблана бошлиланган. "12 Мақом" номли мақом асарлари ҳозирги қунгача фақат Ўйғур халқларида сақланиб қолган ва бу асарлар Ўйғур танбурида ижро этилади. Демак XVIII асрга келиб мақом номли мусиқий асарларнинг ижролари "Уд" чолғусида эмас балъки юқоридаги мусиқа чолғуларида ижро этила бошлиланди.

**Танбур ва сато мусиқа чолғуси.** Танбур мусиқа чолғуси икки хил ижро йўли асосида мусиқа ижрочилигига қўлланиб келинган. Яъни нохун (мизроб) ва комон воситасида ижро этилган. Комонли танбур ҳақида Омулий кейинчалик Абдулқодир Марофий ўзининг "Мақосид-ул-алҳон" (Куйлар мақсадлари) асарида 40 га яқин мусиқа чолғулари ҳақида маълумот бериб, танбурнинг комон воситасида ижро этиладиган нусхаси "Най танбур" ҳақида маълумот берган. Бизнинг давримизда эса 1920 йиллардаги мусиқа ижрочилиги яъни "Шашмақом" асарларини ижроси ҳақида маълумот бериб, Абдурауф Фитрат ўзининг "Ўзбек синфикс мусиқаси ва унинг тарихи" китобида шундай фикр билдирган."Шашмақом" асарлари икки ё уч танбур жўрлигига ижро этилиб, уч танбурдан бири комон воситасида ижро этилган. Агарда бир танбур комон воситасида ижро этилмагандан унинг ўрнига қубуз чолғуси жўр бўлган.

Демак, созандалар баъзан танбурни комон воситасида ижро этишган. Дастлабки ўзбек театрида Ўзбекистоннинг энг етук режиссёrlари, актёрлари, созандалари ва хонандалари ушбу театрда фаолият кўрсатишган. Етим Бобожонов, Юнус Ражабий, Турғун Алиматов ва бошқалар. 1957 йилда эса

Ўзбекистон радиоси ва телевиденияси қошида Юнус Ражабий раҳбарлигига миллий, мақом анъсамбли ташкил этилиб, энг етук созанда ва хонандалар бу анъсамблга таклиф этилади. Жумладан Турғун Алиматов ҳам танбур чолғучи созанда сифатида таклиф этилган. Юнус Ражабий Турғун Алиматовга ўз хоҳишини билдириб, энг етук устозлардан Султонхон Ҳакимов, Маъруфжон Тошпӯтатов, Фазлиддин Шаҳобов ва бошқалар баъзан танбурни комон воситасида ижро этишган. Шу боис Турғун Алиматов шу анъанани қайта тиклаши ҳақида фикр юритилади.

Хозирги биз фикр юритадиган "сато" ёки "танбур сато" ҳақида Ўзбекистон халқ артисти Ўзбекистон давлат консерваториясининг профессори Турғун Алиматов халқ устаси Усто Усмон Зуфаровга мурожаат қилиб, бир танбур каттароқ қўринишида бўлиб, бунда ҳам ноҳун, ҳам комон воситасида мусиқа ижро этилиши лозимлигини айтади. Устахонага келиб Усто Усмонга бу хоҳишни билдиради ва устахона бурчагида чанг босиб ётган мусиқа чолғусини кўради. Бу мусиқа чолғуси 1937 йилда Ўзбекистоннинг Москвада бўлиб ўтган биринчи декадасига бағишлиб тайёрланиб, кўргазмада намойиш этилиб, шу йилдан 1957 йилгача устахонада сақланган. Ушбу мусиқа чолғуси олинниб унинг парда, қопқоқ, харрак каби қисмлари янгиланиб қайта таъмирланди ва Турғун Алиматов томонидан комон воситасида мусиқий асарлар ижро этила бошланди. 1937 йилда Ўзбекистоннинг 1-чи декадасини Москва шаҳрида ўтиши муносабати билан Усто Усмон Зуфаров томонидан барча ўзбек миллий чолғуларини кўпгина қўринишдаги турлари қайта тайёрланиб, декадада намойиш этилади. Танбур сато ҳам кўргазма учун Москвада намойиш этилади. Лекин ҳеч бир созанда уни ижро ва созига қизиқмаган. Турғун Алиматов бу чолғуни баъзи бир қисмларни янгилаб ижрочиликка ҳам танбур, ҳам сато услубида ижро эта бошлади. Дастреб Турғун Алиматов "Наво" номли мусиқий асарини тайёрлаб ижро этган. Бу радио ва телевидения орқали намойиш этилгач, бу мусиқа чолғусини танбур сингари "ноҳун" воситасидаги ижроси "танбур", комон воситасидаги ижроси "сато", ёки "танбур сато" деб атала бошланган. Кейинги йилларда Турғун Алиматов жуда кўп мусиқий асарларни сато ижрочилиги йўлида ижро этиб, ўзига хос ижрочилик мактабини яратиб, "Сато наволари" номли пластинка ёзувини шинавандаларга ҳадя этган.

**Сато** - сўзининг асл маъноси шундан иборатки, "сато" сўзи "садо" ёки "сетор" сўзидан олинган. Аниқроғи сетор сўзини Уйғур тилидаги талаффузидан олинган. Уйғур халқида ҳам мақом асарларини "марғул" номли ижровий бўлаклари танбурнинг комон воситасидаги ижроси асосида ижро этилади. Яъни сетор сўзини уйғур тилидаги талаффузи "сатар" сўзидан олинган бўлиб, Уйғурларда комонли танбур - "сато" ёки "сатар" деб аталган.

Шундай қилиб ушбу "сато" сўзининг атамасини юқоридагича изоҳлаш мумкин.

**Сато** ижрочилигига ғижжак чолғусидаги ижровий зарб ва безаклари қўлланилади. Фақат "Зарби оро" зарби танбурда нохун воситасида, "сато" ёки "танбур сато" да кўрсатгич бармоқ воситасида ижро этилади.

**Дутор мусиқа чолғуси.** Дутор ҳам танбур оиласига мансуб мусиқа чолғуларидан ҳисобланади. Чунки танбурнинг дастлабки нусхалари икки торли бўлиб дутор деб ҳам аталган. Дуторнинг ясалиш тартиби ҳам айнан танбурдек, фақат косахонаси бўлак-бўлак чўплардан тайёрланади. Яъни косахонани тайёрлаш учун маҳсус қолаб (қолиб) ясалади. Торлари иккита бўлиб, аввал ипакдан, кейинчалик эса ичакдан тайёрланган. 1920 -йилларда Бухорода 13-14 пардали дуторлар бўлиб, дуторларда мақом асарлари ижро этилмаслиги, харраги паст бўлганлиги учун ижрочилигига Самарқандлик устоз Ҳожи Абдулазиз Расулов дуторда моҳирона ижро этганлиги учун ҳам унинг дутор чалиш маҳоратига юқори баҳо берилади<sup>37</sup>. Эронда танбур номли мусиқа чолғуси бўлиб, лекин дуторга ўхшаб панжа воситасида мусиқий асарлар ижро этилади. Дутор чолғуси Ўрта Осиё худудида учрайди. Қозогистон, Қирғизистон, Ўзбекистон худудидаги Қорақалпоғистон автоном вилоятларида бир хил дуиор. Ўзбекистон ва Тожикистонда бир хил дуторлар мавжуд.

Ўзбекистонда эса ажойиб садо берувчи дуторлар бўлиб, бу дуторлар Усто Тоҳир Бухорий ва Усто Усмон Тошкандийлар томонидан тайёрланган бўлиб, кейинги йилларда халқ устолари Усто Фахриддин, Усто Муҳаммад Сиддик, Усто Тўхтамуродлар томонидан тайёрланаётган дуторлар Усто Тоҳир ва Усто Усмон тайёрлаган дуторлардан айнан нусха олинган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда катта дутор, кичик дутор, қавурғали дутор, қозма дутор каби дуторлар Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент маҳалгоҳларида учрайди. Тожикистоннинг Кўлоб, Қоратегин, Ванж маҳалгоҳларида ҳам турли хил дуторлар учрайди. Ўзбекистоннинг Олий ва Ўрта мусиқа даргоҳларида Фахриддин Содиков, Ориф Қосимов, Абдусамад Илёсов, Боқижон Раҳимжонов, Абдураҳим Ҳамидов, Даврон Балиқов, Илёс Лутфуллаев, Аҳмаджон Абдураҳимов ва бошқалар дутор синфлари бўйича устозлик қиласи.

**Най мусиқа чолғуси.** Най мусиқа чолғуси барча шарқ халқларида учрайди. Кўпгина давлатларда най мусиқа чолғуси ётиқ ҳолда ижро этилса, баъзи давлатларда эса тик ҳолда ижро этилади.

<sup>37</sup> А.Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. -Тошкент. 1993.29 с.

Най мусиқа чолғусининг яратилиши ҳақида турли хил маълумотлар мавжуд. Улардан бирида гўё най темирчиларнинг оловини ҳавоси орқали пуфлаб берадиган нарсасига қиёс қилиб Хоразмшоҳ Мавлоно Сафиуддин Ал-Мўмин томонидан ихтиро қилинган дейилади<sup>38</sup>. Най мусиқа чолғуси зардолидан, тутдан, ғаровдан, нукра, кумуш ёки мисдан ясалади. Унда етти овоз чиқарувчи тешик пардалар бўлиб, биттаси алоҳида оғиздан нафас бериш учун, олтитаси бир жойда бирин-кетин олти бармоққа мосланиб, булар асосий садо чиқарувчи айлана пардалар ҳисобланади.

1924 йилларда Бухорода мавжуд най чолғуси тўғрисида қўйидаги маълумотлар берилган: "Най қамиш маъносига форсийча бир сўздир. Най "биринж" ё "бақир"дан (кумуш ёки мис) ясаладур"<sup>39</sup>. Яъна бир асарда танбур мусиқа чолғусини созланишида Бухорода мавжуд найлардан фойдаланилганлиги яъни мис най "сол", ёғоч най "ля-бемол", ғаров най "ля" товушларини бериб, асар ижросига танбур юқоридаги найлардан бири - "сол", "ля-бемол" ёки "ля" товушларига соз қилинар экан. (Н.Миронов. Мусиқа Ўзбеков. Самарканд. 1929. 12 с.) Ўзбекистонда най мусиқа чолғуси мусиқа ижрочилигига кенг миқёсда қўлланилади. Най сози ижрочилигига ўзига хос ижрочилик йўлларига эга бўлган Устозлардан - Абдуқодир Исмоилов, Ҳомиджон Жалолов, Аюб Қодиров, Сайджон Калонов, Ҳалимжон Жўраев, Абдул Аҳад Абдурашидов, Мирза Тохиров, Аҳмаджон Собиров, Тожикистонда эса Нисон Шоулов ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўзбекистон давлат консерваториясида най синфи бўйича профессор Мирза Тохиров ва доцент Аҳмаджон Собиров устозлик қилди.

**Фижжак.** Фижжак мусиқа чолғуси ҳақида турли манъбаларда ҳар хил маълумотлар берилган. Фижжаклар дастлаб бир торли, кейин икки ва уч торли ҳозирги кунда эса тўрт торлидир. Озарбайжон мусиқашунос олимаси Саодат Абдуллаева ўзининг "Мусиқални инструменти Азербайджана". Баку. 1972. Бу китобининг 16 ва 17 саҳифаларида "Кеманча" ва унга оиласдош "чегане" мусиқа чолғулари ҳақида маълумот берган. Файзулло Кароматов ўзининг мусиқа чолғулари ҳақида ёзган китобида "Бобурнома" асари ҳақида маълумот бериб, бу асарда Қул Муҳаммад Удий ғижжакка учинчи торни тоққанлиги ҳақида маълумот беради<sup>40</sup>.

Ўзбекистонда ғижжак ва қубуз, Эрон ва Кавказ халқларида "кеманча" номлари билан ва унга оиласдош Ҳиндистон, Покистон, Афғонистонда "дилрабо", Тожикистоннинг Кўлоб, Тоғли Бадахшон Автоном вилоятида "жигак" (ғижжак) мусиқа чолғулари мавжуд. 1937 йилда Москва шаҳрида

<sup>38</sup> Аскарали Ражабов. Наъмаи Ниёгон. Душанбе. Ирфбн.1988. 124 с.

<sup>39</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент 1993 йил 33.с.

<sup>40</sup> Ф.Кароматов. Узбекская инструментальная музыка. Ташкент. 1972. 110 с.

ўтказиладиган ўзбекларнинг биринчи декадасига бағишлиб Ўзбекистонда жуда кўп миллий мусиқа чолгулари халқ устаси Ўзбекистонда Хизмат кўрсатган Санъат арбоби Усто Усмон Зуфаров томонидан қайта тайёрланиб, жумладан уч торли танбур ва ғижжакларга яна бир тор тақилиб, улар тўрт торли бўлган.

Хозирги кунда тўрт торли ғижжаклар мусиқий таълим даргоҳларида ижрочилигига қўлланилмоқда. Ғижжакларнинг тўрт торини биринчиси кичик октава "сол" иккинчи ва учинчиси биринчи октава "ре" ва "ля", тўртинчи тори эса иккинчи октава "ми" товушларига созланади. Ғижжак ижроси учун эса от думидаги табиий ва маҳсус тайёрланган сунъий оппоқ қил торларидан "комон" тайёрланади. Миллий мусиқа ижрочилигига ғижжак ўзига хос ижрочилик мактабига эга бўлиб, буюк устозлардан - Имомжон Икромов, Салоҳиддин Тўхтасинов, Ғуломжон Ҳожиқулов, Илҳом Тўраев, Фанижон Тошматов, Дони Зокиров, Маҳмуджон Муҳаммедов, Обит Холмуҳаммедов, Ботир Расуловлар ҳамда уларнинг давомчилари-Абдуҳошим Исмоилов, Ўлмасжон Расулов, Зиёвуддин Андижоний, Аҳмаджон Даҳаев, Салоҳиддин Азизбоев, Каҳрамон Комилов, Шуҳрат Йўлдошевлар, Қашқадарёдан Бўронхон Муқимов, Аъзам Ражабов, Баҳриддин Остонов, Салоҳиддин Аъзамов, Нишонбой Авазов, Равшан Муҳаммадией, Диљшод Мингишев, Жамол Холмуродов, Жуманазар Иброгимов ва бошқаларнинг устозона ижролари таҳсинга лойиқдир.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ғижжак синфи бўйича профессор Мурод Тошмуҳаммедов устозлик қилди. Бу устоз томонидан ғижжак мусиқа чолғусини анъанвий ва замонавий ижроларига хос кўпгина дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланиб, нашр эттирилган ва ўқув жараёнида кенг миқёсда қўлланилади.

**Афғон рубоби.** Афғон рубоби ўзбек миллий мусиқа ижрочилигига асосан Бухорода кенг қўлланилади. Абдурауф Фитрат "Рубоб" деб бу чолғу тўғирисида маълумот берган. Бироқ, мазкур маълумот қошғар рабоби ҳақидами ёки афғон рубоби ҳақида эканлиги факат берилган маълумотномадек изоҳ орқали тушуниш мумкин. Рабоб созининг торларини миқдори, тузилиши албатта афғон рубоби ҳақидаги маълумотлардир. Бу турдаги рубоб Ҳиндистонда, Покистонда ҳамда Бадахшон вилоятида турлича номланишларда учрайди. Маълумки, афғон рубоби Бадахшон вилоятининг баъзи маҳалалари, Афғонистон худудида, баъзилари Тожикистон худудида мавжуд. Шу боис бу рубоб сози Бадахшонда "Бадахшон рубоби", Афғонистонда "Афғон рубоби" деб аталади.

Бадахшон рубобини косахона ва даста тузилиши бир бўлак ёғочдан тайёрланади. Торлар ўрнашган жой "Сарпанжа" номли бўллаги алоҳида

тайёрланиб бириктирилади. Унда асосан бешта ичакдан тайёрланган торлари бўлиб, улар турли хил йўғонликда. Ундан ташқари оқ пўлатдан тайёрланган ўниккита симли торлари яъни қўшимча садо берувчи торлари дастасининг орқа ён қисмida ўрнатилган.

Афғон рубоби мусиқа чолғусининг ижроси ҳам ўзбек миллий чолғулари қатори барча мусиқа даргоҳларидағи рубоб синфларида ўргатилган. Дастребки ижролари Эргаш Шукруллаев, ҳозирги кунда Бухородаги Муҳтор Ашрафий номидаги мусиқа билим юртида ва Олияхон Султонова раҳбарлигидаги "Ситораи Моҳихоса" номли фольклор анъсамбилининг созандаси Тўра Жўраев ва бошқа эндиликда ўзбек миллий чолғу ансамблларида афғон рубобидан кенг фойдаланилади. Ўзбекистон давлат консерваториясида эса Афғон рубоби синфи бўйча ҳар йили қабул квотаси доирасида танлов асосида абитуриентлар талабаликка қабул қилинади. Машҳур афғон рубоби созандаси доцент Ғуломқодир Эргашев устозлик қиласи. Созланиши айнан Қошғар рубоби созланиши бўйича ля, ми, до.

**Қашқар рубоби.** Мазкур мусиқа чолғуси қўпгина Шарқ халқлари мусиқа ижрочилигига кенг қўлланилади. Рубоб мусиқа чолғусининг турли хил қўринишлари Араб мамлакатларида, Хитойнинг Қошғар вилоятида, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ҳамда Ўрта Осиёнинг кўпгина худудларида, Тоғли Бадахшон автаном вилояти мусиқа ижрочилигига қўлланилади. Рубоб мусиқа чолғусининг яратилиши борасида турли хил маълумотлар мавжуд. Гўё рубоб Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида яратилганлиги ҳақида муаллифи номаълум мусиқий рисолада маълумот берилган. Лекин бу маълумот тўғрисида Абдурауф Фитрат ўз китобида қуйидаги фикрни билдиради. Йигирманчи йилларда Ҳиндистондан келтирилган "Соранг" номли бир чолғунинг рубобга жуда ўхшашлиги мени шоширгон эди. Сўнгра қўлимға тушган Дарвеш Алийнинг "Рисолай мусиқий" асарида бу чолғунинг Балҳда ясалғони, Муҳаммад Хоразмшоҳ замонида Хоразмда ривож топгани кўрсатиладур<sup>41</sup>. Лекин бу берилган маълумот ҳозирги кунда Ўзбекистон худудида мавжуд Қошқар рубоби ҳақида эмас балки Афғон ёки Бадахшон рубобига ўхшаш рубоб тўғрисидаги маълумотдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Қашқар рубоби ва Афғон рубоби, Тожикистанда эса Қошғар рубоби, Бадахшон рубоби, Помир рубоби, Қумри (катта рубоб) каби рубоб чолғулари мавжуд. Ўзбекистонда Қашқар рубоби 1937 йиллардан бошлаб қўлланила бошлаган. Бу борада рубоб мусиқа

<sup>41</sup>Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент 1993. 79 с.

чолғусининг энг етук мутриб созандаси Ўзбекистон Халқ Артисти устоз Муҳаммаджон Мирзаев билан сұхбат шуни күрсатады, Тошкентда дастлаб бир уйғур созандаси бу чолғуни ижро этиб юрган. Муҳаммаджон Мирзаев бу рубобни кўриб ундан нусха олиш мақсадида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби халқ устаси уста Усмон Зуфаров устахонасига боради. Айнан шу 1937 йилда Ўзбекистоннинг Москва шаҳрида бўладиган биринчи декадасига тайёргарлик кўрилиб, турли хил мусиқа чолғулари ҳам тайёрланадиган эди. Шу йили уста Усмон Муҳаммаджон Мирзаевга ўзи олиб келган Уйғур рубобидан айнан нусха олиб бир неча рубоб тайёрлайди ва биринчи тайёрланган Қашқар рубоби Муҳаммаджон Мирзаевга тақдим этилади. Маълумки бу турдаги рубоб айнан танбур сингари бўлиб, бунда пардалар боғланган, созланиши ҳам айнан танбур сингари бўлган. Фақат бу янги тайёрланган рубобда боғланган пардалар ўрнига, пўлатдан ясалган пардалар ўрнатилади. Созланиши авалгидек квинта яъни ля, ре, ля овозларига. Бу турдаги созланиш рубобнинг анъанавий созланиши, кейинги йилларда қайта тайёрланган рубобнинг созланиши ля, ми, ля кварта овозларига, лекин то ҳозирги қунгача Муҳаммаджон Мирзаев ва устознинг фарзандлари Шавкат Мирзаев анъанавий соз учун мусиқий асарларни басталаб, чолғу ва ашула йўли услубида ҳамда рубоб жўрлигида ижро этиб келишмоқда. Шунингдек, Аббос Баҳромов, Бўрибой Мирзааҳмедов, Эргаш Шукуриллаевлар ҳам ушбу созда чалиш сирларини ўргандилар.

Маълумки, Қашқар рубобини дастлабки ижроси, мазкур чолғуни ўзбек миллий мусиқа ижрочилигига оммалашиб кетишига, кейинги йилларда Қашқар рубобининг ўзига хос ижрочилик мактабини яратган буюк Устоз Муҳаммаджон Мирзаевнинг хизматлари буюkdir. Қашқар рубобида ўнлаб мусиқий асарлар басталаниб, "бам" ва "зир" (зил) ижросига хос икки рубобда Муҳаммаджон Мирзаев ва устоз Шавкат Мирзаевлар ижро этган мусиқий асарлар беҳисобдир. "Баҳор валъси", "Завқим келур", "Дил куйи", "Гулбаҳор ва тановар" ва бошқалар шулар жумласидандир. Узоқ йиллар Қашқар рубобида маҳсус басталанган, халқ куйлари, мақом асарларидан намуналар ижро этиб келинди. Кейинги йилларда устоз созанда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Артист Шавкат Мирзаев рубобда ўзига хос мақом ижрочилиги мактабини яратиб, рубоб мусиқа чолғуси жўрлигида Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева билан Ўзбекистон, Ўрта Осиё ва кўпгина Хорижий мамлакатлардаги йирик мусиқий анжуманларда қатнашдилар.

Ҳозирги кунда рубоб мусиқа чолғусини моҳир ижроилари Шавкат Мирзаев, Қобил Усмонов, Ари Бобохонов, Тоҳир Ражабов, Адҳам Худойқулов, Даврон Зиёдов ва бошқалар устоз Муҳаммаджон Мирзаев ижрочилик мактабининг давомчилари ҳисобланади.

**Дойра чолғуси.** Дойра мусиқа чолғуси мусиқа ижрочилигидә асосан мезон ҳисобланиб, якка ижро, икки, уч, түрт, беш ва күпроқ чолғулар жүрлигидаги жамоа ижролари жараённанда ҳамда хонанда ва созандалар жүрлигидаги ижролар, бир меъёрда муайян ўлчовлардаги дойра зарбалари асосида ижро этилади. Шу аснода ижро жараёнини секин, ўртача, тез ва жозибадорлиги сезилиб туради.

Дойра мусиқа чолғуси бутун Шарқ халқларыда турли хил номлар билан аталиб ижрочиликда қўлланилади. Масалан: дойра, дап, даф, чирманда, чилдирма. Туркияда эса "думбалақ" номи билан аталади.

Хозирги кунда Ўрта Осиёда турли хил кўринишдаги дойралар учрайди. Ўзбекистонда эса дойра мусиқа чолғуси халқ ашулалари, яллалар, терма, лапар, мақом асарларини чолғи ва ашула йўли ижроларида кенг миқёсда қўлланилади.

Дойрада ижро этиладиган ижро зарблари эса турли даврларда ҳар хил номланиб, аruz вазнлари асосида тартибга келтирилиб "Т" ва "Н" ҳарфларидан фойдаланилган. Масалан: Та-на. тан-нан, тана-нана ва ҳоказо<sup>42</sup>. Кейинги йилларда бүм, бак, бак-ка бүм, ист каби усувлар оғзки тарзда баён этилади. Сурхондарё ва Қашқадарё маҳаллий услубида бавс, бам-бам, бавс, бам, биж каби оғзаки тарзда баён этилади. Маълумки Бухоро шаҳрида мусиқа илмини амалий ва назарий масалаларига катта эътибор бериб келинган. 1920 йилларгача Бухорода мавжуд мусиқа ижрочилиги ҳақида ёзиб қолдирилган кўпгина мусиқий рисолаларга таянган ҳолда Абдурауф Фитрат дойра зарблари ҳақида шундай маълумот беради. У дойра зарбларини "усул" деб атайди. Бунда "нағма" ва "никра" тўғрисида сўз юритилади. "Мусиқий олимларимиз мусиқада усул белгилаш учун шундай ҳаракат қиласидар: "куй" да бир-бирига бойланиб келган "никра" ламинг "тан" шаклида бўлганини "сабаб-и ҳафиғ, "тана" шаклида бўлганини "сабаб-и сақил", "танан" шаклида бўлганини "фосила" деб атайдилар. Мана шул (тан, тана, танан) шаклларида бойланган никраларни белгили бир тартибда йиғиб, мусиқий усулларни майдонга чиқарадилар.

«Танан-тан-танан-тан» (фаъулун, фаъулун) вазнига «Ҳазаж» дейдилар. «Тан-танан-тан-танан» (фоиълун, фоиълун) вазнига «Рамал» дейдилар. Мана шундай қилиб «усул» дойраларини тузадирлар. Усул дойралари баъзиларига кўра ўн беш, баъзиларига кўра ўн етти, баъзиларига кўра йигирма тўрт, йигирма еттидир. Усул дойраларидан машхур ўн иккитасининг отлари мана шулардир: Ҳазаж, рамал, воғир, дуяқ, фоҳтазарб, Туркий, мухаммас, сақийл,

<sup>42</sup>Исоҳоқ Ражабов. Мақомлар масаласига доир. Тошкент 1963. 68 с.

chanbar, зарб-и қадим, зарбу-1-фатх.<sup>43</sup> Фитрат бу китобда ўз фикрини давом эттириб, ҳозирги кунда ўзбек мусиқа ижрочилигига дойра зарбларидан «Танан-тананан» ўрнига эса «бак-бака-бака-бум» номланишдаги ижролари қўлланилаётганлигини таъкидлайди. Шундай қилиб ҳозирги кунда ўзбек мусиқасида «бум-бак» (Хивада «губ-тақ») номли дойра зарблари бўлиб, ушбу китобчани 12 саҳифасидан то 24 саҳифаларигача Бухорода мавжуд моқом асарларини ижроларида қўлланилган жуда кўп сонли дойра зарблари ҳақида маълумот берган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон мусиқа ижрочилигига дойра мусиқа чолғусини хотин-қизлар халқ ашуалари, лапар, ялла ижроларида кенг фойдаланадилар. Машхур дойрачиларда Уста Олим Комилов, Қаҳрамон Дадаев, Талат Сайфиддинов ва бошқаларни тилга олиш мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Халқ чолғу асбобларининг такомиллашув жараёни қайси давларни ўз ичига олади.
2. Қонун мусиқа чолғусини ривожланиш тарихи.
3. Уд мусиқа чолғусини ривожланиш тарихи.
4. Танбур ва сато мусиқа чолғусини ривожланиш тарихи.
5. Дутор мусиқа чолғусини ривожланиш тарихи.
6. Най мусиқа чолғусини ривожланиш тарихи.
7. Фижжак мусиқа чолғуси ҳақида турли манъбаларда қандай маълумотлар берилган.
8. Қандай рубоб турлари бор.
9. Рубоб мусиқа чолғусини моҳир ижрочиларини санаб беринг.
10. Дойра мусиқа чолғуси бутун Шарқ халқларида қандай номлар билан аталади.
11. Машхур дойрачилар Уста Олим Комилов, Қаҳрамон Дадаев, Талат Сайфиддиновларни ҳаёти ва ижоди.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Алимов Ф. Ўзбек халқ чолғу оркестри. -Тошкент, «Мусиқа», 2004.
2. Дадамухамедов А. Рубоб прима дарслиги. -Тошкент, 2004.
3. Эргашев F. Афғон рубоби дарслиги. -Тошкент, 2004.
4. Нурматов X. Қашқар рубоби. -Тошкент, 2003.
5. Тоиров М., Петросянц А. Мусиқа асбоблари - «Най». -Тошкент, 2002.
6. Одилов А., Лутфуллаев А. Мусиқа асбоблари – «Чанг». -Тошкент, 2002

---

<sup>43</sup>(Фитрат, Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент. 1993. 6,7,12,13 саҳифалар қайта нашри.

7. Қосимов Р. Мусиқа асбоблари – «Уд». -Тошкент, 2002.
8. Қосимов Р. Анъанавий танбур ижрочилиги. -Тошкент, 2002.
9. Абдукаримов М. “Чолғушунослик” -Тошкент 2005 й

**5-мавзу: Мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, “устоз-шогирд” мактаблари.**

**Режа**

1.Мусиқа таълими ва санъатида илмий тадқиқот йўналишларида илмий-назарий ишларни ташкил этилиши.

2.Ўқув-услубий адабиётлар яратиш, “устоз-шогирд” анъаналари ва мактабларининг бардавомлиги ҳамда уларни мусиқий меросни сақлаш ва келажак авлодга етказишдаги ўрни ва аҳамияти

**1.Мусиқа таълими ва санъатида илмий тадқиқот йўналишларида илмий-назарий ишларни ташкил этилиши.**

Вокал санъатида стилистик йўналишлар кўп асрлар мобайнида, ер юзининг турли қитъаларида босқичма-босқич шаклланган. Хусусан, Осиё мамлакатларида халқ қўшиқчилиги, Европада черков вокал айтимлари, Африка, Австралия, Америка мамлакатларида куйлаш санъати ўзгача ўзига хослик билан ривож топган.

Ўзбекистон мисолида куйлаш санъати тарихини кузатадиган бўлсак, касбий мусиқа сифатида илк шаклланиш даври - Кушон подшолиги даври мусиқага оид ашёвий манбаларида ўз аксини топган. Касбий мусиқа намуналарини яратишида халқ мусиқаси муҳим замин ва манба эканлиги олимлар томонидан эътироф этилган. Касбий мусиқанинг оғзаки услубда яшаш анъанаси ва ривож топиши барчага маълум.

**Ўн икки мақом ва Шашмақом.** Мақомларнинг қадими тарихи ўзаро фарқли икки йирик даврга ажralган. Биринчи давр - мазмунини мақомларнинг макон-замон нуқтаи назаридан дастлабки куй-оҳанг қатламлари ташкил этган. Мақомларнинг иккинчи муҳим даври - мақом тизимларининг шаклланиш жараёни бўлганлигидир. Айни пайтда уларнинг касбий мусиқа қатламининг маълум босқичи, шунингдек, ривожланган мусиқа илми, фалсафа, математика фанлари ҳамда шаҳар (сарой) маданий муҳити каби омиллар билан шартланганлиги ҳам асослидир. Аллома Абу Наср Форобийнинг бу борадаги буюк хизматлари унинг мусиқага оид рисолаларида ўз аксини топган. Ўн икки мақом тизими Урмавий ва Шерозийларнинг мусиқа илмига оид асарларида ёритилган. Марофий,

Жомий, Ҳусайний, Кавкабий ва Чангий каби амалиётчи ва назариётчи олимлар ҳам кўп изланишлар қилишган. Ўн икки мақом мажмуасига мансуб мақомлар, овоза ва шўъбалар бугунги кунгача сақлаб келинмоқда.

**Шашмақом туркуми** - Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ жеб номланган бўлимлардан иборат. Шашмақом Ўн икки мақом тизимининг миллий (маҳаллий) мусиқий макон шарт-шароитларида ривожлантирилиши натижасида XVIII аср ўрталаида узил-кесил шаклланган. Унда бастакорлик санъати анъаналари илмий жиҳатдан муайян тизимга солиниб, тасниф этилган. Шашмақом – олти мукаммал парда ва уларга мос куй ва ашулалар мажмуасидир. Унинг таркибидаги мақомларнинг ҳар бири йирик шаклдаги туркумли асарлардан иборат. Бу мақомлар оғзаки анъана тарзида, яъни устоздан шогирдга “оғзаки услугуб” воситасида ўтиб, бизнинг даврга қадар етиб келган. Улар **Мушкилот (чолғу) ва Наср (ашула) бўлимларидан иборат**.

**Наср бўлими.** Шашмақомнинг ашула бўлимлари мураккаб шаклдаги шўъбалардан таркиб топган. Ашула бўлимларида тузилиши жиҳатидан бирбиридан ажralиб турувчи икки хил шўъбалар гурухининг мавжуд. Булардан биринчисига - Сарахбор, Талқин, Наср каби шўъбалар ва Уфар қисми киради. Шўъбаларнинг мураккаб шаклий тузилмалари мавжуд. Намудлар уларнинг шўъба авжларида келади. Шашмақомнинг II гурӯҳ шўъбалари ўзига хосдир. Уларнинг Шашмақом туркумидан нисбатан кеч шаклланганлиги ва уларда назирагўйлик анъанасининг ўзига хос акс этган. Савт ва Мўғулча номли шўъбаларнинг етакчилиги ҳамда ҳар бирининг Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар номли шохобчаларидан иборат. Ушбу шохобчаларнинг юзага келишида асосий шўъбаларнинг куй-оҳанглари сақланиб, уларда доира усулларининг ўзгариб боради.

**Мақом ижрочилиги анъаналари.** Мақом чолғу ва ашула йўлларининг тингловчига тўғри етиб боришида ижрочилик санъатининг аҳамияти катта, албатта. Созанда ва ҳофиз маҳсус малакага эга бўлиши, бунинг учун “устоз-шогирд” мактабида таҳсил кўрган бўлиши лозим. Мақомларни ижро этишда икки чолғу – танбур ва дойранинг ўрни муҳимдир. Мақомларни турли таркибдан иборат ансамбл шаклларида ижро этиш анъанаси мавжуд. Мақомларнинг туркум шаклида ижро этилиши азалдан шаклланган.

**Хоразм мақомлари.** Хоразм мақомлари Шашмақом шаклидадир. Шашмақом Хоразм шароитига мосланиб, катта ўзгаришларга учраган. Хоразмлик машҳур бастакорлар - Ниёзжон Ҳўжа, Феруз. Комил Хоразмий, Муҳаммадрасул Мирзо ва бошқалар мақомларга янги чолғу қисмлари басталаганлар. XIX асрда Хоразм мақомларининг Комил Хоразмий ихтиро қилган «Танбур чизифи» воситасида ёзиб олинган. XX асрнинг 50- ва 80-

йилларида Матниёз Юсупов томонидан беш чизиқли нота ёзувларига олиниб, нашр эттирилган.

**Хоразм мақомларининг “айтим йўллари”.** Хоразм мақомларининг ашула бўлими «айтим йўли» дейилади. Ашула бўлим мининг тузилиши, таркиби ўзига хос. Шашмақом туркуми билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳам бор. Хоразм мақомларининг машҳур ижро чилари. Хоразм мақомларининг бизга маълум бўлган маҳоратли ижро чилари бир неча авлоддан иборатлиги. XIX аср бошларида Комил Хоразмий, XIX аср иккинчи ярми-XX аср бошларида Комил Хоразмийнинг шогирдлари фаолияти.

**Фарғона-Тошкент мақом йўллари.** Бу турдаги мақомлар Бухоро ва Хоразм мақомларидан фарқли ўлароқ яхлит бир туркумни ташкил этмай, балки алоҳида-алоҳида чолғу ва ашула йўлларидан иборатдир. Хусусан, Баёт, Дугоҳ Ҳусайн, Чоргоҳ, Гулёр-Шаҳноз, Сегоҳ ва Насруллои кабилар ташкил топган. Фарғона-Тошкент мақом йўллари таркибида бир қисмли намуналардан, беш-етти қисмгача бўлган туркум асарларининг мавжудлигини эҳтироф этиш мумкин.

**Фарғона-Тошкент мақом ашула йўллари.** Фарғона-Тошкент мақом йўлларида “Фарғона -Тошкент мусиқа услуби”га хос бўлган - ялла, ашула, ва катта ашула жанрларининг хусусиятлари намоён бўлади. Ашула йўллари мумтоз шеърият асосида “ўқилиши” тадқитот қилинган, уларни ижро этганлар таниқли ижро чиларнинг номлари машҳур . Ёввойи мақом. Фарғона-Тошкент мақом йўлларини катта ашула йўлига мослаб айтиш амалиёти мавжуд. Ёввойи мақом ибораси “усулсиз мақом” ўрнида ҳам ишлатилади.

**Анъянавийлини замонавийлашувчи ҳамда унинг омаллашувидаги салбий холатлар.**

Вокал санъатида стилистик йўналишлар академик ижро чилик йўлида ҳам шаклланган. Ғарбий Европа, Франция, Немис, Рус, Ўзбекистон вокал санъати ўз тарихига эга.

**Ғарбий Европа вокаль санъати тарихи.** Ғарбий Европа вокал санъатининг тарихи Италиялик миллий вокал мактаби. Илк опера муаллифлари. XVI-XVIII асрларда Италиядаги флоренциялик, неаполетан, венециан опера ва вокал мактаблари. XV-XXасрларда итальян вокал педагогикаси. А.Скарлатти - Bel canto асосчиси. Ж.Вердининг ижоди-миллий опера мактабининг чўққиси. Буюк хонандалар: В.Аркили, Ж.Рубини, Ж.Паста, А.Патти, Ф.Таманьо, М.Каллас, Р.Тебальди, Марио дель Монако ва бошқалар.

**Франция вокал санъати тарихи.** Француз миллий вокал мактабининг тузилиши ва ривожланиши. Ж.Люлли лирик трагедияларнинг яратувчиси. Операда речитатив ўрни. Х.Глюкнинг опера реформаси. Унинг

қўшиқчиларга талаблари. Катта француз операсининг шаклланиши асослари. Ф.Обер, Д.Мейербер-янги жанр яратувчилари. Француз вокал педагогикаси. Француз опера ижрочилари: А.Нурри, Ж.Дюпре, М.Малиран, П.Виардо.

**Немис миллий вокал мактаби.** Немис опера яратилиши ва унинг ривожланиши. Г.Шютц - биринчи немис опера бастакори. Гамбург операси, Реалистик опера драматургия яратилишида В.Моцарт ижодининг аҳамияти. К.М.Вебер ижодида немис миллий операсининг тасдиқланиши. Немис вокал педагогикасининг асосчиси; педагогика ривожланиши. Немис буюк опера хонандалари: А.Ланге, И.Хофер, И.Шиконедер, А.Годлиб.

**Рус вокал санъати тарихи.** Рус операсининг яратилиши ва ривожланиши. Миллий опера театри яратилишининг муҳим асослари. М.Глинка-композитор, педагог, ижрочи, рус опера ва вокал мактабларининг илк асосчиси. Глинка операларини саҳнага қўйилиши ва рус опера қўшиқчиларини ўсишида уларнинг аҳамияти. О.Петров, А.Воробьёва-Петрова, М.Степанова, С.Гулак-Артемовский-Глинка операларининг илк ижрочилари. Камер-вокал жанрида Даргомижский ижодининг аҳамияти. П.Чайковский ва Могучая кучка бастакорларининг опера ва вокал ижоди. С.Мамонтов режиссёр-новатор ва унинг опера театрининг роли. Петербург ва Москвада консерваториялар очилиши. Биринчи устозлар: Г.Ниссен-Соломан, И.Прянишников, А.Додонов, У.Мазетти. Рус вокал педагогикасининг ривожланиши. Буюк рус опера хонандалари: Н.Фигнер, Ф.Шаляпин, Л.Собинов, А.Нежданова, В.Барсова, И.Архипова, Е.Образцова, Т.Милашкина, В.Атлантов ва бошқалар.

**Ўзбекистон вокал санъати тарихи.** Ўзбек операси ташкил этишининг асослари. Ўзбек опера ва вокал санъатининг ривожланиши. Миллий вокал маъданияти. Шошмақом-миллий профессионал санъати ёдгорлиги. М.Қори-Ёқубов ва Тамара Хоним ижоди. М.Ашрафий ва С.Василенконинг илк «Бўрон» ўзбек операси. К.Зокиров, Х.Насирова, М.Муллажанов, М.Қори-Ёқубов шу операнинг биринчи ижрочилари. А.Навоий номидаги давлат театри қурилиши (1947). Рус ва ўзбек бастакорлари операларининг ўзбек тилида саҳнага қўйилиши. Ўзбек опеар ижрочиларининг вокал маҳорати тикланишида уларнинг аҳамияти. Ўзбек операси тараққиётида ва унинг пропагандасида С.Юдаковнинг Майсарапнинг иши спектаклининг аҳамияти. М.Ашрафий-атоқли бастакор, дирижёр, жамоа арбоби. Ўзбек опера санъатида унинг ижодининг аҳамияти. “Дилором” операси. С.Қобулова, С.Ярашев, К.Зокиров- шу операнинг илк ижрочилари. Самарқандда (1964-1991) опера театрининг мавжудлиги. Ўзбек операси ривожланишида театрнинг аҳамияти. Мустақиллик даври мобайнида М.Бурхоновнинг Алишер Навоий,

А.Икромовнинг Буюк Темур, М.Бафоевнинг Ал-Фарғоний ва бошқа операларнинг яратилиши.

**Вокал санъатида стилистик йўналишлар эстрада-жаз ижрочилик йўлида** ҳам шаклланган. “Жаз” ва “эстрада” атамасига доир тушунчалар ҳозирги даврда барча маълум. Ғарбий, Марказий, Жанубий Африка халқлари мусиқа маданияти, Африка хабашлари меҳнат ва маросим мусиқаси, XVI-XVIII асрлар Шимолий ва Жанубий Америка мусиқа маданияти, XIX аср АҚШ архаик (қадими) ижодиёти асосида жаз услуби шаклланди.

**Жаз мусиқасининг фольклор асослари.** Жаз мусиқасининг фольклор асосланган. Мумтоз (классик) жаз мусиқаси ривожининг асосий тамойиллари ва услублари мавжуд. Янги Орлеан жаз услуби, Чикаго жаз услуби. Свинг жаз услуби эндилиқда ҳаммага маълум.

**Жаз намоёндалари.** Мумтоз (классик) жаз мусиқасининг ҳам таниқли намояндалари етишиб чиқди. Замонавий (модерн) жаз мусиқаси услуг ва йўналишлари ҳам шаклланди. Модерн жаз мусиқаси таниқли намояндалари номлари эндилиқда мусиқа тарихи сахифаларидан муносиб ўрин эгаллади.

**Ўзбек анъанавий ашула ижрочилиги.** Ўзбек анъанавий ашула ижрочилигига уч хил усул мавжуд. Бинниги, гуллиги, ишками атамаларининг маънолари ва таърифлари шу хил куйлаш усуllibарини белгилайди. Бинниги ва гуллиги усулида айтадиган ижрочилар, ишками услубида ижро этадиган ашулачилар номлари элу юрга таниш. Ишкамнинг ханақойи гумбазли тури ва унинг таърифи тадқиқотлар обьекти бўлган.

**Машхур хонандаларнинг қисқача ижодий фаолияти.** XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган Ота Жалол Носир ўғли 1845-1928 йилларда ижодий фаолият олиб борган. Унга Устози Куллий деб ном берилган. Ҳожи Абдулазиз Абдурасолов 1852-1936 йилларда яшаб ижод қилиб, хонанда, созанда, бастакор сифатида машхур бўлган. У хонандаликни асосан дутор жўрлигига амалга оширган. Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов 1868-1943 йилларда яшаб, Фарғона-Тошкент йўлларининг машҳур ижрочиси ҳисобланган. Қурбонниёз Авазматов 1868-1961 йилларда, Абдулла Файзуллаев 1869-1944 йилларда, Леви Бобохонов 1873-1926 йилларда ўз ижодий фаолиятини олиб борганлар ва санъатимиз ривожига бекиёс хизмат қилганлар.

**Янги давр мақом ижрочилиги анъаналари.** Бугунги кунда Ўзбекисонда мақомотнинг уч тури – Бухоро мақомлари, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларига доир ижрочилик анъаналарининг маданий меросимиздан бирдай ўрин эгаллаган. Ю.Ражабий ва Ф.Содиқовларнинг бадиий анъаналари ижодий давом эттирилаяпти. Хоразм мақомларига хос кўхна бадиий анъаналар Хоразм вилоятининг Ҳожихон

Болтаев номидаги мақом ансамбли томонидан қайта тикланмоқда. Шунингдек, Фарғона-Тошкент мақом ижро йўлларига доир анъаналар ансамбллар фаолиятида давом эттирилмоқда. Мақом ижро чиларининг Республика танловлари ноёб мусиқий маданий меросимиз кейинги авлодларга ўтиб боришига катта туртки бўлмоқда.

**Жазнинг жаҳон маданиятидаги ўрни.** Жаз - жаҳон мусиқа маданияти кесимида алоҳида ўринга эга катта аҳамиёт касб этмоқда. Россияда жаз мусиқасининг шаклланиш босқичлари кузатилди ва XX аср иккинчи ярмида эстрада – жаз мусиқаси юксакларга кўтарилиди.

**Ўзбекистонда жаз мусиқаси.** Жаз Ўзбекистон мусиқа маданияти кесимида ҳам бугунги кунда ўз муҳлисларига эга. Ўзбек композиторлари ижодида симфожаз услуги пайдо бўлганлигини мусиқашунлс-олимлар кейинги даврларда эътироф этишмоқда. XX аср иккинчи ярмида жаз ва оммавий мусиқа ижобий ва айрим ҳолларда салбий таъсири кучи сифатида ҳам тортишувларга сабаб бўлмоқда. “Оммавий маданият”нинг бир қўриниши сифатида ёшлар тарбиясига кўрсатаётган таъсири ОАВларида тез-тез эътироф этилмоқда.

**Жаз ва Рокнинг ижтимоий ҳаётга таъсири.** XX аср АҚШ ижтимоий – қўшиқ фольклорида сиёсий қўшиқ жанри сифатида шаклланиб, XX аср иккинчи ярмида ёшлар ҳаракати ва ижтимоий-норозилик қўшиқлари яратилишига туртки бўлди. XX аср мусиқа маданиятида эстрада мусиқаси, Рок йўналишининг шаклланиши ва ривожи асосан профессионал композиторлар ижодида намоён бўлмоқда. Рок мусиқаси услуг ва йўналишларининг тавсифи энциклопедиялар саҳифасидан ҳам ўрин олган.

**Ўзбек мусиқа маданиятида оммавий жанрлар.** Композиторларимизнинг оммавий жанрларда яратиётган асарлари “оммавий маданият” намуналариға қарши қўйилиб, ёшларни келакка, порлок ҳаётга ишонч руҳида тарбияламоқда. XX аср бошларида, аниқроғи 1920-1930 йилларда ўзбек мусиқа маданиятининг бир йўнилиши сифатида ўзбек қўшиқчилик санъати тез суръатларда ривожланди. 1920-1940 йиллар ўзбек қўшиқчилик санъати, 1940-1950 йиллар ўзбек қўшиқчилик санъати янги-янги ижод намуналари билан алоҳида-алоҳида халқимиз қулоғига сингди. Бунда машҳур Эстрада-симфоник оркестрининг фаолияти катта эътирофга сазовордир. Ботир Зокиров ўзбек эстрада мусиқа мактаби асосчиси сифатида тан олинди. Ўзбек қўшиқчилик санъатида симфожазга асосланган профессионал асарлар яратилди. 1960-1980 йиллар эстрада хонандалари ижоди янгича ижро услублариға қараб бурилди. Бунда аранжировка санъатининг таъсири катта бўлди. Эстрада қўшиқи ўзбек композиторлари ижодидан муносиб шрин олди. 1980 йилларда “Ялла” каби вокал-чоғу

ансамбллари пайдо бўлди. 1990-2016 йилларда ўзбек эстрада мусиқаси ўзбек эстрада мусиқаси шоу-бизнес тизимида ҳам ўз шрнига эга бўлди.

**Ўзбекистонда академик вокал ижрочилиги.** Ўзбекистонда академик хонандалик таълими шаклланди, вокал педагогикасининг ривожланиши дунёга машҳур бўлганини катта саҳналарга чиқаётган ёш авлод вакиллари маҳоратида кўриниб турибди, албатта. Ўзбекистоннинг буюк опера хонандалари: М.Қори-Ёқубов, Х.Носирова, Н.Ахмедова, С.Қобулова, С.Ярашев, А.Азимов, Н.Хошимов, Қ.Муҳитдиновлар санъат мактабларини бугунги қунда М.Раззоқова, Н.Султонов, А.Ражабов, Р.Усмонов кабилар давом эттироқдалар.

**Вокал ижрочилигига бадиҳавийлик (импровизация) техникаси. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.**

Вокал ижрочилигига бадиҳавийлик (импровизация) техникаси йиллар давомида чолғу ижрочилигига азалдан мавжуд услубга тақлид сифатида намоён бўлди. Импровизациянинг академик ва джаз йўналишларида кўпроқ учратиш мумкин. Жаз импровизациясида усулнинг аҳамияти катта. Жаз усуллари ва унинг ўзига хос тарафлари профессионал даражада импровизация қила олишга туртки бўлади. Аккордларнинг харф рақам белгилари (катта ва кичик учтовушликлар, мажор ва минор септаккордлар, ортирилган ва камайтирилган аккордлар ва нонаккордлар), альтерация белгилари - аккорд товушларини ярим тон кўтариш ёки тушириш белгилари ҳисобланиб, импровизацияни ёқимли амалга оширишга кўмак беради. Мелодик йўналишлар - жаз импровизациясида арпеджио йўналишининг ролини янада оширади. Ёрдамчи ва ўткинчи товушлар, диатоник ва хроматик ёрдамчи товушлар импровизация қилишда жозиба касб этади. Блюз, классик блуз шакли, куйи, ўзига хос хусусиятлари, унинг лади ва гаммаси классик унсурларда ўзгачадир. Блюз гармониясининг хусусиятлари, блуз гаммаси ва унинг хусусиятлари барча маданиятларга мос келади. Жаз йўналишлари - жаз импровизациясида оҳанг ривожланишининг аҳамиятини, секвенциялар ва уларнинг импровизациядаги ўрнини оширади.

## **2.Ўқув-услубий адабиётлар яратиш, “устоз-шогирд” анъаналари ва мактабларининг бардавомлиги ҳамда уларни мусиқий меросни сақлаш ва келажак авлодга етказишдаги ўрни ва аҳамияти**

Ўзининг мустақиллигини тобора мустаҳкамлаб бораётган Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий сиёсий ва маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиланишлар ўзининг кўлами ва аҳамияти

билин мухим воқеа сифатида тарихда мұхирланиб қолмоқда. Айниңса, Республикализни мустақил ҳаёт кечириши, тенглар ичра тенглиги, үзининг келажагини қуришда илдам қадам ташлаб бораётганлиги бугунги глобаллашув жараёнида үзининг мустақил ривожланиш йўлидан событ қадам ташлаб, бутун дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Мамлакатимизнинг 130 йил мустабид тузум исканжасидаги ҳаётидан сўнг озод давлат сифатидаги илк фаолиятида кадрлар тайёрлаш масаласига асосий эътиборини қаратди. 1992 йилда мустақил давлат сифатида “Таълим тўғрисида”ги биринчи Қонун қабул қилинди<sup>44</sup>. Мазкур қонун Ўзбекистонда илгари эришилган ютуқларни сақлаб қолиш баробарида, эски тизимдан янгисига ўтишда кўприк вазифасини ўтаган бўлса, 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги Қонунларни амалга киритилиши МДҲ Республикалари орасида биринчилардан бўлиб, таълим тизими ва унинг мазмун - моҳиятини бозор муносабатлари шароитидан келиб чиқсан ҳолда мутлоқо янгича дунёқараш ва талабни, қолаверса, янги босқични бошлаб берди. Мазкур қонун ғоявий мавкуравий жиҳатдан миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидағи жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан жуда қадрлидир.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад, юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат. Айнан ана шу мақсадга эришиш учун мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов раҳбарлигига янги даврда яшайдиган, янгича фикрлайдиган, янги ишлаб чиқариш, ижтимоий шароитларда фаолият кўрсатадиган, замонавий касбий маҳоратга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашнинг “Ўзбек модели” ҳаётга тадбиқ этилди.

Республикамизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятияга қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамият қурилмоқда. Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирchan механизmlарини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи қучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида

<sup>44</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент. 2009. 128-129 б.

кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти этиб белгиланган<sup>45</sup> лиги фикримиз далилидир.

Бугунги кунда мамлакатимиз барча соҳаларда кенг ислоҳотлар майдонига айланиб бормоқда. Мазкур ислоҳатлар заминида замон ва тараққиёт талабига тўла жавоб берадиган малакали кадрлар ва уларни тайёрлаш масаласи турибди. Бу ўринда олий таълим тизимининг ўрни ва аҳамияти жуда каттадир. Республикаиз олий таълим тизимида 2012 йилдан б 6 та билим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлашнинг кенг йўлга қўйилиши бугунги кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини сифат ва самарадорлигини таъминлашда пойдевор замин яратди.

Бугунги кунда олий таълим тизимида ўқув-услубий фаолиятни ташкил этиш ва уларни самарадорлигини ошириш масаласи энг долзарб масалалардан бири хисобланади. Ўқув ва услубий фаолиятни ташкил этиш ва бу фаолиятни самарали олиб бориш ишларини янада такомиллаштириш ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Бугунги глобаллашув шароитида замон талабларига мос олий малакали кадрлар тайёрлашда Олий таълим муассасаларининг ўқув-услубий фаолиятини ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш йўлларини янада такомиллаштириш ва тегишли таклиф тавсияларни баён этишдан иборатдир. Мазкур мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни белгилаб олинди:

Биринчидан, Республикадаги олий таълим муассасаларида ўқув-услубий фаолиятни ташкил этиш бўйича мавжуд меъёрий-хукуқий база ва уни бугунги кундаги холатини таҳлил қилиш;

Иккинчидан, мавжуд меъёрий-хукуқий базадан ўқув-услубий фаолиятда фойдаланиш ҳолатини ўрганиш;

Учинчидан, Республика педагогика соҳаси 5111100-Мусиқа таълими йўналишида ўқув жараёнини ташкил этишда ўқув-услубий фаолиятни ҳолатини таҳлил этиш;

Тўртинчидан, мазкур соҳада мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш ва ўқув-услубий фаолиятни тартибга соладиган меъёрий хужжатлар бўйича таклиф ва тавсиялар бериш. Олий таълим муассасаларидаги ўқув-услубий фаолият ташкил этади.

ОТМларда ўқув-услубий фаолиятни ташкил этиш жараёнлари ва уларни тартибга солувчи меъёрий-хукуқий ҳужжатларни бугунги кундаги холат бўйича назарий ва амалий жихатдан таҳлил этиш ҳисобланади.

Мавзу бўйича адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар таҳлили. Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Республикада таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда.

уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислоҳатлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Ушбу тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунлар<sup>46</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим тизимиға оид фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ҳайъат қарорлари, буйруқлари ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнларини устувор йўналишларни белгилаб олиш ва норматив-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни ижросини таъминлаш учун амалий дастур бўлиши мумкин.

Олинган хулоса ва билдирилган таклифлардан олий таълим муассасаларида ўқув-услубий фаолиятни ташкил этиш механизмларини ҳамда ўқув-услубий фаолиятни сарарадорлигига оид меъёрий-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Овозлар классификацияси ҳақида гапириб беринг.
2. Жаҳон операси юлдузларини санаб беринг.
3. Л.Паваротти, Ш.Миллс, Т.Хемпсон, П.Бурчуладзе кабилардан қайси бири замонамизнинг энг атоқли тенори ҳисобланади?
4. “Шашмақом” ашула бўлими таркиби айтинг.
5. Ўзбекистон эстрада қўшиқчилигидаги стилистик йўналишлар
6. “Этно-жаз” услуби нимага таянади?
7. Соул йўналишининг замонавий намоёндалари?
8. Поп мусиқаси қироли?
9. «Импровизация» тушунчаси нимани англатади?
10. Н.Абдуллаева, Ф.Зокиров, К.Раззоковаларнинг ижодидаги ижро услуби?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ю.Ражабий. «Ўзбек халқ мусиқаси I, II, III, IV, V». – Т., 1958.
2. Турли муаллифлар. Нота адабиётлари. 1956-2008.

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда

3. Развоқова М.Қ. Академик хонандалик асосларига кириш. – Тошкент: 2014, Шарқ. – Б. 200.
4. Д.Амануллаева. «Эстрада хонандалиги». Магистрлар учун дарслик (қўлёзма). – Т., 2014.
5. Д.Амануллаева. Вокализлар (қўлёзма). – Т., 2014.
6. А.Мансуров. “Мусиқа санъати (турлари бўйича)” йўналиши “Мусиқа санъатида замонавий тенденциялар” модули. Тошкент. 2016 й.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машғулот:**

**1-мавзу:** Мусиқа таълими фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳа тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари. Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари. Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар (4-соат).

1. Профессионал ва ҳаваскор ижрочилик.
2. Чолғу ижрочилигига “устоз-шогирд” тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши хусусида хорижий адабиётлар (таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари).
3. Мумтоз мусиқани ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши. Таълим тизимида чолғу ижрочилигини ўргатиш борасида илгор маҳаллий ва хорижий тажрибалар.
4. Мусиқий асарларни ўзлаштиришда ижрочиликнинг анъанавий ва замонавий услублар. Репертуар танлаш ва чолғу ижрочилирини тайёрлашда индивидуал ёндашув масалалари.
5. Машхур чолғучиларнинг ижоди. Улар яратган услубларни таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

#### **1.1. Профессионал ва ҳаваскор ижрочилик.**

Профессионал ижрочилик ўзининг мукаммаллиги, ҳар бир куйга оқилона ёндашиши билан ажralиб туради. Мукаммаллиги шундаки: ижро пайтида ўзини тутиши, ҳар бир штрих, ҳар бир зарб, ҳар бир парда ўз ўрнида бўлиши; ҳар бир куйга оқилона ёндашишини шундай изоҳлаш мумкин: чолғучи маълум бир куйни ижро этишдан олдин яхшилаб ўрганиб чиқади, куйнинг мураккаб жиҳатлари, пардалари, тарихий келиб чиқиши, руҳиятидан келиб чиқиб, ижодий ёндашади.

Ҳаваскор ижрочилик эса аксинча, саҳнада ўзини тутиши, куйнинг баъзи жиҳатлари, унсурларини сезмай ташлаб кетиши, штрих ва зарбларини пойма-пой кетиши, чалаётган куйга хос бўлмаган пардаларини ижро этиши билан фарқланади.

#### **1.2. Чолғу ижрочилигига “устоз-шогирд” тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши хусусида хорижий адабиётлар (таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари).**

Чолғу ижрочилигига устоз-шогирд анъанаси, тизимининг пайдо бўлиши жуда қадим замонларга бориб тақалади. Буни шундай изоҳлаш

мумкин: мусиқа ёки мусиқий чолғулар яралибдики устоздан шогирдга, отадан-ўғилга мусиқа маданиятимиз давом этиб келмоқда. Устозлар мусиқада эришган ўз янгилик ва ютуқларини шогирдларига ўргатиб, бу мақом бўладими, достончиликми ёки бошқа бир жанрларми барчасида усто-шогирд анъанаси мавжуд.

### **1.3. Мумтоз мусиқани ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши.**

